

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

5А 640105 - "Кинология ва ит касалликлари" мутахассислиги

учун

“Итларни ўргатишнинг назарий асослари”

фанидан

ўқув қўлланма

Самарқанд - 2008 й.

Ўқув қўлланма “Итларни ўргатишнинг назарий асослари” фани бўйича "Ветеринария, зоотехния ва қорақўлчилик" факультетининг 5A640105-”Кинология ва ит касалликлари” мутахассислиги 1-босқич магистрлари, факультет талабалари, Божхона ҳамда Чегара қўшинлари таркибидаги кинологлар тайёрлаш мактаблари ва кинолог инспекторлар учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма "Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология" кафедрасининг бўлиб ўтган № сон йиғилишида кўриб чиқилди.

Ўқув қўлланма институт Услубий комиссиясида бўлиб ўтган № сон йиғилишида кўриб чиқилди.

Ўқув қўлланма институт Илмий кенгашида бўлиб ўтган № сон йиғилишида тасдиқланди ва чоп этишга рухсат этилди.

Тузувчилар: **1. Б.Д. Нарзиев**, «Ҳайвонлар, анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси доценти.
2. Р. М. Таштемиров, «Ҳайвонлар, анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси доценти.
3. Д.П. Узакова, Самарқанд «Темир йўл» коллежи методисти.

Тақризчилар: **1. Б. М. Эшбуриев**, «Ҳайвонлар касалликлари ва паразитология» кафедраси доценти.
2. У.У. Норқулов, Самарқанд вилоят ИИБ Кинология хизмати бошлиғи, майор.

МУНДАРИЖА

I. Кириш	- 4
1. Итларнинг келиб чиқиши	- 5
II. Итларнинг анатоми - физиологик тузилиши	- 8
1. Анатомия ва физиология тўғрисида тушунча	- 8
2. Ҳаракат аъзолари системаси	- 11
3. Овқат ҳазм қилиш аъзолар системаси	- 15
4. Нафас олиш аъзолар системаси	- 17
5. Қон ва лимфа айланиш аъзолар системаси	- 18
6. Айириш аъзолари	- 22
7. Кўпайиш аъзолари	- 22
8. Нерв системаси	- 24
9. Сизги аъзолари (анализаторлар)	- 27
III. Ит зотлари. Итларнинг конституцияси	- 32
1. Ит зотлари	- 32
2. Итларнинг конституцияси	- 34
IV. Итнинг ташқи ва ички тузилиши (экстерьер ва интерьер)	- 37
1. Экстерьер	- 37
2. Интерьер	- 52
V. Итларни сақлаш тартиби	- 53
VI. Итларни урчитиш	- 56
VII. Хизмат итларининг рационали ва уларни озиқлантириш тартиби	- 59
VIII. Итларни ўргатишнинг назарий асослари	- 63
IX. Ит ўргатишда ташқи ва ички омилларнинг аҳамияти	- 97
X. Итларни ўргатишнинг айрим усуллари	- 104

I. Кириш.

Республикамызда Давлат мустақиллигининг 17 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрилаяпти. Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, Президентимиз И.А. Каримов миллий хавфсизлигимизга катта эътибор қаратиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу структураларга кўмак берувчи тузилмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бундай тузилмаларга кинология ҳам қиради. Бу соҳани мукаммал ривожлантириш мақсадида, Президентимиз И.А.Каримов “Миллий кинологияни ривожлантириш тўғрисида” ги фармонни имзолаган эди. Бу фармон асосида куч салоҳиятига эга бўлган тузилмаларда Миллий кинология марказлари ташкил қилинган ва унинг таркибида питомник (хизмат итларини тайёрлаш жойи) ҳамда кинолог инспекторлар тайёрлаш мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Кинологияни ривожлантириш мақсадида ва унга малакали кадрларни тайёрлаш учун Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида “Кинология ва ит касалликлари” мутахассислиги бўйича магистратура очилди.

Кинология – итлар ҳақидаги фан бўлиб, итшунослик, яъни итларнинг тузилиши, келиб чиқиши ҳамда уларни асраш, озиқлантириш, турли хил хизматлар учун тайёрлаш, ўстириш ва урчитиш тўғрисидаги фандир.

Ит – ҳайвонлар орасида одам учун энг содиқ жонивор ҳисобланади. Ж.Къювенинг таъкидлашича итлар инсоният учун энг ноёб, фойдали ва ўта мукаммал топилмалардан биридир. Инсон итларнинг ўта зеҳнлилиги, ҳидларни ўткир сезиши, яхши кўриши, эшитиши, тез чопиши ва чидамлилигини олдиндан сезиб, уларни бошқа ҳайвонларга нисбатан ўзига яқинлаштирган.

Қадимдан одамлар итлардан ов жараёнларида ҳамда турар жойларни кўриқлаш мақсадларида фойдаланишган. Шунингдек, итларни ҳарбий соҳада кўллаш, айниқса яхши самара беради. Улардан чегараларни кўриқлашда, жиноятчиларни топиб ушлашда, портловчи ва гиёҳванд моддаларни қидиришда, ҳарбий қурилмаларни кўриқлашда кенг фойдаланилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, итлар одамларга нафақат руҳий кўмак беради, балки иқтисодни ривожлантиришга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Мазкур қўлланма ўзбек тилида илк маротаба чоп этилиб, унда берилган маълумотлардан кинологлар, ветеринария врачлари, ветеринария ва зоомухандислик факултетлари талабалари, магистрлар ва умуман итларга меҳр қўйган одамлар фойдаланишса, ўз навбатида биз ҳам олдимизга қўйилган мақсадга қисман бўлсада эришдик деб ҳисоблаймиз.

1. Итларнинг келиб чиқиши.

Одамлар ҳали чорвачилик ва деҳқончилик нималигини билмаганда, ҳамда уларнинг яшаши учун бирдан бир чора ов бўлганда, ит одам қўлга ўргатган уй ҳайвонлардан биринчиси эди. Бу палеолитда, тўғрироғи тош асрда, қачонки одам оловдан фойдаланишни ҳамда тошдан ва суякдан биринчи маҳсулотларни ясашни бошлаганда вужудга келган. Шундан буён, мана 30-40 минг йилдирки ит одам билан бирга.

Уй ҳайвонлари ибтидоий одамнинг ҳаётини ва меҳнатини енгиллаштирганлар, ўз томонидан, одам ҳам фақат унга фойдали бўлган турларни урчитган ва такомиллаштирган. Чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиш, янги уй ҳайвонларнинг пайдо бўлиши (от, қўй, қорамол) итни “такомиллаштирди” чунки у овда ишлатилишидан ташқари подани ва эгасининг уйини қўриқлайдиган бўлди.

Итларнинг узоқ аجدодлари бўлиб ёвойи бўри ва шақаллар ҳисобланади. Буни бир нечта белгилар исботлайди: биринчида – айрим зотлар сунъий танлаш таъсирида кам ўзгарганлар ва кўп ҳислатлари билан бўриларни эслатадилар (Енисей, Чукотка, Колима ва Канада Шимолининг лайкалари ҳамда немис овчаркаси); иккинчидан – серпуштлик ва итни бўри ёки шақал билан чаптиришдан ҳосил бўлган ва нормал ривожланадиган дурагайлар; учинчидан – лайка ва бошқа ит зотларининг скелети шақалникига ўхшашлиги; тўртинчидан – ҳозир ҳам бўри, песец ёки тулкини

осонликча кўлга ўргатиш мумкин, шу билан бирга ит одамнинг қаровидан қолса тезда ёвойиллашиб кетади. Аммо итларга фақат бўри ва шақаллар яқин бўлади. Гиена, песец, тулки ва бразил итлари уй итларига ўхашликларига қарамасдан, уларнинг аجدодлари бўлиб ҳисобланмайди, чунки улар ит билан чатитштирганда авлод бермайди.

Археологик қазилар натижалари Осиё ва Европа ҳудудларида қадим замонда уч типдаги итлар яшаганлигини кўрсатди:

1-тип – торф ити. Унинг скелети доим торф ичидан топилганлиги сабабли бундай аталади. Торф итининг бош чаноғи шақалникига ўхшайди. Бундай итларнинг бош чаноғи замонавий пинчер ва терьерларникини эслатади. Торф итининг авлодлари: русс-фин, немис ва бошқа лайкалар ҳамда пинчер, терьер, чау-чау ва шпицлар.

2-тип – “Иностранцев ити” – профессор Д.П.Акучин томонидан тақлиф қилинган. Бу итнинг суяклари Красноярск, Амур қирғоқлари, ғарбий Қозоғистон, Крим, Смоленск, Абакан атрофларида топилган. Иностранцев ити торф итидан каттароқ бўлиб, у 20-30 минг йил аввал кўлга ўргатилган. Иностранцев итининг авлодлари: муғул, кавказ, ўрта осий, тибет овчаркалари, ньюфаундленд, сенбернар, дог, мастиф, шимол-шарқ лайкалари.

3-тип – “Путятин ити” - биргина экзemplяри Новгород губернияси аторфида топилган. Бу итлар Иностранцев итига жуда яқин бўлиб фақат бош чаноғи саъл калта, тумшуғи эса узунроқ.

Путятин итининг авлодлари: шарқий итлар-париялар (турли зот метислари), замонавий динго ва айрим лайкалар.

Бронза асрида итларнинг янги типи – бронза ити пайдо бўлган. Бундай итларнинг бош скелети жанубда ва Сибирда топилган. Шуниси кизиқарли – ки – айнан шу даврда янги, тамомила бошқача кўйларнинг типи пайдо бўлган. Бу эса итлардан шу вақтдан бошлаб подани кўриқлаш учун фойдаланлигини кўрсатади. Бронза итининг бош суяги ҳамда Хиндистон ва

Эронда яшаган Хиндистон бўйсининг бош суяги орасида анатомик ўхшашлик мавжуд.

Бронза итининг авлодлари: Европадан келиб чиққан немис, бельгия, француз овчаркалари, колли ва айрим лайкалар.

Бронза асрининг иккинчи типи ҳам бор – кул ити. Унинг суяклари садақа гулҳанларининг кулидан топилган. Бу ҳол уларнинг овчи ит бўлганлигидан далолат беради, чунки ов яхши бўлиши учун садақага фақат қимматли нарса келтирилган. Авлодлари: този, искавуч итлар, такса ва спаниель.

Този итларнинг аجدодлари ханузгача аниқ эмас. Аммо тозиларнинг ватани Африка эканлиги ҳеч шубҳа туғдирмайди, чунки у ерда уларнинг кўпсонли тасвирлари топилган.

Академик С.И.Боголюбский барча йўқолиб кетган ва мавжуд ит зотларини 5 асосий типларга бўлган. Бу классификация ҳозир ҳам қўлланади.

Биринчи тип – шпицсимонлар. Уларнинг шажараси бўри ва шақаллардан келади. Қадимги шпицлар Швейцаря, Рим империяси, Сибир ва Хитойда маълум бўлган. Замонавий авлодлари: шпиц, пинчер, терьерлар.

Иккинчи тип – тозисимонлар. Бу итлар массив бўлиб, уларнинг боши кенг, тумшуғи биров калта, қулоқлари узун ва осилган бўлади. Бу итлар Шимолий Африка (Миср) кейинчалик Рим, Греция ва бутун Европанинг хонакилаштирилган бўри-шақалларидан келиб чиққан. Улар чидамли, тез югурадиган ва яхши хид биладиган итлар. Ундан ташқари бу гуруҳга пойнтер, сеттерлар, бошқа исковуч тозилар, спаниеллар ва калта оёқли таксалар гуруҳи киради.

Учинчи тип – тозилар – энг чопқир итлар. Уларнинг суяклари ингичка, тумшуғи узун, оёқлари анча узун бўлади.

Тўртинчи тип – догсимон итлар. Бу итлар энг йирик, кучли ҳисобланади. Конституцияси хом ва оғир, лаблари осилган, мускулатураси бўш. Жанговар ит сифатида, бундан 15 минг йил аввал қадимги Миср, Ассирия, Вавилон, Эронда маълум бўлган. Карфагенликлар бундай итларга

темир совутлар кийгизиб душман суворийларига қарши жангга чиқарганлар. Доглар тўғрисида маълумотлар, Алтайда топилган эраиздан 2 минг йил аввал ёзилган қўлёзмаларда бор.

Бу гуруҳга барча доглар, мастиф, бульдог, мопс, сенбернар, ньюфаундленд ва Муғулистон, Испания, Кавказ ҳамда Ўрта Осиё маҳаллий ит зотлари киради.

Бешинчи тип – овчаркалар. Бу итлар, бронза асрида, кўчманчи чўпонларга ёрдамчи сифатида пайдо бўлганлар. Олимларнинг фикрига кўра улар маҳаллий лайкаларни догсимон, ов итлари ва хиндистон бўрилар билан чатиштириш натижасида келиб чиққанлар. Бу гуруҳга колли, немис, венгер, украина, шимолий кавказ овчаркалари киради

Лайкалар келтирилган бешта типларга кирмайди. Уларнинг номи лай (русча) – хуриш сўзидан келиб чиққан. Лайкаларнинг бош суяк тузилиши ҳар хил типларга ўхшайди. Барча лайкаларни ўхшаш феъл-атвори бирлаштиради.

Жанубий Осиё ва Шимолий Америкада парий - итларнинг гуруҳи мавжуд: бу итлар турли зотларни чатиштиришдан келиб чиққанлар.

Хонакилаштириш ва сунъий танлаш таъсирида, йиллар давомида, итларнинг скелети ва мускулатураси, тана шакли ва олий асаб системаси янгича ривожланган. Тана массаси катталашган ёки кичрайган, скелети мустаҳкамлашган ёки аксига, кучсизланган. Шунга қарамасдан бу ягона биологик тур - *Canis lupus f. familiaris*.

II. Итларнинг анатом - физиологик тузилиши.

1. Анатомия ва физиология тўғрисида тушунча.

Анатомия – организмнинг тузилиши ва ташқи муҳит билан мунтазам равишда боғлиқ ҳолдаги тараққиётини ўрганадиган фан.

Физиология – соғлом организмда кечадиган ҳаётий жараён (функция) лар ва уларнинг қонуниятларини ўрганадиган фан.

Итлар анатомияси ва физиологияси асосларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида хизмат итчилигининг назарий ва амалий асосларидан бири ҳисобланади.

Ҳайвон организми микроскопик элементлар: ҳужайра, ҳужайрадан ташқари тузилмалар ва шаклсиз моддалардан ташкил топган. Ҳужайра таркибида ноорганик табиатда учрайдиган барча кимёвий элементлар мавжуд. Мазкур элементлар ҳужайрада органик ва ноорганик бирикмалар ҳолатида бўлади. Органик моддаларнинг негизида оксил, ёғ ва углеводлар ётади, ноорганик моддаларнинг асосини эса минерал моддалар ва сув ташкил қилади. Ҳужайраларнинг асосий таркиби – протоплазма ва ядродан иборат.

Тузилиши, моддалар алмашинуви ва бажарадиган функцияси бир хил бўлган ҳужайралар гуруҳи ва уларнинг таркибидаги ҳосилаларнинг ўзаро бирлашиши натижасида тўқималар ҳосил бўлади. Улар қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади: 1. Эпителий ёки қопловчи тўқималар; 2. Таянч-трофик тўқималар; 3. Мускуллар; 4. Нервлар.

1. Эпителий ёки қопловчи тўқималарга тери, шиллиқ ва сероз пардалар киради. Улар ташқи муҳит билан чегараланган. Эпителий тўқимаси ички аъзоларни турли хил ташқи зарарли таъсирлар ва микроорганизмлардан сақлайди. Унинг ҳосилалари тирноқ ва жун бўлиб, улар итлар учун ҳимоя вазифасини бажаради. Эпителий тўқимаси моддалар алмашинувида катта рол ўйнайди.

2. Таянч-трофик (озиқлантирувчи) тўқималар. Бу тўқималар итлар организмида моддалар алмашинуви, ҳимоя, трофик (озиқлантирувчи), қон ҳосил қилиш ва таянч (механик) функцияларини бажаради. Таянч-трофик тўқималарига – қон, лимфа, тўрсимон тўқима, бириктирувчи тўқималар, шунингдек тоғай ва суяк тўқималари киради. Озиқлантирувчи тўқималар моддалар алмашинуви учун хизмат қилса, таянч тўқималар ҳимоя вазифасини бажаради.

Тўрсимон тўқима илик, талоқ, лимфа тугунлари ва ичакнинг шиллиқ пардасида учрайди.

Тоғай тўқимаси танада амортизация вазифасини бажаради ва уч хилга - гиалин-шишасимон, эластик-тўрсимон ва толалига бўлинади. Гиалин тоғай бўғимларда, қовурғаларнинг учида, бурун ва кекирдада учрайди. Эластик тоғай эса кулоқ супраси ва ҳиқилдоқда жойлашади. Толали тоғай умуртқалар орасида ва тоғайларнинг суякларга бирлашган жойларида учрайди.

Суяк тўқимаси – фақат умуртқали ҳайвонларда бўлади ва у организмда таянч ва химоя вазифасини бажаради.

3. Мускул тўқимаси – фаол ҳаракат органига киради, унинг қисқариб-узайиши натижасида организмда турли туман ҳаракатлар бажарилади. Мускуллар силлиқ ва кўндаланг бўлиши мумкин.

4. Нерв тўқимаси – нейрон ва нейроганглийлардан тузилган бўлиб, организмда нерв системасини ташкил қилади. Нерв системаси организмдаги барча вазифаларни бошқариб туради. Ҳайвонларнинг ёруғлик, ҳид ва товушларни сезиши нерв тўқимаси билан боғлиқ.

Орган – бу ҳар хил тўқималардан ҳосил бўлган ва керакли вазифани бажарувчи тананинг бир қисмидир. Бир хил умумий ишни бажарувчи, бир неча аъзолар – организм системаларини ҳосил қилади.

Ҳайвон организмда қуйидаги системалар мавжуд:

- ҳаракат;
- қон ва лимфа айланиши;
- ички секреция;
- ҳазм қилиш;
- сийдик ажратиш;
- нерв;
- нафас олиш;
- кўпайиш;
- сезиш (анализаторлар)


2. Ҳаракат аъзолари системаси.

Ҳаракат аъзолари системаси скелет ва мускллардан тузилган.

Итларнинг скелети 271-282 суякдан ташкил топган бўлиб, улар бир бирига бўғим, тоғай ва пайлар ёрдамида боғланган (1-расм).

Скелет ҳаракат аъзоларининг пассив аппарат системасидир. Шунингдек, скелет ҳайвон организми учун таянч, юмшоқ аъзоларни химояловчи, танага алоҳида шакл берувчи, қизил илик жойлашадиган ва минерал тузлар сақланадиган жой бўлиб ҳисобланади.


Суяклар таянч ва ҳаракат аъзоси бўлиб, скелет таркибида мураккаб тузилишга эга. Суяк сиртидан бириктирувчи тўқималардан ҳосил бўлган парда, яъни суяк усти пардаси билан қопланади. Суяк икки қисмдан ташкил топган яъни суяк усти пардаси остида жойлашган қаттиқ компакт моддадан ва найсимон суякларнинг учида, қисқа суякларнинг эса ички қисмида учрайдиган ғовак моддадан тузилган. Суяк қон томирлар ва нервлар билан яхши таъминланган. Суякда 50% сув, 15% гача ёғ, 12% гача органик модда ва 21% гача минерал моддалар бўлади.



1 - расм. Ит скелетининг тузилиши.

1-калла суяги, 2-бўйин умуртқалари, 3-кўкрак умуртқалари, 4-бел умуртқалари, 5-думғаза умуртқалари, 6-дум умуртқалари, 7-курак, 8- елка суяги, 9-билак суяги, 10-билакузук; 11-19-кафт суяклари, 12-бармоқ суяклари; 13-ковурғалар, 14-тўш суяги, 15-тос суяги, 16-сон суяги; 17- болдир суяклари 18-сакраш бўғми суяклари.


Скелет икки қисмларга – умуртқа поғонаси ва периферик скелетга бўлинади. Биринчисига калла суяги, умуртқа поғонаси ва дум кирса, иккинчисига – олдинги ва орқа оёқлар соҳалари киради (2 - расм).




2-расм. 1- калла суяги,
2 – умуртқа поғонаси,
3 – оёқ суяклари.

Умуртқа поғонаси – бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум умуртқаларидан тузилган. Шундан бўйин умуртқалари – 7 та; кўкрак – 13 та, бел – 7 та, думғаза – 3 та ва дум умуртқалари 20-23 тани ташкил қилади. Ҳар бир кўкрак умуртқасига бир жуфт қовурға бирикади, итларда улар 13 тага етади

Калла суяги – унда бош мия, кўриш, эшитиш аъзолари, мувозанат маркази, бурун ва оғиз бўшлиғи жойлашади. Калла суяги 19 та суякнинг бири билан мустақкам бирлашиши натижасида ҳосил бўлган, шулардан 6 таси тоқ ва 13 таси жуфт суяклардир. Калла суяги бош чаноғи ҳамда юқори ва пастки жағларнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган. Юқори ва пастки жағларда тишлар тизилмаси жойлашади. Итларда сут тишлари 32 та, доимий тишлар эса 42 та бўлади. Итлар тишларидан озуқага механик ишлов бериш ва ўзини ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланишади. Тишларнинг тузилиши, функцияси ва жойлашишига қараб улар уч гуруҳга бўлинади: курак тишлар 12 та, яъни пастки ва юқори жағда 6 тадан, қозиқ тишлар – 4 та - ҳар бир жағда 2 тадан, озиқ тишлар – премоляр ва молярларга бўлиниб уларнинг жами сони 26 та яъни юқори жағда 12 та, пасткисиди эса 14 та (3 – расм).



3- расм. **Ит тишларининг юқори ва пастки жағларда жойлашиши.**
КТ–кесувчи тишлар.КТ – қозик тишлар. П – Премолярлар. М – Молярлар



4 - расм. **Тишловлар турлари:** 1- қайчисимон. 2- омбурсимон.
3- етарли бўлмаган тишлов. 4-ҳаддан зиёд тишлов.


Юқори ва пастки жағ курак тишларининг ишқаланиб ейилиши ва уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишига қараб итларнинг ёшини ва тишламасини аниқлаш мумкин. Туғилгандан кейин икки ҳафта ўтгач итларда сут тишларининг ривожланиши бошланади. Сут тишлари ҳайвоннинг ёши 3,5 ойга етганда доимий тишларга тўлиқ алмаша бошлайди. Бу жараён итнинг ёши 8 ойга тўлганда тугайди. Моляр тишлардан ташқари барча доимий тишлар сут давридан ўтадилар. Моляр тишлар (юқорида 4 та, пастки жағда 6 та) доимий тиш сифатида сақланиб турадилар.

Суякларнинг ўзаро бирлашиши натижасида бўғимлар ҳосил бўлади. Бўғимлар тузилишига кўра, улар оддий ва мураккабларга бўлинади. Агар бўғим иккита суякдан ҳосил бўлган бўлса оддий, бир неча суякларнинг

бирлашиши натижасида вужудга келган бўлса мураккаб бўғим ҳисобланади. Бўғим капсула билан ўралади, капсуланинг ички пардасидан синовия суюқлиги ажралиб туради. Синовия ҳаракат вақтида бўғимдаги ишқаланишни камайтиради ва суякларни узлуксиз намлаб туради.

Мускуллар системаси ҳаракат аъзоларининг энг фаол қисми ҳисобланади. Мускуллар суяклар билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг қисқариб-узайиши натижасида турли хил ҳаракатлар вужудга келади. Мускуллар ҳаракати нерв системаси билан боғлиқ бўлиб, уларда жуда кўп рецептор (қабул қилувчи) ва эффектор (ҳаракатлантирувчи-жавоб берувчи) нерв толалари бўлади. Ана шу нерв толалари орқали мускуллар ташқи ҳамда ички таъсирларни доимий равишда сезади ва қисқариб уларга тегишли тарзда жавоб қайтаради.

Мускуллар иш бажариши ва тузилишига қараб икки хил: силлиқ ва кўндаланг-тарғил мускулларга бўлинади. Силлиқ мускуллар асосан ички аъзолар (ҳазм аъзолари, қон томирлар) деворида учрайди. Кўндаланг-тарғил мускуллар эса суякларга бирикиб туриши сабабли скелет мускуллари деб ҳам аталади (5 - расм).



5 - расм. Итларнинг скелет мускуллари.

1-елка бош м., 2-трапециясимон м., 3-белнинг узун м., 5-қориннинг ички эгри м., 6- тикувчи м., 7- сон фасциясини таранглаштирувчи м., 8-сағри ўрта м., 9-сағрининг юза м., 10-икки бошли м., 11-кўкрак бош м., 12-елка атлант м., 13-делтасимон м., 14-уч бошли м., 15-кўкракнинг чуқур м., 16-бўйиннинг вентрал тишсимон м., 17-қориннинг ташқи эгри м.

3. Овқат ҳазм қилиш аъзолар системаси.

Овқат ҳазм қилиш аъзолар системаси энг муҳим ҳамда ўта мураккаб тузилган тизим бўлиб, ҳайвон организмнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг ҳажми жуда катта бўлиб, организмдаги мураккаб жараёнлардан бири – моддалар алмашинуви учун хизмат қилади.

Овқат ҳазм қилиш аъзолари қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

1. Ўз атрофини ўраган ташқи муҳитдан ҳар хил қаттиқ ва юмшоқ моддаларни олади;
2. Оғиз бўшлиғидаги аъзолар ёрдамида овқатни ютишга тайёрлайди;
3. Ҳалқум ва қизилўнгач ёрдамида овқатни ошқозонга ўтказиб, ундаги ҳар хил ширалар ёрдамида озиқани шимилишга тайёрлайди;
4. Тайёрланган озиқ моддаларни ичак деворига ўтказиб, озиқ қисмларини шимиш ва қолдиқ қисмларини ташқарига чиқариб ташлаш вазифасини бажаради.

Овқат ҳазм қилиш системаси тўртта бўлимга бўлинади: оғиз бўшлиғи ва ҳалқум, қизилўнгач ва ошқозон; ингичка ичак, жигар ва ошқозон ости бези ҳамда йўғон ичаклар.

Оғиз бўшлиғи ҳазм қилиш аъзоларининг бошланиш қисми ҳисобланиб, унинг вазифаси овқатни олиб майдалаш ва сўлак билан намлашдан иборат. Оғиз бўшлиғи қуйидаги аъзоларда ташкил топган: лаблар, лунж, тишлар, милклар, қаттиқ ва юмшоқ танглай, тил ва сўлак безлари.

Тил мускул тўқимасидан тузилган бўлиб, оғиз бўшлиғида жойлашади. Тил ўта ҳаракатчан аъзо ҳисобланиб, озиқани чайнаш, мазасини билиш, сув ичиш, овқатни ютиш, терморегуляция ҳамда итларнинг хуришида муҳим роль ўйнайди.

Ҳалқум – оғиз бўшлиғининг юқори қисмидаги мураккаб аъзо бўлиб, озиқ моддаларни қизилўнгачга ўтказишда қатнашади. Ҳалқум овқат йўли билан ҳаво йўлининг кесишмасида жойлашади.

Қизилўнгач – узун най шаклидаги орган бўлиб, ҳалқум ва ошқозон оралиғида жойлашади ҳамда овқатни ошқозонга ўтказиб беради. Итлар қизилўнгачи орқали сув – 4-5 сонияда, овқат – 11 сонияда ўтади. У бўйин, кўкрак ва қорин бўлимларига ажратилади.

Ошқозон озиқ моддаларни вақтинча сақлаш учун хизмат қилади. У кенгайган қоп шаклида бўлиб, қорин бўшлиғининг олдинги қисмини тўлдириб туради. Итлар ошқозонининг ҳажми 2-2,5 л га тенг бўлиб, унга тушган овқат деворларидан ажраладиган ошқозон шираси ёрдамида парчаланади ва шимилишга тайёрланади. Ошқозоннинг қисқариши натижасида овқат майда бўлақлар шаклида ичакка ўтади.

Ичаклар ошқозоннинг давоми бўлиб, уларнинг узунлиги итларда 3,5 - 4,5 метргача етади. Ичаклар икки қисмга - ингичка ва йўғон ичакларга бўлинади. Ошқозонда бижғиб тайёр бўлган овқат ичакка ўтади ва шимила бошлайди, буни ингичка ичаклар деворидаги сўргичлар амалга оширади. Оқсил, ёғлар ва углеводлар ичакка ўтиб, ундаги ҳар хил ферментлар ёрдамида сувда эрийдиган ҳолатга келади. Эримай қолган баъзи моддалар ичакнинг кейинги бўлимларига ўтиб ташқарига чиқиб кетади. Шундай қилиб, ичак деворида 3 хил муҳим физиологик жараён кечади:

1. Ичак деворидаги безлар ҳир хил кимёвий таъсир этувчи суюқликларни ишлаб чиқариб, озиқани парчалайди;
2. Ичак деворидаги тукчалар (сўргичлар) ёрдамида озиқ моддалар шимилиб, қон томирларга ўтади;
3. Ичак каналидаги озуқалар силлиқ мускуллар ҳаракати ёрдамида сўрилади.

Жигар организмдаги энг катта без бўлиб, овқат ҳазм қилишда фаол иштирок этадиган мураккаб аъзодир. Жигар организмда жуда муҳим вазифани бажаради. У ўт ишлаб чиқариши натижасида ферментлар ишини фаоллаштириб, ёғларни сувда эрийдиган ҳолатга келтиради. Ўт таъсирида ичак ҳаракати тезлашади, овқат яхши сўрилади.

Йўғон ичаклар ингичка ичакда ҳазм бўлмаган овқат қолдиқларини ташқарига чиқариш учун хизмат қилади. Бу ичакларнинг деворида шимувчи тукчалар бўлмайди. Йўғон ичакда озиқ моддаларнинг суяқ қисми, яъни уларнинг сувдаги эритмаси шимилади. Йўғон ичаклар орқа чиқарув тешиги билан тугайди.

4. Нафас олиш аъзолар системаси.

Нафас олиш аъзолари организм билан ташқи муҳит ўртасидаги газлар алмашинувини таъминлайди. Тирик организмнинг кислородга бўлган эҳтиёжи жуда ҳам катта. Масалан, итлар овқатсиз уч ҳафта, сувсиз уч кунгача яшаши мумкин, аммо кислородсиз уч дақиқа ҳам яшай олмайди.

Нафас олиш аъзолари газлар алмашинувини таъминлашдан ташқари яна бир қанча вазифаларни бажаради: бурун бўшлиғи – ҳид билиш, ҳиқилдоқ – овоз чиқариш (хуриш), ўпка эса организмдаги сувни буғлатиш учун хизмат қилади ва шу билан терморегуляция жараёнида қатнашади. Нафас олиш аъзолари ҳам бошқа аъзолар сингари, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш ва нерв тизимси билан чамбарчас боғлиқ чунки ўпкага кирган кислород қон таркибига ўтиб, унинг шаклли элементлари – эритроцитлар орқали бутун организм тўқималарига тарқалади ва моддалар алмашинувида муҳим рол ўйнайди, организмдан ажралган карбонат ангидриди эса ташқарига чиқиб кетади.

Нафас олиш системасининг маркази узунчоқ миёда жойлашган. Итларда тинч турган ҳолатда нафас олиш сони бир дақиқада 14-24 мартага тенг, ёш ҳайвонлар эса бундан ҳам тезроқ нафас олади.

Нафас олиш аъзоларига бурун катаклари, бурун бўшлиғи, ҳиқилдоқ, кекирдак, бронхлар ва ҳаво алмаштирувчи асосий аъзо – ўпка киради.

Бурун нафас олиш системасининг бошланиш қисми ҳисобланиб, ҳаво ўтказиш, ҳид билиш, ҳавони исистиш, ҳаво билан аралашиб кираётган ҳар хил ёт нарсаларни ушлаб қолиш ва уларни организмдан ташқарига чиқариб юбориш учун хизмат қилади. Бурунда жуфт бурун бўшлиғи, унинг олд қисмида бурун катаклари бўлади. Бурун бўшлиғи калла суягининг коваклари

билан бирикади. Бурун бўшлиғи бурун тўсиқлари орқали ўнг ва чап бўшлиқларга бўлинади. Бурун бўшлиғининг энг туби ҳавони ўтказиш учун қўлланилмайди балки у ҳид сезадиган шиллиқ парда билан қопланган ва шунинг учун ҳам ҳидни сезиш органи бўлиб ҳисобланади.

Ҳикилдоқ – тоғайлар қўшилишидан ҳосил бўлиб, хоана тешигининг пастки қисмида жойлашади. Ҳикилдоқ нафас йўлинининг бошланғич қисмидир, у нафас олишдан ташқари, овоз чиқариш йўли сифатида ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳикилдоқ бешта тоғай, бир қанча мускуллар ва овоз пайдан тузилган.

Кекирдак – узун най шаклидаги орган бўлиб, ўпкага ҳаво ўтказиш ва ундан ҳавони ташқарига чиқариш учун хизмат қилади. Кекирдак итларда 40 та тоғай ҳалқаларининг ўзаро бирлашиши натижасида ҳосил бўлган. У ҳикилдоқнинг ҳалқасимон тоғайдан бошланиб, ўпкада тугайди.

Ўпка - асосий нафас олиш аъзоси бўлиб кўкрак қафасида жойлашган. Ўпка жуфт аъзо, унга ташқи муҳитдан ҳаво билан бирга кислород кириб, қонга ўтади ва бутун организмга тарқалади, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидриди эса қон билан ўпкага келиб, ташқарига чиқиб кетади. Ўпка тармоқларга бўлинган бронхлардан ташкил топган. Асосий бронх ўпканинг ички қисмига киргандан кейин тармоқланиб, бронхларга, бронхиолаларга, улар эса альвеолаларга бўлиниб кетади. Альвеолалар эса ўз навбатида альвеола халтачалари – пуфакчаларини ҳосил қилади ва улар билан якунланади. Альвеолалардан ўпка паренхимаси пайдо бўлади. Паренхимада артерия ва вена қон томирлари бўлиб, газлар алмашинуви шулар орқали амалга ошади.

5. Қон ва лимфа айланиш аъзолар системаси.

Мураккаб тузилган организмнинг ҳар бир хужайрасига кислород ва озиқ моддаларни етказиб бериш ва унда ҳосил бўлган чиқинди моддаларни тегишли аъзолар орқали чиқариб юборишда қон ва лимфа айланиш системаси аъзолари хизмат қилади. Улар қон, лимфа, юрак, қон ва лимфа

томирлари ва қон ҳосил қилувчи аъзолардан тузилган. Қон айланиш системаси қон томирлар, уларнинг ичидаги қон ва қон ҳайдовчи аъзо, яъни юракдан ташкил топган. Қон томир системасининг энг муҳим қисми юрак бўлиб, унинг тинмай ишлаши натижасида қон қон томирлари бўйлаб узлуксиз ҳаракатланиб туради. Танада ҳаракатланаётган қон иккита, яъни катта ва кичик доира бўйлаб айланади, буни биринчи марта инглиз олими Гарвей 1638 йилда аниқлаган.

Қон организмнинг энг муҳим тўқималаридан биридир. У қизил рангда, шўр таъмли, ёпишқоқ суюқликдир. Қоннинг таркибида шаклли элементлар, яъни қизил қон таначалари (эритроцитлар), оқ қон таначалари (лейкоцитлар) ва қон пластинкалари (тромбоцитлар) мавжуд. Қоннинг қизил ранги ундаги ранг берувчи модда - гемоглобин билан боғлиқ. Шўр таъми эса ундаги тузлар миқдорига боғлиқ.

Қон ҳайвон организмида муҳим вазифаларни бажаради: моддалар алмашинувида қатнашади, ичаклардан шимиб олган озиқа моддаларни ва сувни бутун организм бўйлаб тарқатади; кераксиз, заҳарли моддаларнинг организмдан чиқиб кетишини таъминлайди. Қоннинг шаклли элементлари орқали организм (фагоцитоз йўли билан) ҳимоя қилинади ва иммунитет билан муҳофазаланади. Қоннинг ивувчанлик хусусияти ҳам ҳимоя функцияси бўлиб ҳисобланади, чунки ҳайвон жароҳатланганда у қон оқишини тўхтатишга ёрдам беради. Қон ит тана вазнининг 5-8 % ини ташкил қилади. Катта миқдорда қон йўқотиш организм учун ўта хавфлидир.

Юрак – конус шаклидаги орган бўлиб, кўкрак қафасининг III-VI-VII қовурғалари рўпарасида, ўпкалар оралиғида жойлашади. Юракнинг асосий қисми умуртқа поғонасининг чап томонида бўлади. Юрак бўшлиғи ички томондаги кўндаланг тўсиқ орқали чап ва ўнг бўлимларга бўлинади. Улар ҳам ўз навбатида клапанлар ёрдамида яна иккига бўлинади. Юқоридагилар чап ва ўнг юрак олди бўлмалари деб аталади, юракнинг пастки қисмида эса чап ва ўнг қоринчалари жойлашади. Шундай қилиб, итларнинг юраги тўрт камерали, яъни иккита юрак олди ва иккита юрак қоринчаларидан тузилган.

Юракнинг ўзига хос асосий функцияси веналардан бўлмаларга тушган қонни аортага, ундан эса артерияларга узлуксиз суръатда чиқариб туришдир. Юрак навбатма-навбат икки босқичда ишлайди. Юракнинг икки фазада ишлаши туфайли, қон организм бўйлаб фақат битта йўналишда, яъни юрак бўлинмаларидан қоринчаларга, улардан томирларга қараб ҳаракатланади. Юрак мускулларининг қисқаришига систола, кенгайишига диастола деб айтилади. Бу икки босқич юрак ишининг бир цикли бўлиб ҳисобланади. Иккинчи фазадан кейин пауза, яъни юракнинг умумий бўшаши бошланади, бу вақтда юрак мускуллари дам олгандай бўлади. Юракнинг бундай ўзига хос жараёни, унга суткада 8-10 соат зўр бериб ишлашга имконият яратади, бошқа вақти эса дам олишга сарфланади. Итларнинг юраги меъёр бўйича ҳар бир дақиқада 70-120 мартагача қисқаради.

Қон томирлар ҳар хил диаметрли найчалардан иборат бўлиб, улар тузилиши ва функцияси жиҳатидан артерия, вена ва энг майда қон томирларга (капиллярларга) бўлинади. Умуман қон томирларнинг вазифаси-қонни бутун организмга тарқатиш ва тўқималарни керакли моддалар билан таъминлаш ҳамда моддалар алмашинуви натижасида пайдо бўлган кераксиз моддаларни ташқарига чиқариб юборишдан иборат. Юракдан чиқадиган қон томирлар артерия, юракка қон олиб келадиган томирлар эса вена қон томирлари деб аталади. Томирлар юрак деворининг фаолияти туфайли ритмик равишда тўлқинсимон ҳаракат қилиб туришига пульс ёки томир уриши дейилади. Итларнинг пулси сон артериясида яхши аниқланади ва унинг сони бир дақиқада 70-120 тага тенг.

Танадаги қон иккита доира, яъни катта ва кичик қон айланиш доиралари бўйлаб ҳаракат қилади. Кичик қон айланиш доирасида қон юрак билан ўпка ўртасида, катта қон айланиш доирасида эса юрак билан бутун тана оралиғида оқади. Катта қон айланиш доирасида чап қоринчадан чиққан аорта бутун организмни қон билан таъминлайди. Ундан тарқалган томирлар ва уларнинг капиллярлари тўқималарга боради ва қондаги керакли моддалар ва кислородни бериб, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган

кераксиз моддаларни ва карбонат ангидридини вена капиллярларига ўтказди. Бутун организмдан йиғилиб келган вена қон томирлари кейинги ва олдинги ковак веналарни ҳосил қилиб, юракнинг ўнг бўлмачасига қуйилади.

Кичик қон айланиш доирасини ҳосил қиладиган ўпка артерияси юракнинг ўнг қоринчасидан чиқиб ўпка негизига киради ва ҳар иккала ўпка бўлмачасига бўлиниб кетади. Ўпкадаги ҳар бир артерия альвеолаларда тугайди. Шу ерда айтиш жоизки - ўпка артерияларида веноз қон оқади ва у ўпкада кислородга бойиб, ўпка веналарига ўтади. Ўпка венаси юракнинг чап бўлмасига қуйилади.

Лимфа системаси ҳам қон айланиш системасига ўхшаб, барча аъзоларга тарқалган бўлади. Бу тизим ҳам моддалар алмашинувида иштирок этиб, муҳим вазифани бажаради. Лимфа системаси қон томирларининг қўшимчаси ҳисобланади. Лимфа системасига лимфа бўшлиқлари, лимфа капиллярлари, йирик томирлар, лимфа тугунлари ва лимфа тўқимаси киради. Лимфа томирларидан тўқималараро суюқлик – лимфа оқади.

Лимфа – тоза сув маъносини билдиради. Лимфа томирлар бўйлаб ҳаракат қиладиган рангсиз суюқликдир ва у тана оғирлигининг 5/1- 6/1 ни ташкил этади. Унинг таркибига қоннинг элементларидан лимфоцитлар киради. Лимфоцитлар организмнинг ҳимоя воситаси бўлган иммунитетни ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди.

Лимфа системаси организмдаги оксил, ёғ ва витаминлар алмашинувида фаол қатнашади. Лимфа томирларининг йўналиши бўйлаб лимфа тугунлари жойлашади, улар филтрлаш ва қонни ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Итларда 60 та лимфа тугуни аниқланган.

Қонни ҳосил қилиш аъзоларига – талоқ, қизил илик ва лимфа тугунлари киради. Талоқ қорин бўшлиғининг чап томонида, етим қовурға остида жойлашган. Унинг асосий вазифаси лимфоцитларни ишлаб чиқариш ва яшаб бўлган эритроцитларни парчалашдан иборат. Бундан ташқари талоқ организмдаги 16 % қон учун резервуар (депо) вазифасини бажаради.

Суякдаги қизил иликда эритроцит ва лейкоцитлар ҳосил бўлади, яъни у асосий қон ишлаб чиқариш аъзоси бўлиб ҳисобланади.

6. Айириш аъзолари.

Тирик организмларда доимий равишда моддалар алмашинуви жараёни содир этилади, бунинг натижасида организм учун кераксиз моддалар (жумладан сийдик) пайдо бўлади. Сийдик айириш аъзолари сийдикни қондан айириш, вақтинчалик сақлаб туриш ва кейинчалик ташқарига чиқариб юбориш учун хизмат қилади. Сийдик билан сув, аммиак, мочевина, сийдик кислотаси, кератин ва азотли моддалар ажралиб чиқади. Бир суткада соғлом ит 0,5-2 л атрофида сийдик ажратади. Сийдик айириш аъзоларига – буйрак, сийдик чиқариш йўли, сийдик пуфаги ва сийдик чиқариш канали киради.

Буйраклар жуфт аъзо бўлиб, бел умуртқалари ёнида жойлашган. Итларнинг буйраги ловиясимон, қисқароқ ва юмалоқ, оғирлиги эса 45-60 г га тенг. Сийдик йўли узун, ингичка най шаклидаги орган бўлиб, у буйрак жомидан бошланади ва қовуқда тугайди. У буйракда ишланган сийдикни ўтказиш учун хизмат қилади.

Қовуқ мускул пардадан ҳосил бўлган халтача бўлиб, тос бўшлиғида, тўғри ичак остида жойлашган. унинг энг асосий вазифаси сийдикни вақтинча сақлашдан иборат.

Сийдик чиқариш канали қовуқда тўпланган сийдикни ташқарига чиқариш учун хизмат қилади.

7. Кўпайиш аъзолари.

Кўпайиш аъзолари эркак ва урғочи ҳайвонлар жинсий аъзоларига бўлиниб, насл қолдириш вазифасини бажаради.

Эркак ит (кўппак) нинг кўпайиш аъзоларига уруғдонлар, уруғдон халтаси, уруғ йўли, қўшимча жинсий безлар ва жинсий аъзо киради. Уруғдон жуфт жинсий без бўлиб, эркаклик жинсий ҳужайраларни, яъни уруғ ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. Бундан ташқари уруғдон ички секреция

безлари сифатида жинсий гормонлар ишлаб чиқариб, организмни жинсий уйғотишда муҳим роль ўйнайди. Уруғдон уруғдон ҳалтасида жойлашади. Уруғдон ҳалтаси тери бурмасидан ташкил топган бўлиб, чов соҳасида иккита ҳалтача шаклида ўрин эгаллайди. Итларда у орқа чиқарув тешигининг пастида жойлашган. Уруғ йўли узун, ингичка най шаклидаги аъзо бўлиб, уруғдонда ҳосил бўлган уруғни чиқариш учун бирдан бир йўл ҳисобланади.

Қўшимча жинсий безларга пуфакчасимон, простата ва пиёзчасимон безлар киради, улар уруғдондан чиқаётган уруғни суюлтириш ва унинг ҳаракатланиш тезлигини ошириш учун хизмат қилади. Ит сперматозоидларининг ҳаракат тезлиги 1 дақиқада 2,6 мм га тенг.

Жинсий аъзо мураккаб тузилган бўлиб, муҳим вазифани бажаради: уруғдонда ишлаб чиқилган жинсий ҳужайраларни (уруғ, сперма) урғочи ҳайвоннинг кўпайиш аъзосига киритиш ва сийдикни чиқариш учун хизмат қилади. Ит жинсий аъзоси олд қисмининг асосида 8-10 см узунликда суяк жойлашади.

Урғочи ит (қанжиқ) нинг кўпайиш аъзоларига тухумдон, тухум йўли, бачадон, қин, қин даҳлизи ва ташқи лаблар (илмоқ) киради. Тухумдон жуфт аъзо бўлиб, қорин бўшлиғида III-IV бел умуртқаларнинг рўпарасида жойлашади, унинг оғирлиги 1г атрофида бўлади. Тухумдон тухум ҳужайралари ва жинсий гормонларни ишлаб чиқарадиган аъзо. Тухум ҳужайралари тухумдонда етилиб, тухум йўлига тушади. Тухум йўли эгри найча шаклида бўлиб, тухумдон билан бачадон шохи ўртасида жойлашади. У тухумдонда етилган тухум ҳужайраларини бачадонга ўтказиш учун хизмат қилади, итларда унинг узунлиги 4-10 см га тенг.

Бачадон – ковак аъзо бўлиб, тана ва иккита шохдан ташкил топган, унда ҳомила ривожланади. Итлар кўп бола туғадиган ҳайвонлар гуруҳига кирганлиги учун ҳам, уларнинг бачадони узун ҳамда кўп бурмаланган бўлади.

Қин – пардасимон мускулли найча бўлиб, жинсий қўшилиш аъзоси ва туғиш йўли ҳисобланади.

Қин даҳлизи (сийдик – жинсий даҳлиз) урғочи ҳайвонлар жинсий аъзоларининг энг кейинги бўлими бўлиб, ташқи лаблар билан тугайди.

Куйикиш даврида ва кўппак билан қовушишда уруғ қанжиқнинг жинсий йўлларга киритилади. Тухумдон йўлида тухум ва уруғ хужайраси учрашиб бирлашади яъни оталаниш содир этилади. Оталанган тухум бачадонга тушиб, ҳомиланинг ривожланиш даврига асос солинади. Итларда бўғозлик даври 60-62 кун давом этади. Бу даврда қанжиқ организмда мураккаб ўзгаришлар вужудга келади.

Сут безларининг асосий функцияси - янги туғилган итваччаларга озиқа етказиб беришдир. Қанжиқларнинг сут безлари 4-5 жуфт бўлиб, қорин ва кўкрак деворининг пастки қисмида жойлашади. Улардан 1,5 ойгача сут келиб туради.

8. Нерв системаси.

Нерв системаси организмнинг муҳим бўлими ҳисобланади. У организмдаги барча тизимларни ишга солади, уларни идора қилади. Организм нерв системаси ёрдамида ташқи муҳит билан доимий алоқада бўлиб туради. Нерв системасининг асосий функцияси - ҳар хил қўзғатувчи таъсирларни қабул қилиш ва аксинча уларга жавоб реакциясини қайтариш. Жавоб реакцияси рефлекслар орқали амалга оширилади.

Нерв системасининг асосини нерв хужайралари, яъни нейронлар ташкил қилади. Нейронларнинг тузилиш шакли ва катталиги ғоят хилма хил бўлиб, улар тана қисми ва ўсимталари – аксон ва дендритлардан ташкил топган. Таъсирлардан қўзғалиш ва унинг оқибатида, нерв импульсларини вужудга келтириш ҳамда бу импульсларни бошқа, қўшни хужайраларга ўтказиш нейронлар фаолиятининг мазмунини ташкил қилади. Нерв хужайраси қитиқловчи таъсирни қабул қилади ва қўзғалиш жараёнида уни фаол равишда қайта ишлайди. Нерв хужайралари бириктирувчи тўқималар ёрдамида бирлашиб, тутамларни, яъни нервларни ҳосил қилади.

Умуман олганда нерв системаси икки қисмга бўлинади, яъни марказий нерв системаси – унинг таркибига бош ва орқа мия киради; периферик нерв

системаси – бунга марказий нерв системасидан чиқиб атрофдаги аъзоларга тарқаладиган нервлар киради. Нерв ўсимталари рецептор, яъни қабул қилувчи ва эффектор, яъни жавоб қайтарувчи толаларга бўлинади. Марказий ҳамда периферик нерв системасидан ташқари, соматик ва вегетатив нерв системалари ҳам мавжуд.

Соматик нервлар ҳаракат аъзоларига, яъни орқа ва бош миядан чиқиб, тери ҳамда скелет мускулларига боради. Вегетатив нерв системаси эса ички аъзоларни (юрак, қон томирлар, силлиқ мускул тўқималари, тери, безлар ва бошқаларни) таъминлайди. Вегетатив нерв системаси жойлашиши ва функциясига қараб, симпатик ва парасимпатик қисмларга бўлинади.

Марказий нерв системаси.

Орқа ва бош мия – марказий нерв системасига киради. Бош мия калла суягининг бўшлигида жойлашади. У асосан, катта мия, кичик мия ва узунчоқ мияга бўлинади.

Катта мия – иккита ярим шарлардан иборат. Улар оқ ва кулранг моддалардан тузилган. Бош миyanинг кулранг моддаси ташқи томонда, оқ моддаси эса ички қисмида бўлади. Катта миyanинг кулранг моддаси (пўстлоғи) бутун нерв системасининг энг яхши ривожланган қисми, унга бутун организм бўйсунди, у ҳамма бошқарув ишини бошқаради. Мия пўстлоғида аъзоларнинг сон-саноксиз марказлари жойлашган. Миyanинг оқ моддасида таъсир ўтказувчи бир қанча нерв ўсимтаси бор. Бош миyanинг пўстлоқ қисми хилма хил шаклдаги бир нечта ҳужайралардан тузилган ва у олти қаватдан иборат.

Катта ярим шарлар пўстлоғи ва пўстлоқ ости тузилмаларининг муқаррар иштироки билан рефлексор реакциялар, яъни шартли рефлекслар ҳосил бўлади. Демак, шартли рефлекслар пўстлоқ фаолиятининг асосини, яъни олий нерв фаолиятининг мазмунини, моҳиятини ташкил қилади ва организмнинг ҳулқ-атворини белгилайди. Мия пўстлоғининг фаолияти туфайли организм узлуксиз ўзгариб турадиган ташқи муҳит шарт-

шароитларига доимо беками-кўст мослашади, турли таъсирларга қарши эса энг қулай вазиятни эгаллайди.

Бош миянинг пўстлоғида рефлектор марказлари - рефлексларни бошқарувчи марказлар жойлашади. Оралик мия – миянинг асосида, ҳидлов миясининг орқа томонида жойлашади. Бу мияга кўриш бўртиги, кулранг дўнглик, эпифиз киради. Кўриш бўртигида ташқи ва ички аъзоларнинг сезги марказлари жойлашади. Барча қўзғалувчи таъсирлар бош миянинг катта ярим шар пўстлоғига етиб боргунча кўриш бўртигидан ўтадилар, бу ерда моддалар алмашинуви, томирлар, иссиқлик ва бошқа марказлар жойлашган.

Ўрта мия оралик миянинг орқа томонида жойлашиб, катта мия оёқчаларидан, мия тўрт тепасидан тузилган. Бу миянинг асосини тўрт тепа ҳосил қилади, у кулранг моддадан тузилган. Олд тепа қисми анча яхши ривожланган бўлиб, кўриш аъзолари билан, орқадаги кичик тепачалар эса эшитиш аъзолари билан боғланган.

Кичик мия ёки мияча узунчоқ миянинг устки қисмида жойлашиб, шакли деярли юмалоқсимон. Юзаси кулранг, ички қисми эса оқ модддан иборат. Миячанинг функциясига ҳаракат координацияси ва мускуллар тонусини бошқариш вазифаси киради.

Узунчоқ мия – орқа мияга уланиб кетади. Тузилиши бўйича орқа мияга ўхшаш, ундаги кулранг ва оқ моддаларнинг чегараси аниқ кўринмайди. Бу мияда ҳаётий муҳим марказлар: нафас олиш, кўриш, қусиш, йўталиш ва бошқалар жойлашган. Бундан ташқари, ундан саккиз жуфт бош мия нервлари чиқади. Узунчоқ миядан мувозанат ва эшитиш нервлари, ички аъзоларни ҳаракатлантирувчи нервлар чиқади.

Орқа мия узун, цилиндр шаклида бўлиб, умуртқа каналида жойлашади. У узунчоқ миядан ажралиб, бўйин, кўкрак ва бел ҳамда думғаза бўлимларига, аниқ ифодаланмаган даражада бўлинади. Орқа миянинг иккита йўғонлашган жойи бўлиб, улардан олдинги ва орқа оёқларга нервлар чиқади. Орқа мияда оддий ёки шартсиз рефлекслар ҳосил бўлади, яъни унда ҳаракат, ички аъзолар мускуллари ва сийдик чиқариш марказлари жойлашган.

Периферик нерв системаси.

Периферик нерв системаси марказий нерв системасининг бир бўлимидир. Периферик нервлар орқа ва бош миялардан чиқиб, аъзоларга тарқалади. Бу нервларнинг баъзилари четдан келган таъсирни бош мияга (рецепторлар), баъзилари эса бош миядан таъсирга тегишли жавобни аъзоларга етказиб беради (эффекторлар). Бундай нервлар мускул хужайраларига борса эффекторлар ёки ҳаракатлантирувчи, безларга борса секретор нервлар дейилади.

Таъсирни сезувчи нервлар рецептор нерв ўсимталаридан ҳосил бўлиб, орқа мия ва бош мия нервлари тугунчаларига кириб туради. Рецептор нерв ўсимталари периферияга эффектор нервлар билан бирга боради. Шундай қилиб, нейронлар танасини сақловчи ганглийлар ҳамма ҳайвонларда сезувчи нервлар қўшилишидан ҳосил бўлади. Рецептор ва эффектор нервлар орқа миянинг кулранг моддасининг шохчаларидан бошланади, сезувчи нервлар унинг юқорисидан, жавоб қайтарувчи нервлар эса пастки томонидан чиқади. Бутун тана, оёқ ва кўндаланг-тарғил мускулларга борадиган ҳаракатлантирувчи нервлар соматик нерв, силлиқ мускул тўқималарига (қон томирлар), ички аъзолар, тери ва бошқа аъзоларга борадиган нервлар эса висцерал ёки вегетатив нервлар дейилади.

Вегетатив нерв системаси симпатик ва парасимпатик нерв системаларига бўлинади. Нерв системасининг симпатик қисми умуртқа поғонасининг остида, занжир шаклидаги узун симпатик нерв тармоғини ҳосил қилади ва барча ички аъзоларни иннервация қилади. Парасимпатик нерв толалари периферик нерв толалари шаклида тарқалади. Парасимпатик нервлар ўрта мия, узунчоқ мия ва орқа миянинг думғаза бўлимидан чиқади. Улар қорачиқ, кўз ёши, сўлак безлари, нафас олиш аъзолари ва тос бўшлиғида жойлашган аъзоларни иннервация қилади.

9. Сизги аъзолари (анализаторлар).

Бош миянинг кулранг моддаси ички ва ташқи таъсиротларга жавоб бериши билан биргаликда анализаторлик вазифасини ҳам бажаради, яъни у

сезги аъзолари орқали ички ва ташқи муҳитдан доимий равишда келиб турадиган таъсиротларни қабул қилади ҳамда уларни таҳлил этади. Ҳар бир анализаторларнинг таъсирини қабул қилувчи ва ўтказувчи, шунингдек бош миyanинг пўстлоқ моддасига келган маълумотларни синтез қилувчи бўлимлари мавжуд.

И.П. Павловнинг таъкидлашига кўра, ҳар бир анализатор уч қисмдан: периферик, ўтказувчи ва марказий бўлимлардан ташкил топган. Марказий анализаторлар бош миyanинг пўстлоқ қисмида жойлашган. Ўтказувчи анализаторлар берилаётган таъсирни ўтказувчи йўллар орқали узатади. Периферик анализаторлар рецептор аппаратлардан иборат бўлиб, улар физик, механик ва кимёвий таъсирларни қабул қилади ҳамда уларни бош миyага юборади. Ички ва ташқи таъсирларни қабул қилиш хусусиятига қараб рецептор ва анализаторлар иккита асосий гуруҳга: экстрорецепторлар ва интрорецепторларга бўлинади.

Экстрорецепторлар – ташқи муҳитдан келаётган аниқ таъсиротларни қабул қилади. Кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва мувозанат рецепторлари кимёвий ва бошқа турдаги таъсирларни қабул қилиш хусусиятига эга.

Интрорецепторлар – ички таъсирларни, яъни аъзолар тўқима ва хужайраларнинг иш фаолияти мобайнида вужудга келган турли хил нормал ва патологик ўзгаришларни аниқлаб, бош миyага етказиб беради.

Организмда қуйидаги анализаторлар аниқланган: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва сезги.

а. Кўриш аъзоси (кўриш анализатори).

Организмда кўриш анализатори ташқи муҳитни кўриш ва аниқлаш имкониятини яратади.

Кўриш анализатори қуйидагилардан ташкил топган:

1. Кўз соққаси. Унда кўзнинг тўрсимон пардаси, яъни кўриш анализаторининг рецептор аппарати жойлашган;

2. Кўзнинг ҳимоя ва ёрдамчи аъзолари;
3. Анализаторларнинг ўтказувчи йўллари;
4. Бош миyanинг марказий қисми.

Кўз соққаси шар (юмалоқ) шаклида бўлиб, орқа томони бир оз кавариқ. Тузилиши бўйича кўз соққаси асосан учта пардадан - фиброз (оқ ва шох пардалардан тузилган), томирли ва тўр пардалар ҳамда нур синдирувчи муҳитлар – кўз суюқликлари, кўз гавҳари, шишасимон тана, томирлар ва нерв толалардан ташкил топган.

Кўзнинг ички пардаси ёки тўр парда жуда мураккаб тузилишга эга бўлиб, кўзнинг ўта муҳим қисми ҳисобланади. Унда нурнинг қитиқловчи таъсири ўзгартирилиб, нерв системасида кўзғалиш жараёнини вужудга келтиради. Тўр парда нурни сезувчи хужайра (колбасимон ва таёкчасимон) лардан тузилган. Улар ҳам кўриш рецепторлари сирасига киритилади. Нур таъсири кўриш рецепторларида нерв импульсларини вужудга келтиради, мазкур импульслар кўриш нервлари орқали бош миyanинг энса қисмида жойлашган кўриш марказига етказиб беради.

Итларнинг кўриш қобилияти ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Итлар атрофдаги нарсаларни бирданига иккала кўзлари билан кўра олмайдилар, яъни уларнинг ҳар бир кўзи ўзининг алоҳида кўриш майдонига эга бўлади. Итлар теваарак атрофдаги нарсаларнинг шаклини яхши фарқлай олсада, уларни рангининг фарқига бормайди, яъни итларда ранг ажратиш сезгиси мужассам эмас. Итлар 250-300м масофадаги жисмларнинг ҳаракатланишини кўра олади. Бундай кўриш қобилиятидан итларни ўргатиш вақтида, айниқса қўл билан кўрсатиб бажариш ишорасини сингдиришда фойдаланса бўлади.

б. Эшитиш аъзолари (акустик анализаторлар).

Ҳайвонларнинг эшитиш аъзолари уч қисмдан: ташқи, ўрта ва ички қулоқлардан иборат.

Ташқи кулоқ – кулоқ супраси ва уни ҳаракатлантирувчи ёрдамчи аъзолардан тузилган.

Ўрта кулоқ – бевосита ташқи кулоқдан кейин жойлашган бўлиб, кулоқ суяги бўшлиғидан ўрин олган. У ногора парда, тўртта эшитиш суякчалари, мускуллар ва пайлардан ташкил топган. Буларнинг ҳаммаси эшитиш аъзоларининг ёрдамчиси ҳисобланади.

Ички кулоқ - эшитиш аъзонинг энг мураккаб ва муҳим қисмдир. У суяк ҳамда парда лабиринтларидан иборат. Ўз навбатида лабиринт парда бажарадиган функциясига кўра ички кулоқнинг асосий қисми ҳисобланади.

Итларнинг эшитиш аъзоси бир сонияда 16 мингдан 40 минггача бўлган товуш тўлқинларини қабул қила олишга мослашган.

Итларнинг эшитиш қобилияти жуда кучли бўлиб, бу айниқса товуш орқали буйруқ бериб, уларни ўргатиш вақтида қўл келади. Одам томонидан товуш орқали берилган буйруқ итлар учун фақатгина қитиқловчи товушлар сингари қабул қилинади. Итлар овоз чиқариб берилган буйруқнинг товуш кучини ва интонациясини фарқлай олади.

в. Ҳид билиш аъзолари (ҳид билиш анализатори).

Ит бурнидаги ҳид сезиш аъзоси бурун бўшлиғининг тубида жойлашган ва ҳид сезувчи эпителий тўқимаси билан қопланган. Ундаги шиллиқ парда сариқ-кўнғир рангда бўлиб, у нисбатан бир оз қалинлашган. Шиллиқ парда деворида эса ҳид сезувчи рецепторлар жойлашган. Улардан ҳосил бўлган ўсимталар шиллиқ парданинг юзасига йўналган ҳолда ҳид сезувчи пуфакчалар билан якунланади. Ўсимталарнинг айримлари эса панжарасимон суякда ҳосил бўлган тешикчалар орқали ўтиб, бош мия таркибидаги ҳид билувчи пиёзчаларнинг ҳужайралари билан бирлашади. Пиёзчалардан чиққан нерв толалари ҳам ўзаро бирлашиб, ҳид билиш нервларини ҳосил қилади ва уларни ўз навбатида бош миянинг ҳид билувчи марказига йўналтирилади. Нафас олиш жараёнида ўзидан ҳид таратувчи моддаларнинг молекулалари буруннинг ҳид сезувчи қисмига ўтиб, ундаги ҳид сезувчи рецепторларни қитиқлайди.

Итларда ҳид сезиш қобилияти кўриш ва эшитиш қобилиятига нисбатан анча яхши ривожланган. Уларнинг бу қобилиятидан изқувар итларни тайёрлаш жараёнида унумли фойдаланса бўлади. Аммо турли хил зотга мансуб бўлган итларда ҳид сезиш қобилияти турлича ривожланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳайвон организми ўта толиққанда ёки буруннинг шиллиқ пардасида яллиғланиш жараёни кечаётганда, шунингдек итларнинг бўғозлик даврида уларнинг ҳид сезиш қобилияти кескин пасайганлигини кузатиш мумкин. Шунини ҳам ёдда сақлаш лозимки, итларнинг ҳид сезиш аъзоларига бирон бир ўткир ҳидли модданинг узоқ вақт давомида таъсир қилиши ҳайвон ҳид сезиш қобилиятининг пасайишига олиб келади, яъни мазкур ҳид унга сезилмай қолади. Бундай ҳолларда ўша ҳидга нисбатан итнинг сезувчанлик қобилиятини тиклаш учун жониворнинг ҳид сезиш аъзоларига бир оз муддат ичида дам бериш лозим бўлади. Ҳид сезиш органининг бундай хусусиятини, айниқса итлар билан из топиш машғулотларини ўтказиш жараёнида эсан чиқармаслик лозим.

2. Таъм билиш аъзолари.

Итларнинг асосий таъм билиш аъзоси тил ҳисобланади. Тилнинг шиллиқ пардасида таъм сезувчи сўрғичлар мавжуд бўлиб, улардаги рецепторлар турли хил моддалар томонидан кимёвий таъсир ўтказувчи қитиқланишни қабул қилади. Таъм билиш сўрғичларининг шаклига кўра улар уч турга, яъни замбуруғсимон, япроқсимон ва гулчасимонларга ажратилади. Бундан ташқари тилда ипсимон сўрғичлар ҳам мавжуд, аммо улар таъм сезиш учун эмас, балки оғиз бўшлиғидаги озукани механик ушлаш учун хизмат қилади. Кимёвий моддаларнинг таъм сезувчи сўрғичлар рецепторларига қитиқловчи таъсирни ўтказиши нервларда қўзғалиш жараёнининг ривожланишига замин яратади ва кейинчалик у нерв толалари орқали марказий нерв системасига узатилади.

Итларнинг таъм сезиш рецепторлари тўрт хил таъмни, яъни шўр, аччиқ, ширин ва нордон таъмни сезиш қобилиятига эга. Таъм сезиш

аъзолари итларда озукани таҳлил қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, хазм қилиш жараёнида мураккаб рефлектор йўллар орқали шира ажратиш безлари ҳам қўзғатилади.

Итларни ўргатиш жараёнида уларни рағбатлантириш учун таъм сезиш аъзоларидан кенг фойдаланилади.

д. Сезги аъзолари (тери анализаторлари).

Тери итларнинг танасини ташқи томондан ўраб турадиган мураккаб тузилган қобикдир. Тери организмнинг ташқи муҳит билан боғланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади, итлар ўз териси орқали ташқи муҳит таъсирини сезади ва унга тегишли равишда жавоб кўрсатади. Тери таркибида беш хил рецепторлар яъни оғрик, совуқ, иссиқ, босим ва кучсиз таъсирларни сезиш рецепторлар мавжуд. Ит улар ёрдамида ташқи томондан берилаётган бирон бир қитиқловчи таъсиротни қабул қилиб олади,

Қитиқловчи таъсиротлар натижасида тери рецепторларида қўзғалиш пайдо бўлади ва у нервлар орқали олдин орқа миёга, кейинчалик эса бош миёянинг марказларигача етиб боради. Тери рецепторлари нерв хужайраларининг учлари орқали ички аъзоларни ташқи муҳит билан боғлаб, уларнинг бир бутунлигини таъминлайди.

Терининг сезувчанлиги итларни ўргатиш жараёнида наф беради (механик таъсир кўрсатиш усули).

III. Ит зотлари. Итларнинг конституцияси.

1. Ит зотлари.

Ҳозирги даврда айрим хабарларга кўра ер шарида тахминат 500 млн. ит ҳисобга олинган. Шулардан 100 млн. итлар безатки (декоратив) деб ҳисобланади.

Бу итларнинг ҳаммаси 400 зотдан ортиқни ташкил этади. Халқаро кинология федерацияси (FCI) тартиби бўйича ҳар бир зотга ўзининг стандарти мавжуд.

Олти минг йил илгари итлар хонакилаштирилган, ушбу жараён Швейцариянинг торф итлари хонакилаштирилиши билан бошланади.

Қадимдан итларнинг қуйидаги асосий гуруҳлари бўлган: чўпон итлар – овчарка, този итлар, тозисимон исковуч итлар, таксалар, догсимон – қадимги ассирия доги, мастиф, пекинес, япон хин туридаги майда итлар.

Ҳозирги кунда Халқаро кинология федерацияси томонидан итларнинг зотлари 10 гуруҳга бўлинади. Булар 1-гуруҳ – чўпон итлари; 2-гуруҳ – молосслар; 3-гуруҳ – терьерлар, 4-гуруҳ – таксалар; 5-гуруҳ – шпицлар; 6-гуруҳ – кувар итлари; 7-гуруҳ – тозисимон исковуч итлар; 8-гуруҳ – ретривер, спаниеллар; 9-гуруҳ – безатки итлар; 10-гуруҳ – тозилар. Шунинг кўрсатиб ўтиш керакки рус спаниели зоти Халқаро кинология федерацияси томонидан тан олинмаган.

Итларни фойдаланувчи гуруҳидан декоратив гуруҳига ўтиш мисоли: 1870 йилда Швейцария Альп тоғларида жойлашган Авлиё Бернар монастирида монахлар тоғларда қор тагида қолиб кетган одамларни топишда ёрдам берадиган кучли итларни яратишди. Монастирнинг номидан бу итлар зотига “Сенбернар” деган исм беришди. Ҳаво бузилганда монархлар итларни одамларни излашга чақириб юборишар эди. Итларнинг белига иккита иссиқ кўрпа ва идишда ром бойланар эди. Итлар тоғ йўлакларнинг ҳар бир метрини ҳидлаб тўрт метр қорнинг тагида қолиб кетган одамни топиб олишар эдилар. Кучли оёқлари билан қорни ковлаб, топилган одамларнинг юзини тили билан ялаб, кейин шу одамнинг ёнига ётиб уни ўз бадани билан иситар эди. Одам ҳушига келгандан кейин, ит одамнинг ёнига шундай мослашар эдики, белидан кўрпа ва ромни олишга қулайлик яратар эди. Агарда одам шулардан ҳам фойдалана ололмаса ит монастирга қайтиб монахларни шу жойга олиб келар эди. Тарих “Барри” лақабли “Сенбернар” зоти тўғрисида айтиб беради. У ўзининг умри бўйича 40 одамнинг умрини асраб қолган. Ҳозирги даврда “Сенбернар” зотли итлар хизматда йўқ ва йиллар ўтиб ўзининг иш сифатларини йўқотишган ва шу билан “Сенбернар” лар декоратив ит гуруҳига ўтказилди. Худди шундай “Пудель” француз зотли ит ўзининг овчи

сифатларини йўқотиб, овчи ит гуруҳидан декоратив итлар гуруҳига ўтказилди.

2. Итларнинг конституцияси.

Тана тузилиши (конституция)- организмнинг насл қолдирувчанлик ва индивидуал ривожланишига сабаб бўладиган анатомик ва физиологик хусусиятларнинг йиғиндиси **конституция** деб аталади. Ҳайвоннинг тана тузилиши уни парваришlash, озиқлантириш ва асраш шароитларининг таъсири натижасида тамомила шаклланади ва наслдан-наслга мерос бўлиб қолади. Шунингдек, иқлим шароитлари, итлардан фойдаланиш хусусиятлари ҳам ўз навбатида ҳайвоннинг ташқи тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, тоғларда тарқалган кавказ итлари аслида семиз ва дағал бўлиб тоғларга туташ бўлган дашт ва чўл ҳудудларида анча озғин ва бўш ҳолатга ўзгарган. Бундан ташқари, ҳар бир зот вакиллари ичида йирик, хомсемиз, кўпол жуссали ҳамда эпчил, бўш, ориқ ва нозик қоматли итларни учратиш мумкин.

Итларни кўплаб кузатишлар асосида профессорлар М.Ф. Иванов ва П.И. Кулешов томонидан ҳайвонларнинг тана тузилиши турларининг таснифи ишлаб чиқилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради: хомсемиз, дағал, нозик, пишиқ ва мустаҳкам.

Хомсемиз типли тана тузилиши – ҳосил қилинувчи рефлексларнинг сустлиги, тана мускулларининг гўштдорлиги, яхши ривожланган ва намхуш лабли ҳамда кенг ва паст бошлилиги билан тавсифланади. Уларнинг бўйни кўп ҳолларда салмоқдор, кенг кўкракли, қорни осилган, ҳаракатлари суст ва секин, териси бурмали, яъни силлиқ эмас. Бундай итлар асосан семиришга мойил бўлади. Тананинг туқланиши дағал жун ва тивитлардан ташкил топган. Оёқ бўғинлари бўш. Тормозланиш жараёни қўзғалиш жараёнига нисбатан устун бўлади (сенбернарлар – жуни узун, йирик ва бақувват итлар).

Дағал типли тана тузилиши – тормозланиш жараёни ва қўзғалиш жараёнлари ўзаро мувозанатлашган бўлади. Бу типдаги итларнинг мускуллари ва суяклари салмоқдор, боши тўмтоқ тумшуқли, лаблари қалин

ва курук, бўйни калта, кўкраги кенг, қорни сезилар-сезилмас тортилган, оёқлари калта болдирли, териси қалин ва таранг тортилган, бўйин қисмидаги терилари эса бурмаланган. Тук қоплами дағал бўлиб, яхши ривожланган жун ва тигиз тивитлардан иборат.

Дағал типли итлар чидамлилиги ва тез мослашувчанлиги билан тавсифланади (Кавказ, Ўрта Осиё овчаркалари ва Шимолий-Шарқнинг чанага қўшилувчи лайка итлари ва бошқалар).

Мустаҳкам типли тана тузилишига эга итларнинг олий нерв фаолият тури вазминли ва серҳаракат бўлади. Бундай итларнинг суяклари яхши ривожланган, мускуллари курук ва бўртиб чиққан бўлади. Ҳайвоннинг териси ўртача қалинликда, боши понасимон, чўзинчоқ, пешонаси ясси, лаблари курук, қоқ бўйин, чуқур кўкракли, қорни кўкрак чизигидан юқориқда ва тортилган, оёқлари узун болдирли ҳамда сакраш бўғимининг бурчаклари аниқ акс этилган бўлади. Танасининг жун қопламида силлиқ ва калта туклардан тортиб, узун ва қаттиқ тукларгача турланиш кузатилади (тозилар, дог, Шарқий Европа овчаркалари, боксер ва бошқалар).

Пишиқ типли тана тузилишига эга итларнинг олий нерв фаолият тури тийиқсиз ҳаракатчан. Суяклари бир оз ингичкалашган, аммо жуда мустаҳкам, тананинг мускуллари ҳам юпқалашган бўлади. Териси мустаҳкам ва эластик, боши нисбатан энсиз бўлиб, сезилар-сезилмас ҳолда тумшукқа ўтганлиги кузатилади. Итнинг лаб-лунжлари курук, бўйни тик тутилган, кўкраги чуқур, қорни ичкарига тортилган, шунингдек жағлари бир-бирига яқин жипслашмайдиган ҳоллари ҳам учрайди. Итлар кўпинча узуноёқ ёки баъзи ҳолларда эса тўртбурчаксимон кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин. Ҳайвоннинг сакраш бўғинлари аниқ ифодаланган. Танасининг жун қоплами турли-туман равишда тукланган (доберман, колли, пойнтер ва бошқалар).

Нозик типли тана тузилиши – итлар тез асабийланиш ва юқори даражадаги қўзғалувчанлика мойил бўлади. Сунъий танлаш ва насл бузилиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, аксарият итларда пакана бўйлик ва шунга ўхшаш меъёрдан чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Итларнинг боши

юмалоқ, шарсимон тузилишда, кўзлари бўртиб чиққан, юз суяклари эса айрим ҳолларда шу қадар калта ва заиф ривожланган бўладики, гўё хайвоннинг пастки жағи олдинга чиқиб тургандай туйилади. Итларнинг териси юпқа, танасининг жун қоплами узун ва жингалак (хонаки бароқ ит) туклардан тортиб, тақир тукли (хонаки тозилар, мексиканинг жунсиз итлари) ларгача турланиши кузатилади. Юқорида қайд этилган итларнинг тана тузилиши типлари ҳар доим ҳам соф ҳолда учравермайди. Жуда кўп ҳолларда мазкур жониворлар аралаш типли тузилишга эга бўлиб, улар биринчи навбатда устунроқ типлар, масалан: пишиқ-дағал, дағал-мустаҳкам, бўш-хомсемиз, хомсемиз-бўш каби турлар кўринишида бўлади.

Зот тури тушунчаси деганда, хайвонга дастлабки назар ташлаганда мазкур ит зот ҳақидаги мукаммал тасаввурга қайси даражада яқинлишиши, яъни унинг зот тури кучли ёки кучсиз даражада ифодаланиши билан белгиланади. Шунинг билан биргаликда тур жинсий деморфизм, яъни хайвоннинг кўппак ёки қанжиқ сифатида фарқланишини ҳам ифодалайди. Кўппак – эркаклик турига, қанжиқ – эса урғочилик турига ажратилиши лозим. Жинсий турга номувофиқлик эса хайвонларда кузатиладиган нуқсонга киради.


Қувватлилиқ – хайвон танасидаги суяклар ва мускулларнинг кучли ривожланганлигини ифодалайди. Итларнинг скелети дағал, мустаҳкам, ривожланган, заиф бўлиши мумкин. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, итлар вазмин, бақувват, мустаҳкам ва заиф сифатида тавсифланади. Агар ит инсонда вазминлик таъссуротини қолдирса, демак у вазмин ҳисобланади, акс ҳолда эса у эпчил итлар сирасига киритилади.

Наслдорлик – ит ўзининг зот тури билан умумий таъсуротни тавсифлайди, қайсики бу таассуротни бизнинг онгимизда итлар ўзларининг зот турларига кўра шакллантиради. Бу каби белгилар орқали итлар зотдор, оддий, ҳаддан ташқари ривожланган (одатда нозик скелетли), ҳамда дағал турларга бўлинади.

IV. Итнинг ташқи ва ички тузилиши (экстерьер ва интерьер).

1. Экстерьер.

Ташқи тузилиш (экстерьер) деб ҳайвоннинг ташқи қиёфаси, яъни итнинг сиртқи кўриниши бўйича аниқланадиган тузилишга айтилади. Кинологлар итларнинг ташқи тузилишини мутаносиблик ва ҳажм кўрсаткичлари, наслдорлик ва жинс тури ҳамда ит танасининг турли қисмларини алоҳида баён этиб ифодалаш орқали бир бутун тавсифий тизим асосида аниқлашади.



6 - расм. Итнинг тузилиши:

1-энса бўртмаси, 2-пешона, 3-пешонадан тумшукқа ўтиш жойи, 4-бурун усти, 5-бурун учи, 6-тумшук, 7-лаблар, 8-ёноқ, 9-томоқ, 10-бўйин, 11-кўкракнинг олд қисми, 12-яғрин, 13-орқа, 14-бел, 15-сағри, 16-чот, 17-қорин, 18-ковурғалар, 19-кўкрак қафаси, 20-кўкрак, 21-елка, 22-елка-курак бирикмаси, 23-тирсак, 24-билак, 25-билакузук, 26-кафт, 27-олдинги оёқ панжаси, 28-бармоқлар, 29-тирноқлар, 30-сон, 31-тизза, 32-болдир, 33-сакраш бўғими, 34-кафт, 35-сиртлон бармоқ, 36-орқа оёқ панжаси, 37-бармоқлар, 38-тирноқлар, 39-дум.

Кинолог ҳакамлар сингари итларнинг эгалари ҳам жониворларнинг қадди-қомати тавсифланадиган атамашунослик илмини мукаммал билишлари талаб этилади (6-расм).

Итларнинг кўргазмасида ҳайвонларни текширув ва кўрикдан ўтказувчи мутахассис (эксперт) асосан қандай кўрсаткичларга ўз эътиборини қаратади? Бу энг аввало **ҳайвон жуссасининг тузилишидир**. У номутаносиб,

мутаносиб, новча, пакана ва ўртамиёна (стандарт ҳисобида) бўлиши мумкин. Бундан ташқари, итлар ёши ўтган (белгиланган стандартдан юқори ёшда) ёки ёши етмаган, яъни чекланган минимал стандартдан кичик бўлиши ҳам эътиборга моликдир.

Шунингдек, итларнинг ташқи қиёфасини баҳолашда тана шаклининг мутаносиблиги ҳам аниқланади ва унга кўра итлар узун оёқ, мутаносиб, калта оёқ ёки бўксаси баланд бўлиши ҳам мумкин.

Итшуносликда жониворнинг тана тузилиши ҳақидаги асосий маълумотларни ифодаловчи қуйидаги индекслар (кўрсаткичлар) жуда кўп ҳолларда қўлланилади:

- **суякдорлик** индекси – ит панжа ўзаги айланасининг узунлиги билан яғрин баландлигининг ўзаро нисбати. Унинг асосида суякларнинг (скелет) ривожланиш кўрсаткичи аниқланади.

Панжа айланасининг узунлиги x 100
Яғрин баландлиги

- **узун оёқлилик** индекси – ит оёқлари узунлиги яғриннинг умумий баландлигига нисбати. Итларнинг нисбий узун оёқчилигини кўрсатади.

Олдинги оёқларнинг тирсаккача бўлган узунлиги x 100
Яғрин баландлиги

- **кўкрак** индекси – ит кўкрагининг кенглиги ҳамда чуқурлигининг ўзаро нисбати. Кўкракнинг нисбий ривожланишини кўрсатади.

Кўкрак кенглиги x 100
Кўкрак чуқурлиги

- **йириклик** индекси – ит яғринининг баландлиги билан кўкрак айланаси узунлигининг ўзаро нисбати. Тананинг нисбий ривожланишини ифодалайди.

Кўкрак айланасининг узунлиги x 100
Яғрин баландлиги

- **узунбошлилик** индекси – ит яғринининг баландлиги ва бош узунлигининг ўзаро нисбати. Бошнинг нисбий узунлигини ифодалайди.

Бош узунлиги x 100
Яғрин баландлиги

- **кенг пешоналик** индекси — ит бошининг нисбий кенглиги.


Пешона кенглиги x 100
Бош узунлиги

Гавда ҳажми индекси - тана баландлиги ва узунлигининг ўзаро нисбати (кўкрак-елка бўғимининг олд бўртмаси ва куймуч бўртиги ўртасидаги масофа). Ҳайвон тана тузилишининг мутаносиблигини ифодалайди.

Тананинг қиялама узунлиги x 100
Яғрин баландлиги

Агар ҳажм кўрсаткичи 100 га тенг бўлса ит танасининг баландлиги ва узунлиги мутаносиб, яъни ҳажми тўртбурчак (квадрат) бўлади. Бундан

ташқари, итлар танасининг ҳажми қисқарган, узайган, чўзилган шаклларда ҳам бўлиши мумкин. Итларнинг тана тузилишини кўз орқали чамалаб ҳам, шунингдек ҳайвонларни махсус ўлчов асбоблари: зоомухандис циркули, ўлчов таёғи ва лентаси ёрдамида ўлчаб холис равишда баҳолаш ҳам мумкин (7 -расм).




7- расм. **Ит ўлчамларини олиш учун қўлланадиган асбоблар:** а – ўлчов таёғи: 1 – пастки планка, 2 - эркин ҳаракатланадиган қисм, 3 – винтсимон қисқич, 4 – шкала, 5 – юқори қалпоқча, 6 – ҳаракатчан квадрат ўқ, 7 – юқори планка, 8 –дастак; б – ўлчов лентаси; в – зоомухандис циркули.

Одатда икки киши итнинг ўлчамларини олади, учинчи киши эса олинган натижаларни дафтарга қайд этиб боради. Улардан бири итнинг эгаси бўлиши керак. Ҳайвон ўзини енгил ҳис этиши учун эгаси ҳамиша итнинг ёнида бўлиши лозим. Итнинг дастлабки ўлчамларини олишда, ишни

сантиметрли лента ва циркулдан бошлаш тавсия этилади. Чунки, мазкур асбоблар жониворларни унчалик ҳам безовталантирмайди.

Лента ёки циркуль ёрдамида ит тумшугининг узунлиги - кўзларнинг ички бурчакларининг чизиғи бўйича, кўз косасидан буруннинг охири нуқтасигача (8 -расм. 9, 10); хайвон пешонасининг узунлиги - кўз косасидан энса бўртмасигача (8 -расм. 10, 11); бошининг узунлиги - энса бўртмасидан тўғри чизик бўйлаб буруннинг бўртмасигача бўлган масофа орқали ўлчанади (8 -расм. 9, 11). Ит бошининг кенглигини ўлчашда циркуль ёрдамида бошнинг энг кенгайган қисмида, пешона маркази бўйлаб, ит кулоқларининг олд ёнида, ёноқларидан бошлаб ўлчанади (8 -расм. 16, 17).

Лента ёрдамида кўкрак айланаси узунлигини кураклар остидан кўкрак кафаси бўйлаб (8 -расм. 14), олдинги оёқлар узунлигини ит тирсагидан тўғри йўналиш бўйлаб ергача (8-расм. 7, 8), панжа ўзаги айланасини билакузук бўғинининг пастки ва бешинчи бармоқ асосининг юқори қисмидан ўлчанади (8-расм. 15). Яғрин (8 -расм. 1, 2) ва думғаза баландлиги (8 -расм. 4) ўлчов таёғи орқали ўлчанади. Шунингдек, таёқ ёрдамида тананинг қиялама узунлигини елка суягининг олд бўртмасидан куймуч бўртмасигача бўлган масофа орқали (8 -расм. 5, 6), кўкрак кенглигини эса олд тоmodан елка-курак бўғинлари ўртасидан ўлчанади (8 -расм. 18, 19).




8 - расм. Итнинг ўлчамларини олиш.

Кўкрак узунлиги ҳам ўлчов таёғи ёрдамида қуйидагича аниқланади: асбобнинг қўзғалмас қисмини кўкракнинг пастки қисмига қўйиб силжийдиган қисмини эса, кўкрак ортидан яғрин устига туширилади (8 - расм. 13, 12,).

Кондиция – итнинг жисмоний ҳолатини ифодалайди. Кондиция турлари яхши, ўрта, озғин, қониқарсиз, заводга таълуқли, ишчи, семиз ва кўрғазмалиларга бўлинади.


Итларнинг тумишуғи - ўткир, тумтоқ, ингичка, кенг, узун, калта ва қанқайган бўлиши мумкин (9 - расм).



9 - расм. 1 – узун ва ўткир, 2 – кенг, 3 – тумтоқ, 4- энсиз, 5 – калта.

Буруннинг шиллиқ пардаси турли тусларда бўлишини инобатга олиб, унинг рангини аниқ ифодалаш лозим. Бурун коваклари тор ва кенгайган бўлиши мумкин.

Итларнинг **лаблари** - намхуш, куруқ, шалвираган, жағларга мустаҳкам ёндашган, дўмбоқ, юпқа, кучсиз ривожланган, жағларга жипс ёпишган ёки ёпишмаган бўлади (10 – расм).




10 - расм. 1 – шалвираган, 2 – куруқ.

Ҳайвон оғзининг бирикиш бурчаклари - кучли ёки кучсиз ифодаланган бўлади.

Ёноқлар - ясси ёки туртиб чиққан бўлиши мумкин.


Бурун учи - қанқайган, пастга энгашган, тўғри, ингичка, йўғон ҳамда кирғийбурун бўлиши кузатилади (11 -расм).



11 - расм. 1 – тўғри, 2 - пастга энгашган, 3 – қанқайган.


Бош суяги - яъни бош чаноғи умумий жиҳатдан олганда қисқарган, узун, калта ва кенг бўлиги қайд этилади.

Пешонадан тумишукқа ўтиш жойи - силлик, енгил ифодаланган, кескин ва аниқ ифодаланган бўлади (12-.расм)



12 - расм. 1 – кескин, 2 - енгил ифодаланган, 3 – аниқ ифодаланган.

Пешонаси - дўнг пешона, ясси, тор, кенг, юмалоқ, кўзлар йўналиши бўйлаб торайган, узунасига буришган ёки буришмаган бўлади (13 – расм).




13 - расм. 1 - тор, 2 - кенг, 3 - дўнг пешона, 4 - ясси,

Қош усти бұртиғи- аниқ ёки сезилар-сезилмас ифодаланган.


Бошнинг теппа қисми - кенг, тор, ясси, дўнг, энса бұртмасы аниқ ёки қисман ифодаланган бўлади.

Қулоқлар – энсиз, кенг, калта, узун, катта, кичик, паст ёки баланд қўйилган, гўштор, ингичка, асоси энсиз ёки кенг, ўткир, яхши ёки кам ҳаракатчан, бир томонга тақланган, яrimi тик турган, юмшоқ, оғир, тик турган, осилган, ёноқларга жипс ёки ажралиб турган, стандарт бўйича ёки бир сабабга кўра кесилган бўлиши мумкин (14 – расм).



14 - расм. **Қулоқ турлари:** 1 - паст ўрнашган, 2 – баланд ўрнашган, 3 - паст ўрнашган ва асоси энсиз, 4 – Узун, энли , асоси энли. 5 – баланд ўрнашган, ўткир учли, 6 – кесилган, 7 – кичик ва енгил, 8 – кичик, тик турган ва ўткир учли. 9 – қисман тик турган.

Энса бұртмасы -аниқ ифодаланган, билинар-билинмас ва сезиларли ёки сезиларсиз бўлади (15 -расм).



15 - расм. 1 - билинар-билинмас, 2 - сезиларли, 3 - аниқ ифодаланган.


Кўзлар - шаклига кўра тухумсимон, учбурчак, юмалоқ, бодомсимон, хошияли, бўтакўз, ботик, киприклари эса ичкарига ёки ташқарига эгилган турларга фарқланади.

Рангига кўра кўзлари тим қора, малла, тўқ жигарранг, оч жигарранг, хаворанг, қахрабосимон ва яшилсимон тусларга ажратилади.

Кўз қараишлари (нигоҳи) дарғазаб, ҳадиксираган, сокин, ифодали ва ишончсиз бўлади.


Бош - енгил, салмоқдор, қўпол, жинси аниқ ифодаланган (эркак ёки урғочи).

Бўйин - ингичка, йўғон, калта, узун, мушакдор, мутаносиб, намхуш, куруқ, тик ёки қуйи ўрнашган ҳамда букри бўйин ва охуникисимон шаклдаги бўйинларга бўлинади (16 -расм).



16 - расм. 1. Тик ўрнашган. 2. Қуйи ўрнашган
3. Букри. 4. Охуникисимон.

Кўкрак - чуқур, кичкина, энли, ингичка, калта, узун, эгри, бўқоксимон бўлади (17 -расм).




17-расм. **Кўкрак турлари:** 1,2,3,- ён томондан кўриниш:
1. Чуқур, калта. 2. Чуқур, узун. 3. Кичкина.
4, 5 – олд томондан кўриниш: 4. Ясси. 5. Бўқоксимон.

Кўкрагининг олд қисми - яхши ривожланган, етарлича ривожланмаган, энсиз, энли, ясси, мушакдор ва гўштсиз турлари мавжуд (18-расм).




18 - расм. 1.Энли. 2. Энсиз.

Яғрин - аниқ ифодаланган, сезиларсиз, баланд, ботиқ турларга бўлинади (19-расм).



19 - расм. 1. Аниқ ифодаланган (яхши ривожланган).
2. Сезиларсиз (яхши ривожланмаган).

Елка - тўғри, эгилган, мустаҳкам, узун, қисқа, энсиз, энли, юмшоқ, етарли ёки етарсиз равишда мушакдор бўлиши кузатилади (20-расм).



20 - расм. 1. Эгилган. 2. Тўғри. 3. Туртиб чиққан.

Бел - мустаҳкам, юмшоқ, кенг, энсиз, узун, калта, тўғри, туртиб чиққан, етарли ёки етарсиз даражада мушакдор.


Қорин - тортилган, осилган, қаппайган ва таранг бўлади (21-расм).



21-расм. 1. Тортилган. 2. Осилган.

Маклок – тос ёнбош суяги қанотининг бўртиб чиққан жойи бўлиб, сезиларли, сезиларсиз, ривожланган ва туртиб чиққан ҳолатларда бўлиши кузатилади.

Сағри - маклокдан қуймич бўртмасигача бўлган масофа тана қисми ҳисобланиб, у горизонтал, туртиб чиққан, қия, қирқилган, қисқа, узун, мушакдор, чайир, кенг ва тор бўлиши мумкин (22-расм).



22-расм. **Сағри ҳолати ва думнинг тутилиши:**

1. Тўғри, горизонтал тутилган. 2. Қия, қуйи тутилган.
3. Тўғри, юқорига кўтарилган. 4. Сағри ва дум осилган

Дум - тик ёки қуйи тутилган, асоси йўғон ёки ингичка, узун ёки калта, юқорига кўтарилган айланасимон ҳолатда, горизонтал тутилган ёки осилган, бир тарафга эгилган ҳамда буралган ҳолатларда бўлиши мумкин.

Олдинги оёқлар - тўғри, бирикиш бурчаклари аниқ ёки ноаниқ шаклланган, мушаклари яхши ёки кам ривожланган, кураги тўғри, қия ҳаракатланувчи, узун ва калта бўлади.

Елка-курак бўғими - яққол ёки кучиз ифодаланган.

Тирсаклар - ҳаракатчан, ташқарига чиққан, ичкарига қайрилган, кўкракларга ёнлашган, орқа томонга кучли оғган бўлади.

Билаги - узун, калта, тўғри, мустаҳкам, қийшайган бўлиши мумкин.

Тарандиси - узун жунли ит зотларида олдинги оёқ билакларининг орқа томонида момикдай узун, пардозбоп туклар.

Билак бўғими - йўғон, юпқа яхши ёки кучсиз ривожланган.

Бармоқлар - олдинги оёқларда ҳам худди орқа оёқлардаги сингари жипс, сийраклашган, мустаҳкам, юмшоқ, жамланган ва ясси бўлиши кузатилади.

Орқа оёқлар - тўғри, бўғимлари тўғри ёки нотўғри бурчакли, яхши ёки кам мушакдор бўлади.

Сон - узун, калта, мушакдор ёки кам мушакли, кучли ёки кучсиз ривожланган бўлади.


Тарандиси - орқа оёқларда сонининг орт томонида узун, безамкор жунларни вужудга келтиради.

Тиззалар - меъёрда, кучли, туртиб чиққан ёки кам сезиларли бўлиши мумкин.

Болдирлар - ингичка ёки йўғон, калта ёки узун бўлади.

Сакраш бўғими - аниқ ифодаланган, яхши ифодаланмаган, энли, энсиз, ингичка, йўғон, куруқ, ердан анча юқорида ёки ерга жуда якин ўрнашган сифатида белгиланади.

Панжалар - (-расм) тухумсимон, юмалоқлашган, кичик, катта, жамланган, торайган, юмшоқ, жипс, юмалоқ (мушукларникисимон), ясси ва тарқоқ бўлади.



23- расм. **Панжа турлари:** 1 - юмалоқ (мушукларникисимон),
2 - юмалоқлашган, 3 - торайган, 4 – тарқоқ.

Тирноқлар - олдинги ва орқа оёқ бармоқларида мустаҳкам, кучсиз, ўткир, ўсик, стандартга мувофиқ ёки бошқа тусда бўлади.

Орқа чиқарув тешиги – тўлиқ баён этилмайди.

Чоти - кучли ёки кучсиз ифодаланган тери бурмаларидан иборат.

Жинсий аъзолар - кўппакларда жинсий аъзо ва уруғдонлар жойлашган уруғдон халтаси, қанжикларда эса илмоқ бўлиб, у мукаммал ифодаланмайди.

Ранги ва жун тузилмаси - мазкур зотлар учун анча-мунча тавсифга лойиқ бўлганларигина стандарт сифатида таърифланади.

Итларнинг жунлари - ўз тузилмасига кўра қайрилган, тўлқинсимон, тўғри, ёйсимон ёки айланасимон, калта, узун, каттик, ипаксимон, юмшоқ бўлиши мумкин. Ушбу белгиларга мувофиқ итлар калта жунли, ўсик жунли ва дағал жунлиларга бўлинади. Бундан ташқари, оралик ўринли жун типига эга итлар ҳам учрайди.

Жун қоплами тивит ва ўзакли ёки қоплама туклардан ташкил топган. Итлар танасининг айрим жойларида анча узун жун толалари чиройли ва ҳажмдор шаклга эга бўлиб, яғрин ва бўйинда “ёл” ни, орқа оёқларда “иштонча” ни, олдинги оёқларда “тарам” ни, қорин чизиғи бўйлаб “кўйлак” ни, думнинг пастки қисмида эса “шаршара” ни ҳосил қилади.

Қошлари дағал жунли зотларда тавсифий белгиларни ўзида ифода этиб, кучли ёки кучсиз ривожланган, яққол ёки кам ифодаланган, сезиларли ёки сезиларсиз бўлиши мумкин.

Соқол фақатгина дағал жунли ит зотларида учраб, яхши, ўта кучли ёки кам ривожланган бўлиши мумкин.

Ранги бўйича итларнинг жун қоплами бир, икки ёки уч хилдаги тусларда бўлиши мумкин. Теридаги пигментлар миқдори қуёш нури, рационнинг тўйимлилиги, шунингдек парваришlash ҳамда итларни ювинтиришда ишлатиладиган ишқорий модда турига ҳам боғлиқ бўлади.

Оқ рангли деб, итларнинг жуни пигментланмаган, аммо бурни, қовоқлари, лабларининг четлари пигментланган ҳамда кўзнинг қорачиғи рангланган бўлиши лозим. Альбинос ҳайвонларда эса юқорида қайд этилган жойлар бутунлай пигментсиз бўлади.

Тўқ кулранг (бўриникисимон)-тўқ сариқ ранг. Бу тусдаги итларда белнинг узунаси бўйлаб тасмасимон чизик ўтади.

Бу тусдаги итларнинг жун толалари пигментсизланмаган боғлам орқали турли бўлақларга бўлиниб, ҳар хил рангбарангликга эга: илдизи сариқ, ўрта қисми оч ранг, учлари эса қорамтир. Агар тўқ кулранг тусли туклар малла ёки қорамтир учли бўлса, бундай итларни қўнғир итлар деб аташади.

Булардан ташқари қуйидаги турдаги ранглар учрайди: кўкимтир ранг (сичқонларникисимон). У икки хил тусда – оч кулранг ва тўқ кулранг (деярли “хўл асфальт” рангида бўлади.

Малларанг (шоколадсимон) - оч ёки тўқ рангларда бўлиши мумкин.

Жабдуксимон рангланиш – асосан малла, кулранг тусдаги бош, кулоқлар, бўйин қисмидаги доғлар ва елкани қопловчи рангбарангликлардан иборат.

Йўлбарссимон (йўлбарс рангини эслатувчи) рангланиш. Асосий рангда (сарғиш, кулранг, қўнғир, сариқ) тўқ кўндаланг чизиклар мавжуд. Стандарт бўйича аксарият итлар тўқ рангга эга бўлади.

Мармарсимон рангланиш – асоси оқ ёки оқиш тусда бўлиб, унда холга ўхшамаган нотўғри шаклдаги майда доғлар сочилиб жойлашган. Намунада бу итларнинг оёқлари ва бўйнида доғлар учрамайди.

Холдор итлар – асосий ранги оқ (ёки оқиш) бўлиб, унда бутун тана бўйлаб хол ва доғлар мавжуд бўлади.


Туллаш деб кўплаб ит зотларида – ҳайвоннинг ёшига, организмдаги гормонлар мувозанатига, озиклантириш ва сақлаш шароитига, атроф муҳитнинг ҳароратига ва мавсумга боғлиқ ҳолда жуннинг даврий равишда алмашилиб туришига айтилади. Дастлабки туллаш итлар ҳаётининг илк ойларида юз бериб, унда итваччаларга хос бўлган юмшоқ туклар катта ҳайвонларнинг дағал жунларига алмашинади.

Кўплаб ит зотлари ўз жунининг тифислигини қиш мавсумида бир неча маротабага оширади. Айрим ҳолларда итларнинг ранги ҳам ўзгаради. Мавсумий туллаш бир йилда икки маротаба кузатилади. Очик ҳавода парвариш қилинадиган итлар жадалроқ (совуқ ҳароратнинг иссиқ ҳароратга

кескин алмашилиши сабабли), уйларда сақланадиган итлар эса аста-секинлик билан туллайди.

Туллаш даврида итлар рационининг таркибига минерал тузлар ва витаминлар: перга, денгиз карами, балиқ ёғи, тривитамин, балиқ ва қон уни, кальций ва балиқ озуқаси (дафниялар) киритилиши лозим.

Ҳаракатланиш механикаси итлар учун ўта муҳим ҳисобланади. Кўргазмаларда нафақат ит оёқларининг шакли ва мускулларининг ривожланиш даражаси, балки тик турганда ҳамда ҳаракатланганда оёқларини тутиши баҳоланади, чунончи итлар ҳаракатланганда оёқларидаги нуқсонлар ёки устунликлар яққол намоён бўлади.




24- расм. **Олдинги оёқларнинг тутилиши:**

олд томондан кўриниш: 1 - меъёрий, 2 - маймоқ, 3 - ёйилган,
ён томондан кўриниш: 1 - меъёрий, бурчаклари тўғри
шаклланган, 2 – қия, 3 – тўғри елка.

қисқа, кенг, меъёрий, ораси очилган, маймоқ, ёйилган, тўғри ёки нотўғри шаклланган бурчакли бўлиши мумкин.

Орқа оёқларини тутиши (25-расм) меъёрий, нуқтасимон, қиличсимон, қуймич чизикларидан ортда тутилган, сакраш бўғимларининг бир-бирига яқин тутилиши (сигирларникисимон), кенг, қисқа, тўғри ёки нотўғри шаклланган бурчакли бўлиши қайд этилади.



25 - расм. **Орқа оёқларнинг тутилиши:**

ён томондан кўриниш:

1- меъерий, 2-тўғри 3- қиличсимон.

орқадан кўриниш: 4 - кенг, 5 - ёйилган, 6 - меъерий,

7- сакраш бўғимларда бир-бирига яқин тутилган,

8-юмалоқ, 9- тор.

Қадам ташланиши майда, узун, кенг, енгил, пружинасимон, беўхшов турларга ажратилади. Йўрғалаши ва сакраб чопиши эркин, қимтинган, енгил, майда, майин, ўйноқи, беўхшов бўлиши мумкин. Йўрғалаш деганда итларнинг нотабий ҳаракатланиши тушинилиб, унда бир томондаги олдинги ва орқа оёқлар бир вақтнинг ўзида илгарига ташланади.

Кўргазмаларда эътиборга олинадиган итлар тавсифи жўшқин, ғайратсиз, тўғри, айёр, меҳрибон, жаҳлдор, тиниб-тинчимас, ювош, дадил, кўрқоқ, ишонувчан ва шубҳаланувчи бўлади.

2. Интерьер.

Итнинг ички тузилиши деб – ит организмнинг ички анатомик ва морфологик хусусиятлари билинади. Ички тузилишга тери, жун толалари, ички аъзолар, қон таркиби ва турли хил физиологик кўрсаткичлар киради.

Барча ички аъзолар турли хил тўқималардан ташкил топган. Булар – эпителиал (қопловчи), мускул, нерв ва бириктирувчи тўқималардир.

Эпителиал тўқиманинг хужайралари яхлит қобиқ билан тана сирти ва ички аъзолар, яъни қин, бачадон, ошқозон ва бошқаларни ташқи томондан қоплаб туради. Эпителиал тўқиманинг бажарадиган функциялари турлича бўлади. У бактериялар, кимёвий моддалар таъсири ва тананинг қуриб қолишидан ҳимоя қилади, шунингдек тўйимли моддалар ва сувнинг танага сўрилиши ҳамда ташқи таъсирларнинг қабул қилинишини таъминлайди.

Бундан ташқари, эпителий хужайралари махсус моддалар – ичак ва ошқозон шираси, кўз ёши, сут, сўлак, тер, кулоқ кири ва шу кабиларни ишлаб чиқаради.

Мускул тўқимаси кўплаб миқдордаги бўйлама, ёнма-ён жойлашган толалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қисқариши натижасида, калта ва йўғонлашган шаклга киради, яъни механик ишни бажаради ва натижада ҳаракатланиш имконини беради. Суякларга бириккан мускуллар скелет мускулатурасини ташкил этади. Шунингдек уни эркин мускулатура деб ҳам аташ термини қабул қилинган. У ҳамиша бош мия назорати остида бўлади. Бундан ташқари организмда силлиқ мускулатура ҳам мавжуд. У вегетатив нерв системасининг қўзғалиши оқибатида ихтиёрий равишда қисқаради. Мускул тўқимасидан қон томирлари ва асаб толалари ўтади.

Нерв тўқимаси ит организмда ҳам худди инсонлардаги каби нейронлардан ташкил топган бўлиб, нерв системасини вужудга келтиради. Ҳар бир нейрон ядроли танача ва икки ёки ундан ортиқ ўсимталардан тузилган. Нерв импульсларининг йўналишларига боғлиқ равишда бу ўсимталар икки турга бўлинади. Уларнинг айримлари импульсларни хужайра танасидан ташқарига узатса, бошқалари эса сиртдан хужайра танасига қабул қилади.

Ҳайвонлар ва одамлардаги махсус сезги тузилмалари импульсларни марказий нерв системасига ташқи ва ички муҳитдан қабул қилувчи ва қайта узатувчи рецепторлар деб аталади. Рецепторлар қатъий ўзига хос хусусиятларга эгадир. Уларнинг бирлари ташқи муҳитдан қўзғалишларни қабул қилади (эшитиш, кўриш, таъм билиш, ҳид билиш ва сезиш

рецепторлари), шу сабабли теварак оламни ўзлаштириш хусусияти рецепторлардан келаётган ахборотлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқалари эса ички аъзолар билан боғланади (юрак, қон ва лимфа томирлари, ўпка ва бошқалар билан). Бундан ташқари рецепторлар функциясига кўра “ихтисослашган” бўлади. Булардан таъм, ҳид, кимёвий бирикмаларга сезгир рецепторлар, шунингдек кўриш, эшитиш, гравитация ва қон-томир рецепторлари ҳам мавжуд.

Рецептордан марказий нерв системасига ахборот узатиш жараёни ва унга нисбатан жавоб реакцияси рефлектор ёйи деб аталади.

Бириктирувчи тўқимага суяк, пай ва тоғай тўқималари киради.

Суяк тўқимаси таянч вазифасини ўтайди. Суяклар ташкил топган асосий модда, бу – кальций тузларидир. Пайлар қайишқоқ, эгилмайдиган боғламлардир. Улар жуда мустаҳкам бўлиб, суякларни ўзаро бириктириб туради. Тоғай – қаттиқ тўқима бўлсада, лекин у мустаҳкам эмас.

V. Итларни сақлаш тартиби.

Итларни сақлаш учун хоналарни қуришда, улар у ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишини инобатга олиш лозим. Шунинг учун хоналар бир қатор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи ҳайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ.) ҳимоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва қуруқ, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик қурилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, қуруқ, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва қуёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ит гуруҳларининг жойлаштирилиши.

Бир гуруҳ итларни сақлаш учун мўлжалланган жой юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бериши керак ҳамда уни баландлиги 2 м дан кам бўлмаган девор билан ўраш лозим. Агар итлар сони кўп бўлмаса ва ер

майдони кичик бўлса, деворда эшик қолдирилади, акс ҳолда дарвоза қурилади. Уларга ишончли кулф қўйилиб доим ёпиқ туришлари керак.

Итларни сақлаш учун махсус жойлар – кабиналарга бўлинган павильонлар қурилади. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб туради. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2,5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м, эни 0,7 м бўлиши лозим. Эшик ташқарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилади. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бўлиши керак. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Вольернинг узунлиги 3 м, эни 2 м, баландлиги 2,2 м бўлади. Вольерлар ораси, баландлиги 2,2 м келадиган девор билан ёпилади. Вольернинг олд қисмида эшик ясалади, унинг баландлиги 1,8 м эни 0,7 м бўлиши керак. Эшик ичкарига очилади. Ҳар бир кабина ичида будка қурилади. Будка туйнугининг ўлчамлари 40х50 см га тенг бўлиш керак. Унинг томи ясси, силлиқ бўлиши керак, чунки итлар ёз фаслида унинг устига чиқиб ётишни ёқтирадилар. Совуқ тушганда будканинг ичига сомон, ҳашак ёки ёғоч қириндисидан тўшама тўшалади. Павильонлар ғишт, тош, тахталардан қурилади. Вольерларнинг ён деворлари тахтадан, олд девори ва эшиги эса сим тўрдан ёки темир панжарадан ясалади. Агар ит қўшни вольерга сакраб ўтадиган бўлса унда девор устидан сим тўр тортилади. Кабина ва вольер поллари тахтадан ясалиши керак. Иссиқ иқлимда поллар бетон ёки пишитилган лойдан қурилиши мумкин. Бундай ҳолларда итни шамоллашдан асраш мақсадида кабиналарга 1х1,6 м катталиқда ёғоч шитлар ётқизилади. Вольернинг олд томонидан, 4-5 м нарироқда, баландлиги 35-40 см келадиган устунчалар ерга қўмиб қўйилади. Уларга итлар тозаланганда боғлаб қўйилади. Устунчанинг устига диаметри 20-25 см келадиган ёғоч майдонча қокиб ўрнатилади. Унга ит тозалаш пайтида ўзининг олд оёқларини қўйиб туради. Устунчаларнинг ораси 3 м дан кам бўлмаслиги керак. Итларнинг

сони кўп бўлса 250-300 м нарироқда изолятор қурилади. Итларни кўпайтириш ва ит болаларни ўстириш учун мўлжалланган питомникларда ундан ташқари туғиш, ит болаларни сақлаш, итларни ювиш ва овқат пишириш хоналари бўлади. Катта питомникларда ветеринар амбулатория ва стационар қурилади.

Туғиш хонаси туғишига 7-10 кун қолган бўғоз ва туққан қанжиқларни сақлаш учун хизмат қилади. Унинг ичида кабиналар қурилади (2,5х3 м). Кабиналарда будкалар бўлиши лозим. Ёзда будкалар вольерга чиқарилиши мумкин.

Ит болаларини сақлаш учун хоналар. Онадан ажратилгандан кейин ва 6 ойлигигача ит болалари гуруҳ-гуруҳ қилиб сақланади. Улар учун сим тўр билан ўралган, катта - 6х6 м келадиган вольер қурилади. Унинг ичида будкалар ва ўйин учун мосламалар қўйилади. 6 ойлик ёш итларни катта ҳайвонлар сингари жойлаштирадилар.

Итларни якка тартибда сақлаш.

Итни якка тартибда сақлаш учун стандарт ўлчамдаги йиғма будкалар қурилади. Будканинг олдида 1х1,7 ўлчамда шит ётқизилади. Будка ёнида эса устун ўрнатилади. Итни боғлаб қўйиш учун унга халқа бириктирилади. Қишда будка турли иссиқ сақлайдиган ашёлар (эски кўрпа, брезент ва бошқ.) билан ўраб қўйилиши керак. Иссиқ иқлимда будка айвон ёки дарахт остига қўйилиши мақсадга мувофиқ. Агар ховли девор билан ўралмаган бўлса, унда будка аторофида 3х4 м катталиқда ва 2 м баландликда ёпиқ девор қурилади. Девор эшиги доим қулфланиб ёпиқ туриши лозим. Итни уйда ҳам сақлаш мумкин, аммо бунда у кунига 3 маротаба сайр қилиниши керак. Уй шароитида сақланадиган ит ўзининг доимий жойига эга бўлиши керак. Жойига унча катта бўлмаган гиламча тўшалади. Ит ётган жойда ҳелвизак бўлмаслиги лозим.

VI. Итларни урчитиш.

Итларни урчитиш усуллари.

Хизмат итчилигидаги наслчилик ишнинг асосий вазифаси - наслдор итларнинг бош сонини кўпайтириш, ит танасининг ташқи шаклини ва конституциясини, олий нерв фаолиятининг типини, жисмоний чидамлиликини, сезги аъзоларнинг ўткирлигини ва бошқаларни яхшилашдир. Итларнинг хизмат сифатини яхшилишга йўналтирилган наслчилик иш системасининг негизида унга омил ётади: асосланган танлаш, мўлжалланган жуфтлаш ва итларни урчитишнинг тўғри усули. Хизмат итлардан энг кўп шарқий европа овчаркаси қўлланади. Ундан ташқари бошқа ит зотлари ҳам ишлатилади.

Барча зотдор итлар кўча итларидан кескин ифодаланган экстерьер ва хизмат сифатлари билан ажралиб турадилар. Зотнинг ижобий хусусиятлари систематик равишда бажариладиган сунъий танлаш ва жуфтлаш йўллари билан яхшиланиб туриши керак. Акс ҳолда зот аста-секин ўзининг ижобий хусусиятларини йўқотади.

Урчитиш усули деб энг қимматли хизмат сифатларга эга бўлган наслни олишга йўналтирилган бир ёки ҳар хил зотларга мансуб итларни режали урчитишига айтилади.

Қуйидаги урчитиш усуллари қўлланади: асл зотли (тоза зотли) урчитиш, чатиштириш, турлараро гибридизация.

Итчиликда асосан **асл зотли** урчитиш усули, яъни бир зотга мансуб итларни жуфтлаш ва кўшиш қўлланади. Итларни асл зотли усулда урчитиш, зот ичидаги ўзгарувчанликини қўллаш йўли билан итларнинг ишчанлик сифати ва экстерьер шакллари қувватлаш ҳамда такомиллаштириш каби вазифаларни бажаради. Бунда иложи борица экстерьерни ўхшаш ва ишчанлик сифати бир хил бўлган авлодни олишга интилиш лозим. Асл зотли урчитишда зотни ҳартомонлама яхши ва чуқур билиш ҳамда кичик, биринчи кўринишда аҳамиятсиз чекланишларга аҳамият бериш керак. Бундай чекланишлар кейинчалик, зот билан наслчилик ишда, жуда қиммат

бўлишлари мумкин. Зот қанча узоқ вақт давомида тоза усулда урчитилса, у шунча мустаҳкам ва сифатли бўлади.

Асл зотли урчитишда қариндошлиги бўлмаган ҳайвонларни урчитиш, ҳар хил қариндошлик даражасида бўлган итларни қариндошлараро урчитиш ва линиялараро урчитиш усуллари қўлланади. Амалиётда кўпинча **қариндошлиги бўлмаган** ҳайвонлар урчитилади. Бўнда кўшиш учун қондош бўлмаган кўппак ва қанжиқ танланади. Бундай жуфтлашда энг мустаҳкам ва ҳаётга мослашадиган насл олинади. Олинган ит болалар, ишчанлик сифати ва чидамлилиги бўйича ўзларининг ота-оналаридан устун бўладилар.

Қариндошлараро урчитиш системасида ўзаро қондош бўлган итлар кўшилади (ака билан сингил, ота билан қизи ва ҳоказо). Бундай усулни жуда эҳтиёт ва аниқ мақсад билан қўллаш лозим. Чунки олинган авлод, бир томондан, аждодларнинг ижобий ҳислатларини ўзига олиши билан бир қаторда, уларнинг ёмон сифатларига ҳам эга бўладилар. Ундан ташқари бундай ҳайвонларнинг ҳаётийлиги ва ишчанлиги паст, скелети кучсиз, ўсиши ва ривожланиши суст, конституцияси кучсиз, тишлари сифатсиз бўлади. Улар касалликларга кўп чалинади. Айрим ҳолларда мажруҳлар туғилиши мумкин.

Линиялараро урчитиш энг қийин усул бўлиб ҳисобланади. Линия деб бир зотга мансуб, умумий аждодга эга ва унга экстерьер, конституция ҳамда ишчанлик қобилияти бўйича ўхшаш бир гуруҳ итларга айтилади. Қондош ва завод линиялари бўлиши мумкин.

Қондош линия деб битта наслдор итдан келиб чиқадиган авлодга айтилади.

Завод линияга фақат наслдор ҳайвонга экстерьер, хизмат сифатлари ва насли хусусиятлари билан айнан ўхшаш ёки ундан устун бўлган итлар киради. Линиялар, уларга асос солган, яъни уларни бошлаган итларнинг лақаблари билан номланади.

Чатириида ҳар хил зотга мансуб эркак ва урғочи итлар қўлланади. Бу усул асосан янги зотни яратиш учун хизмат қилади. Бундай итлар **метис** деб аталади.

Урчитишнинг яна бир усулига турлараро чатиштириш яъни турлараро гибридизация киради. Бунда итларни шакал, бўри билан чатиштирадилар.

Чатиштириш учун итларни танлаш ва жуфтлаш.

У ёки бу урчитиш усулни танлаш, ҳар доим ҳам кутилган натижаларга олиб келмайди, чунки ҳамма итлар ҳам наслчилик мақсадларга тўғри келмайди. Бир зотдан фақат аниқ талабларга жавоб берадиган, энг наслдор итлар танлаб олиниши лозим. Бу тадбир сунъий танлаш деб аталади. Бунда итнинг индивидуал сифатлари насл асосида ва атроф муҳитнинг аниқ шароити ҳамда сақлаш, озиқлантириш ва дрессировка билан боғлиқ ҳолда ривожланишини ҳисобга олиш зарур.

Экстерьерни ва итнинг хизмат сифатини баҳолашда, итнинг ҳамма хусусиятлари ҳам насли бўлмаслигини инобатга олиш лозим. Масалан, кичик бўй наслдан бўлиши мумкин, аммо айрим пайтларда у ёмон парваришдан ҳам келиб чиқади. Итнинг қўрқоқлиги қўпол муносабатдан ёки нерв системасининг туғма хусусиятларидан келиб чиқиши мумкин.

Экстерьер ва конституция бўйича зот стандартига жавоб берувчи, пропорционал ва мустаҳкам тузилган, чидамли, нуқсонларсиз, қуруқ мустаҳкам ва мустаҳкам конституцияга эга итлар танланади. Шунинг билан бирга урчитишга ажратилган итлар аъло хизмат сифатларига: чидамлиликга, кучли ва мувозанатлашган нерв жараёнларига, актив-химоя реакцияга, яхши ривожланган сезги аъзоларга эга бўлишлари керак.

Итни насл шажараси ва авлоди бўйича баҳолаш катта аҳамиятга эга. Шажара карточкаси бўйича итнинг келиб чиқиши, зоти, насли сифатларининг хусусиятлари ва бошқалар аниқланади. Шажара қариндошлик жуфтлашишларга йўл қўймайди.

Жуфтлаш бир хилли, ҳар хилли ва тенглаштирувчи бўлиши мумкин.

Бир хилли жуфтлашда итларнинг ўзига хос сифатлари мустаҳкамланади. Бунинг учун тип хусусиятлари ўхшаш эркак ва урғочи итлар танланади. Ҳар хилли жуфтлашда итнинг у ёки бу хусусиятларини ўзгартириш мақсад қилиб қўйилади. Бунинг учун турли типга эга итлар танланади. Тенглаштирувчи жуфтлашда итларда бўлган чекланишларни меъёрга келтириш кўзда тутилади. Масалан қанжиқ итнинг оёқлари бироз тор қўйилган бўлса унга оёқлари нормал қўйиладиган эркак ит танланади.

VII. Хизмат итларининг рационали ва уларни озиклантириш тартиби.

Хизмат итларининг нормал ҳаёт кечириши ва белгиланган вазифаларни бажариши учун қўшимча озиқ моддалар талаб этилиб, буни озуқа рационларини тузишда инобатга олиш зарур бўлади. Ит мускулларининг ишлаши жараёнида организмда энергия, оксил, ёғ, углевод, минерал моддалар ва витаминларнинг сарфланиши ошади. Меҳнат жараёни қанчалик оғир бўлса, озиқ моддаларга бўлган талаб ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ҳамма хизмат итлари бир хил вазифани бажариши вақтида бир хил миқдордаги энергияни сарф қилмайди. Бажариладиган ишга сарфланадиган энергия миқдори итни ўргатиш, шунингдек чарчаш даражасига ва бундан ташқари ҳайвоннинг индивидуал хусусиятлари – зоти ва тана тузилишига ҳам боғлиқ бўлади. Тинч ҳолатда турганидан итга нисбатан фаолият кўрсатаётган хизмат итлари иш учун 30 % дан кўпроқ энергия сарф қилади. Хизмат итларининг 1кг тана вазнига сарфлайдиган энергия миқдори № 1 жадвалда келтирилган:

**Тинч ҳолатда бўлган итнинг 1 кг тана массасига нисбатан
талаб этиладиган энергия миқдори.**

Тана массаси, кг	кДж.	Тана массаси, кг	кДж.
3-4	575	15-20	375
4-5	530	20-25	340
5-6	495	25-30	320
6-7	475	30-40	305
7-8	460	40-50	285
8-9	440	50-60	265
9-10	425	60-70	250
10-15	410	70 ва ундан ортиқ	235
Илова: 1кк = 4,29 кДж. Тинч ҳолатда бўлган итнинг 1 кг массасига ўртача 87 килокалория яъни 365 кДж тўғри келиш керак.			

Қиш мавсумида хизмат итлари иситилмайдиган хоналарда сақланганда энергия эҳтиёжи 20 % га ошади. Хизмат итларининг оқсилга бўлган талаби ҳаракат қилмайдиган итларга нисбатан ўртача 30-50 % га, ёғга 15 % га ва енгил ҳазм бўладиган углеводларга эса 30 % га ошади. Ўртача иш бажарадиган хизмат итларининг рационидида оқсил миқдори, ҳаракат қилмайдиган итларга нисбатан, 40 % га юқори бўлиши керак, шунда итлар оқсилга бўлган талабини 50 % гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари ҳисобидан қоплашлари лозим.

Хизмат итларининг рационидида углеводларнинг етишмаслиги уларнинг озиб кетишига олиб келади. Итлар рационидида ёғ қанчалик кам бўлса, унда углеводлар шунчалик кўп бўлиши керак. Хизмат итларининг рационини тузиш вақтида тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёж нормасини эътиборга олиб, рационнинг тахминий таркиби тузилади.

Қуйидаги келтирилган рақамларда катта ёшдаги хизмат итларининг бир суткадаги энергияга бўлган талабига нисбатан тузиладиган тахминий рацион фоиз миқдорида кўрсатилган:

II-категорияли (тоифа) гўшт - 25 % (20-30)

Ёрма (крупa) - 53 % (45-60)

Нон - 15 % (10-15)

Картошка - 5 % (3-7)

Сабзавот - 2 % (1-3)

Масалан, тирик вазни 30-40 кг келадиган кўриқчи итнинг бир суткалик рационига №2 жадвалда келтирилган қуйидаги озуқа маҳсулотларни киритиш мумкин:

Жадвал № 2

Хизмат итларининг рациони.

№	Озуқа номи	Миқдори (1.гр)
1.	Гўшт маҳсулотлари	400
2.	Ёрма	600
3.	Картошка, сабзавотлар	300
4.	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	13
5.	Туз	15
6.	Суяк уни	15

Агарда рациондаги белгиланган гўшт ўрнига куруқ озуқа маҳсулотлари берилса, тўйимлилигига қараб айрим пайтларда рацион миқдори гўштликка нисбатан икки баробар кўпайтирилади.

Шунингдек, бундай итларга гўшт ўрнига балиқ ҳам берса бўлади.

Итларга арзон нархдаги ёрмалардан бериш лозим, масалан тарик, арпа, сули ёрмалари ва бошқ. Касалланган хизмат итларига эса гуруч, буғдой ёки гречиха ёрмаси берилиши юқори самарага олиб келади. Гўшт билан ёрманинг ўрнига сут ёки сут маҳсулотларини алмаштириб бериш ҳам мумкин. Бундан ташқари хизмат итларига буғдой унидан тайёрланган қора

нон ҳам берилади. Агарда рацион таркибига қотган ноннинг киритилиши, янада яхши бўлади. Итлар овқатига ҳайвонларнинг эритилган ёғини қўшган маъқул.

Рационга сабзавотлардан карам, сабзи, қизил лавлаги қўшилади. Итлар пўстлоғи ва тухумидан тозаланиб, пиширилган қовоқни жуда севиб истеъмол қиладилар. Ёз мавсумида итларга помидор ва бақлажон бериш тавсия қилинади. Ҳайвонларга карамни янги узилган ёки тузланган ҳолатда бериш ҳам мумкин. Эрта баҳор ва ёз пайтида итларга янги чикқан қичитки ўти, қоқи ва шовулни майдалаб бериш фойдалидир.

Бир хил овқат хизмат итларининг бадига тез тегади ва бунинг оқибатида рацион таркибидаги тўйимли моддаларнинг ҳазм бўлиши пасаяди. Шу сабабдан ҳам рацион таркибидаги озуқа моддаларни алмашлаб туриш лозим. Бу асосан гўшт маҳсулотлари, ёрма ва сабзавотларни алмашлаб туриш йўли билан амалга оширилади.

Сафар шароитида овқат пиширишнинг иложиси бўлмаганда хизмат итларини галеталар, консервалар ва концентратлар (қуруқ озуқа) билан боқадилар. Сафар бир неча кунга давом этган тақдирда итларга нон ёки сут билан нон ёхуд нон билан сув ҳамда қоқ нонни сувда ивитиб бериш мумкин. Агарда хизмат итлари шахсий таркибда сақланса, унда рационнинг асосий қисмини эгасидан қолган қолдиқ овқатлар ташкил қилиши мумкин.

Ит болаларининг ривожланиши уларнинг туғилишидан то сутдан ажратилганича, асосан дастлабки икки ҳафта ичида, эмиздирадиган қанжикни тўғри озиқлантириш билан боғлиқ бўлади. Ит болаларини қўшимча озиқлантиришни сутдан бошлаш лозим. Бунда албатта янги, суюлтирилмаган ва саъл иситилган (27-30°) сут берилади. Эчки ёки қўйнинг сути энг яхши ҳисобланади, чунки бу ҳайвонлар сутининг таркиби ит сутининг таркибига яқин бўлади. Сигир сутининг таркибини ит сутининг таркибига яқинлаштириш учун унинг 0,5-1 литрига 1 та хом товук тухуми қўшилади. Ит болалари 2 ҳафталик бўлгандан сўнг уларга хом гўшт бериб туриш керак.

Ит боласи ва ёш итларга берладиган озуқа маҳсулотларининг кунлик тахминий нормалари №3 жадвалда келтирилган:

Жадвал №3.

Ит болаларни озиқлантириш нормалари.

№	Озуқа номи	1 ойликгача	1-3 ойлик	3-6 ойлик	6-12 ойликдан катта
1	Гўшт маҳсулотлари	50	150	350	350
2	Ёрма	50	100	250	250
3	Картошка	50	150	400	400
4	Ҳайвон ёғи ёки маргарин	3	4	10	10
5	Туз	5	5	10	10
6	Суяк уни	4	11	14	14
7	Нон	70	150	300	300
8	Сут	150	400	100	100
9	Калий глицерофосфати	40 дона	40 дона	40 дона	40 дона
10	Кальций лактати	40 дона	40 дона	40 дона	40 дона
11	Бур	20	20	20	20
12	Фитин	10 дона	10 дона	10 дона	10 дона
13	Активлаштрилган кўмир	10 дона	10 дона	10 дона	10 дона
14	Пишлоқ	20	50	150	150
15	Дрожи	1	2	6	6
16	Тухум сариғи	1	1	1	-

VIII. Итларни ўргатишнинг назарий асослари.

Кузатишлар натижасида шу нарса аниқланганки - итлар бир қатор ва шунингдек ҳаддан ташқари қимматли туғма сифатларга эга бўлади. Улар узоқ ва тез чопа олиши мумкин бўлиб, бу хусусият итдан турли хил хизматларда фойдаланишда жуда муҳим ҳисобланади, шунингдек итлар ўз жойини тез ёдда сақлайди ва янги шароитларга жуда енгил мослашади.

Ёввойи аجدодларининг қилиқларини ўзида жуда мужассам сақлаган ҳолда итлар югураётганда мазкур жойга ҳамиша уйғунлашиб, ўзининг ҳаракат ҳолатини душманига сездирмасликка ҳаракат қилади. Итлар яхши ривожланган ҳид билиш органига эга бўлиб, уларда турли хил, ҳатто жуда кучсиз ҳидларни ҳам ажрата олиш имконияти мавжуд. Эшитишнинг

ўткирлиги сабабли итлар инсон эшитишга қобилиятсиз бўлган товуш ва шитирлашларни ҳам енгил сеза олиш хусусиятига эга.

Агарда, итларнинг беҳад чидамлилиги ва шунингдек иқлим шароити, асраш ва озиклантириш тартибига ўта мослашувчанлигини ҳам инобатга оладиган бўлсак, бу жониворларнинг халқ хўжалиги, Давлат чегараларини муҳофазалаш ва бошқа турлардаги хизматларда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Итларнинг у ёки бу сифатларини янада яхшилаш ва ривожлантириш ҳамда улардан турли хил хизматларда максимал ва самарали фойдаланиш учун уларни малакали ўргатишни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

Итларни ўргатиш деганда, ҳайвондан у ёки бу хизмат турларида фойдаланишни таъминлайдиган турли хилдаги ва мураккаб усулларни буйруқ ёки имо-ишора орқали бажаришни ўргатиш жараёни тушунилади. Ўргатиш босқичи назария ва ўргатиш техникасига бўлинади.

Ўргатиш назарияси олий нерв системаси қонуниятлари асосида итларни ўргатиш қоидаларини тадқиқ этади ва уларни илмий жиҳатдан асослайди.

Ўргатиш техникаси эса усулларнинг тўғри ташкил этилиши бўйича услубий ва техник тавсифдаги масалаларни кўриб чиқади. У асосан учта муҳим қисмларга ажратилади:

1. Умумий ўргатиш (умуминтизомий давр);
2. Махсус ўргатиш;
3. Хизмат итларини ўргатиш.

У ёки бу вазифалар юклатилаётган махсус хизмат итлари белгиланган топшириқларга тўлиқ мос келишлари учун, биринчи навбатда ҳайвонларни итоаткор бўлишга ва интизомга одатлантириш лозим бўлади. Бунга умумий ўргатиш, яъни ит томонидан умумий интизомий усулларни ўзлаштирилиши орқали эришилади.

Махсус ўргатиш итларнинг у ёки бу хизмат турлари, масалан қоровуллик, кўриқчилик, қидирув хизматларида қўйиладиган талабларни

бажариш бўйича амалга ошириладиган усуллари ҳайвонларга ўргатиш мақсадини кўзда тутди. Аммо итга фақатгина умумий қулоқ тутиш ва махсус усуллари ўргатиш етарли бўлмайди балки бу кўникмалар итда сақланиб қолиниши ҳам лозим. Бунга эса доимий равишда машқ қилдириш орқалигина эришилади.

Итларни ўргатишга киришишдан олдин ит ўргатувчиси ҳайвон қандай мақсадда ўргатилиши, қайси вазифага тайинланаётганлиги ҳамда қайси хизмат турига тайёрланаётганлигини билиши керак. У умумий ўргатишдан ташқари у ёки бу турдаги махсус хизматнинг асосий қоидалари ва ўргатиш услубларини билиши шарт. Бундан ташқари, ўргатувчи доимий равишда итнинг ҳатти-ҳаракатлари ва одатларини синчковлик билан кузатиб бориши лозим. Чунки ит томонидан содир этилаётган ноўрин ҳатти-ҳаракатлар ҳайвонни ўргатишда ҳалакит бериши мумкин. Бу каби ҳатти-ҳаракатларни ўз вақтида тузатиш учун шошилиш равишда чора кўриш талаб этилади.

Шунинг билан биргаликда ит ўргатувчиси ўз ҳаракатларини ҳам қатъий равишда кузатиб бориши лозим. Кўпинча тажрибасизлик оқибатида итнинг кейинги фаолияти учун кераксиз ва зарарли бўлган кўникмаларни ўргатувчи ўзи сезмаган ҳолда ҳайвонга сингдириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда итларни ўргатиш давомида ҳайвонларнинг у ёки бу сифатларини ҳисобга олиб, белгиланган мақсадларда улардан максимал фойдаланиш, ривожлантириш, мустаҳкамлаб бориш зарур.

1. Итларни ўргатишнинг олий нерв фаолияти билан боғлиқлиги.

Ҳайвонларнинг индивидуал хусусиятларига кўра, итларнинг ўзини тутиши ҳамда улардаги олий нерв фаолиятининг турлари жуда ҳам хилма-хилдир.

Айрим итларда шартли рефлекслар дарҳол ҳосил бўлади, бошқаларида эса уларни вужудга келтириш учун жуда катта меҳнат талаб этилади. Бу ўз навбатида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг намоён бўлиш

даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Олий нерв фаолиятининг тип хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб, итларни ўргатиш катта қийинчиликларга олиб келиши, баъзи ҳолларда эса ҳайвонларни хизматга тайёрлаш жараёнини бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин.



26 – расм. “Ўтир” буйруғига шартли рефлекснинг ҳосил бўлиш схемаси.

И.П. Павлов олий нерв фаолияти турлари бўйича итларни гуруҳларга ажратиш тамойилларига нерв системасининг қуйидаги учта асосий хусусиятларини киритган:

1. Нерв жараёнларининг кучлари — қўзғалиш ҳамда тормозланиш, хусусан, дифференцияланишнинг пайдо бўлиш тезлиги ва унинг доимийлиги;
2. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро тенглашиш даражаси;
3. Нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги, яъни бир нерв жараёнининг иккинчиси билан алмашилиш тезлигидаги жадаллик;

Олий нерв фаолияти 4 та асосий турларга бўлинади:

- а) Кучли, қўзғалувчан, номутаносиб-қизиққон;

- б) Кучли, мутаносиб, ҳаракатчан – тез таъсирланувчан;
- в) Кучли, мутаносиб, босиқ-совуққон;
- г) Заиф нерв тизимли – дилгир.

Қизикқон типли итлар анча серғайрат ва серҳаракат ҳисобланиб, ўргатишга жадал киришувчан, шартли рефлексларни тез ҳосил қилишда фарқланувчан бўлади ҳамда бу каби рефлекслар уларда мустаҳкам сақланиб қолиниб, ҳайвоннинг толиқиши аста-секинлик билан рўй беради.

Тормозланиш жараёни бош мияда қийинчилик билан юзага келади ва унинг барқарор сақланиб қолиши қийин кечади, шу сабабдан ҳам у тақиқловчи буйруқ - “фу!” ни бажаришга ҳамда бир жойда тик туришга салбий тарзда акс этади, масалан “ёт!”, “ўтир!” ва шу каби бошқа буйруқларни берганда ҳам итлар турган жойидан қўзғалиб, юриб кетиши мумкин.

Кучли қўзғалувчан итларда қўзғатувчи омилларнинг табақаланиши анча суст, ноаниқ ва беқарор бўлиб, асосан ҳайвонни енгил қидирув ишлари ва умуман қидирув хизматларига тайёрлашда ўзининг салбий таъсирини намоён қилмасдан қолмайди. Унинг асосий сабаби кучли қўзғалувчанлик ва тормозланиш жараёнининг сустлиги ҳамда тормозланиш кўникмасининг барқарор бўлмаслиги ҳисобланади.

Қизикқон типли итларнинг беқиёс қимматли сифати жониворларнинг иш жараёнидаги фаоллиги ва тез толиқмаслиги билан баҳоланади.

Тез таъсирланувчан типли итлар қизикқон типли итларнинг кўплаб умумий хусусиятларига эга бўлиб, улар ҳам ўта серҳаракат ва серғайрат ҳисобланишади, бу каби итлар табақаланишнинг аниқлиги ва пишиқлиги, ижобий шартли рефлексларнинг жадаллик билан ҳосил бўлиши ҳамда уларнинг мустаҳкамлиги ва доимийлиги билан ажралиб туради. Бундай итлар жуда кам ҳолларда толиқади. Хизмат жараёнида улар ишлашдан бош тортишмайди. Буларнинг ҳаммаси итларнинг бош мия пўстлоғида рўй бераётган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг нисбий равишда ўзаро тенглашишининг натижасидир.

Совуққон типли итлар босиқлиги, камҳаракатлиги ва ҳатто сусткашлиги билан ажралиб туради.

Итларнинг миясидаги қўзғолиш ва тормозланиш жараёнлари ўзаро нисбий тенглик ҳолатида бўлиб, шартли рефлекслар ва тормозланиш кўникмаларини ҳосил қилиш имкониятларини яратади, мустаҳкам сақланиб қолинади ҳамда доимийлиги билан ажралади. Одатлантирилган табақаланишлар шартли рефлексларни ҳосил қилиши каби бу жараён ҳам бир мунча секинлик билан, бироқ бенуқсон равишда рўй беради. Мутаносиблашган, босиқ турдаги итлар ит ўргатувчидан кунт-матонат билан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва машқ қилдириш жараёнларида итоаткорлик ҳамда чидамлилиги билан бошқа типлардан фарқ қилади.

Дилгир типли итлар эса жуда кўп ҳолларда ҳам салбий, ҳам тормозловчи шартли рефлексларни ҳосил қилдиришга бирмунча ўжарлик қилишади. Агарда улар ҳосил қилингудек бўлса, жуда секин рўй беради ва барқарорлиги билан ажралиб турмайди, яъни ташқи таъсирлар натижасида жуда тез тўхтаб (тормозланиб) қолади. Бу типдаги итлар кўрқоқлиги, тез толиқувчанлиги ва олий нерв фаолиятининг сустлиги билан фарқ қилади. Бундай итлар ўргатиш ва хизмат кўрсатишга ҳамма вақтда ҳам яроқли бўлавермайди.

Итларнинг тур хусусиятларини ит ўргатувчилар доимий равишда ҳисобга олиб бориши лозим бўлиб, у ҳайвонда шартли рефлексларни ҳосил қилишни енгиллаштиришда анча-мунча асқотади. Айниқса тез қўзғалувчан ва қизиққон итларни ўргатиш пайтида ўргатувчининг ўта эҳтиёткорлик билан ёндашишини талаб этади, чунки бу каби итларда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан бир қадар устун туради.

Кучли нерв қўзғалувчанлигига эга бўлган итларни қийин масалаларни ҳал этишда, масалан яқин қидирув ишларига ўргатишда нихтаб туриш, яъни бир усулни 3-5 ва ундан ҳам ортиқ маротаба бажаришга мажбур қилиш ярамайди. Қўзғалувчан типдаги итлар тормозланиш жараёнини ҳаддан ташқари зўриқтириб из, буюм ва бошқа нарсаларнинг ҳидларини фарқлаш ва

тоқат қилиб бир жойда жим туриш хусусиятларини йўқотади. Фақатгина босқима-босқич олиб бориладиган машқ жараёнларигина итларни чиниктиради ҳамда уларда сабр қилиб туриш ва меҳнатга лаёқатлилиқ хусусиятини тарбиялайди, яъни тормозланиш жараёнидан устун бўлган кўзғалиш жараёнини мувозанатлаштиради.

Тез таъсирланувчан типдаги итларни ўргатиш жараёнида алоҳида ёндашишни талаб этмайди, фақатгина оддий усуллардан мураккабларига ўтиш кетма-кетлигига риоя қилинса бас, яъни итларнинг нерв системасини зўриқтирмаслик ва шунинг билан бирга иш жараёнида рўй берадиган узилишларга йўл қўймаслик керак.

Совуққон итларни ўргатиш жараёнида тўхталадиган бўлсак, бунда ит ўргатувчиси мазкур итларнинг индивидуал хусусиятларини яъни нерв жараёнларининг ҳаракатсизлигини инобатга олиб буйруқларни тез-тез алмаштирмаслиги лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда ит ўргатувчилари итларни ўргатиш услубини ҳайвонларнинг индивидуал хусусиятларига боғлаган ҳолда, ўргатиш жараёнида вазминлик ва сабр-бардошни сақлашлари лозим, улардан асабийлашмаслик, итларга бақириб-чақириш, дўқ-пўписа қилишга ва умуман итларга дағал муносабатларда бўлишга йўл қўймаслик талаб этилади. Ит ўргатувчиси ҳайвонни ўргатиш жараёнида чаққон, серғайрат ва кузатувчан бўлиши ҳамда ўргатилаётган итларнинг кайфиятини изчил назорат қилиб бориши лозим. Буларнинг барчаси ит ўргатувчиларга ўз олдига қўйган вазифаларни тез ва сифатли бажаришида қўл келади.

2. Нерв системаси ва унинг ўргатишдаги аҳамияти

Итларда оғзига гўшт солиш билан оғиз бўшлиғида рефлексли сўлак ва бошқа ҳазм қилувчи суюқликлар ажрала бошлайди. Бирданига ёқилган ёруғ чироқ кўзни юмишга мажбурлайди. Бу рефлекслар ҳайвонларда туғма бўлади ёки бу рефлекслар шартсиз рефлекслар дейилади, чунки бу рефлекс содир бўлиши учун ҳеч қандай қўшимча шартлар кераги йўқ.

Шартсиз рефлекслар ташқи муҳит ва организмнинг ичидаги кўзгатувчилар (очлик, чанқоқ, жинсий алоқа ва ҳ.к.) таъсири натижасида содир бўлади.

Пайдо бўлишига қараб улар оддий ва мураккаб шартсиз рефлексларга бўлинади. Оддий тўғри реакцияларга кўз қорачиғининг қисқариши, акс этиш ва ҳоказолар киради. Мураккаб туғма шартсиз рефлекслар ичига кўпгина майда оддий туғма шартсиз рефлекслар киради. Масалан, бутун организмнинг ҳаракатланиши (итнинг югуриши). Шунинг учун шартсиз рефлексларнинг оддий ва мураккабларга бўлиниши нисбий ҳисобланади.

Ҳайвонларнинг хулқи ва ҳаёти кўпгина озиқ-овқат, ҳимояланиш ва бошқа шартсиз рефлекслар билан белгиланади.

Туғма рефлекслар билан белгиланган ҳайвонларнинг хулқи инстинктив дейилади.

Инстинкт (туғма ҳис) – бу мураккаб шартсиз рефлекс бўлиб, ҳамма инстинктлар овқат, ҳаво олиш, ҳимояланиш, наслини тарбиялашга қаратилган. Буларнинг ҳаммаси доимийлик мақсадга мувофиқлик билан таърифланади. Лекин ўргатишда ўзига хос индивидуал томонлари ҳам бор. Битта ота-онадан туғилган, битта эгадан тарбия олган хизмат (ёки овчи) итлар бири осон, бири қийин ўргатилади.

Шартсиз рефлекслар, шу жумладан инстинктлар организмнинг ўзгармас шартларга мослашишини таъминлайди. Лекин фақат шартсиз рефлекслар ҳайвонларни мураккаб ва ўзгарувчан шароитларда яшашини таъминлай олмайди. Бундай шароитларда муҳит муносабати шартли рефлекслар билан амалга оширилади.

Инстинктлар иккита гуруҳга бўлинади: ҳайвоннинг умрини асраб қоладиган инстинктлар (озикланиш, ҳимояланиш, аниқлаш) ва ўзини насл турини асраш (жинси ва ота-оналик).

Инстинктлар наслдан-наслга ўтади, лекин уларнинг юзага чиқарилишининг шакли, даражаси ва муҳитнинг ташқи таъсири ҳамда

организмининг физиологик ҳолатига боғлиқ. Демак, одатланиш инстинктларига сезиларли ўзгаришлар киритади.

Шартли рефлексларни ишлаб чиқариш усулидан фойдаланиб инстинктларни “тўғрилаш” мумкин. Эски инстинктлар йўқолиши ва янги инстинктлар ривожланиши ҳаётнинг янги шартлари билан яқин боғланган ёки инсон томонидан итга қўйилган янги талаблар билан боғланган.

Шартли рефлекс – ҳайвон организмининг шартли қўзғатувчининг таъсирига жавоб реакцияси.

Қачон ит ўзини эгасига ўрганса шунда эгасини бошқа одамлардан ажратиб олади. Шунга ўхшаб ит бирорта буйруқни бажариши учун олдиндан ўрганиши керак.

Шартли рефлекс жиддий шахсий ва доимий эмас, улар шароит ўзгарганда йўқолиб кетади. Агарда ит билан доим амалий машғулотлар ўтилмаса, ишлаб чиқарилган шартли рефлекслар йўқолиб кетади.

Шартли рефлекслар шартсиз рефлекслар базасида ҳосил бўлади ва итнинг хулқига катта таъсир этади. Шундай қилиб, шартсиз ва шартли рефлексларнинг йиғиндиси итларнинг ҳамма мураккаб хулқига сабаб бўлади. Шартли рефлекслар итларни ташқи муҳит билан мулоқотда бўлганда туғилади. Шартли рефлекслар фақат белгиланган шароитларда шахсий рефлекслар базасида ҳосил бўлади ва ўша белгиланган шароитлар ўзгарса шартли рефлекслар йўқолиб кетади, бу йўқолиш организмни ҳаёт шароитига яхшироқ мослашишга имкон беради.

Белгили таъсирлар билан инсон итда хоҳлаган шартли рефлекс ишлаб чиқариши мумкин ва шу рефлекслар билан одам итнинг хулқини бошқаради ва хизмат мақсадларида ишлатади.

Бу шундай амалга оширилади: буйруқни ва қўзғатувчини бирга олиб бориш керак, шунда итда шартсиз рефлекс пайдо бўлади. Масалан, ўргатувчи итни ушлаб “ўтир” деб, бир вақтда итнинг ўзида тасмасидан ушлаб, орқага тортиб, чап қўли билан итни белига ўтадиган жойга босиб туриши керак. Бу итни ўтиришга мажбурлайди.

Ит тасмасини кўпол тортиш – бу шартсиз кўзғатувчи. Шу ҳаракат давомида итда шартсиз рефлекс пайдо бўлади ва ит ўтиради. Бир неча кун давомида шу тартибда иш юритилса, ит “ўтир” деган буйрукга бўйсунди.

Бу кўникмага шартли рефлексни тезроқ ишлаб чиқариш учун ит бўйсуниб ўтиргандан сўнг унга рағбатлантириш тариқасида озуқа бериш керак (бир бўлак гўшт, нон ва хоказо). Шу усулда ҳар хил буйруқларга шартли рефлекс ишлаб чиқарилади.

Шартли рефлекслар, нафақат алоҳида кўзғатувчилар билан ишлаб чиқарилади, балки кўзғатувчилар тўплами билан шартли рефлексни ишлаб чиқариш мумкин.

Ўргатувчи - бу кўзғатувчилар йиғиндиси. Машғулотлар давомида турли хил кўзғатувчилар билан таъсир қилинади: фақат ўзига хос индивидуал хид, овоз (буйруқ, ўқ овози ва ҳ.к.), ишора ҳаракати (тасмани тортиш, белига босиш ва ҳ.к.), озуқа (нон, гўшт) ва ҳ.к.

3. Шартли рефлексларни ҳосил бўлиш шартлари

Шартли рефлекснинг ҳосил бўлиши учун иккита кўзғатувчи танлаб олинади. Бири шартли сифатида, иккинчиси шартсиз сифатида. Бу иккала кўзғатувчи бир вақтда итга таъсир қилиниши керак, шунда шартли рефлекс ишлаб чиқарилади, масалан, “Ёнимга” буйруғи берилиб, 1-2 секунддан кейин шартсиз кўзғатувчи билан таъсир этиш керак, яъни итнинг бўйнидаги тасмани ўрта меъёردа тортиш керак.

Бошида “ёнимга” товуш буйруғига ит кулоқ солиб, мўлжаллаш рефлекси пайдо бўлади. Бир неча марта “ёнимга” деган сўз билан итнинг бўйнидаги ип тортилса мўлжаллаш рефлекси йўқолади ва шу буйруқдан кейин итда ўргатувчи ёнида ҳаракатланиш рефлекси туғилади.

Рефлекс – бу организмнинг шартли ва шартсиз кўзғатувчиларнинг таъсирига жавоб реакциясидир.

Шартли кўзғатувчилар етарли даражада кучли бўлиши керак. Кучсиз шартли кўзғатувчиларга рефлекслар секин ишлаб чиқарилади ва реакция бўш, кучсиз бўлади. Шунинг учун ит ўргатилаётганда (дрессировка)

буйруқлар етарлича кучсиз ва аниқ бўлиши керак. Шунда шартли рефлекслар пайдо бўлади ва ит уларни ғайрат билан бажаради.

Шартли қўзғатувчилар ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги керак, бу асаби ёмон итларда шартли рефлексларни ишлаб чиқарилишини кечиктириши мумкин, алоҳида ҳолларда умуман рефлекс туғилмаслиги мумкин.

Шартсиз рефлекс асосида ишлаб чиқарилган шартли рефлексларни пайдо бўлиш шартларидан бири бу асаб марказини қўзғатилиш даражаси ҳисобланади. Масалан, чала оч ҳолатдаги итда озиқ-овқат асаб маркази қўзғатилган, шунинг учун шартли рефлексларни овқат бериш (бир бўлак гўшт) билан маҳкамланса, рефлекс тез ишлаб чиқарилади.

Шартли рефлексларни ҳосил бўлишига атроф-муҳит шароити катта таъсир қилади. Жуда катта миқдорда ташқи қўзғатувчилар, масалан кўп одамларнинг ҳаракатланиши, ҳайвонлар, транспорт, ҳар хил товушлар, сигналлар ва бошқалар керакли шартли рефлексларни ишлаб чиқаришни қийинлаштиради. Чунки ташқи қўзғатувчилар итни чалғитади, итнинг мияси бошқа нарсалар билан банд бўлади.

Итни ўргатишни кучли ташқи қўзғатувчилар йўқ жойда бошлаш керак. Ҳатто ўргатувчилар ҳам бир-биридан анча узоқда бўлиши керак. Кейинчалик шартли рефлекслар ишлаб чиқарилгандан кейин атроф-муҳит шароитини секин-аста мураккаблаштириш керак ва шу даражагача шароитни оғирлаштириш керакки, ит бемалол ҳар қайси оғир вазиятда буйруқни бажара оладиган бўлиши керак.

Итни ўргатишда организмнинг ички муҳитини ҳисобга олиш керак. Ўргатишдан олдин итни биров айлантириш керак, қувуғини ва катта ичагини бўшатиб олиш керак. Мабодо ит касал бўлса машғулоти тўхтатиш лозим.

Итни ўргатишдан олдин об-ҳавога эътибор бериш керак. Чунки ҳавонинг ҳарорати баланд ёки пастлиги, қаттиқ шамол, ёмғир, қор ва бошқалар ит ўргатишда салбий таъсир қилади.

4. Табиий ва сунъий шартли рефлекслар

Яхши маҳкамланган шартли рефлексларни одат ёки тажриба деб айтса ҳам бўлади. Ҳамма ҳайвонлар атроф-муҳитга қараб ўзларининг одатларини ёки тажрибасини ишлатишади. Ҳаёт шароитлари ўзгариши билан одатлари ҳам ўзгаради, бу ташқи муҳитга яхшироқ мослашишга имкон яратади.

Овқатга, овқат ҳидига бўлган рефлекс бу табиий рефлекс ҳисобланади. Бу билан шартли қўзғатувчилар табиий шаклда шартсиз қўзғатувчилар билан боғланган деб айтиш мумкин. Бундай рефлекслар жуда тез ривожланади ва узоқ сақланади.

Товушли (буйруқ, қўнғирок), кўриш қобилятига тегишли (ишора, лампочка нури), ҳидли ва бошқалар орқали ишлаб чиқарилган шартли рефлекслар сунъий ҳисобланади.

Бунда шартли қўзғатувчи шартсиз қўзғатувчига тўғри муносабатда эмас, фақат улар билан бир вақтда содир бўлади. Оддий ўргатиш орқали ит ҳаётида бундай сунъий шартли рефлекслар кўпайиб кетади. Лекин бу сунъий рефлекслар анча қийинчиликлар билан пайдо бўлади ва табиий рефлексларга ўхшаб у даражада мустаҳкам бўлмайди.

Агар шартли қўзғатувчи 1-2 секунддан кейин шартсиз қўзғатувчи билан маҳкамланса унда тўғри мос келадиган шартли рефлекс пайдо бўлади. Шунда шартли қўзғатувчи ҳаракатланиши натижасида шартли кескинлик билан тескари ҳаракат пайдо бўлади. Итларни ўргатишда уларда ҳар хил тўғри мос келадиган шартли рефлекслар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинади.

Масалан “Ўтир” деган буйруқни ит эшитиши билан ўтиради. Узоқ (5 минутгача) бўлган шартли қўзғатувчининг таъсири ва уни шартсиз қўзғатувчи билан кечроқ маҳкамланса, итда бироз кечиктирилган шартли рефлекс ишлаб чиқарилади. Ўргатиш жараёнида бироз кечиктирилган шартли рефлекс биринчи буйруқни эмас, балки кейинги буйруқни кўп маротаба қайтариб, кейин шартсиз қўзғатувчи билан маҳкамлаш учун ишлаб чиқарилган. Масалан “Ўтир” деган буйруқни уч марта қайтарилгандан кейин шартсиз қўзғатувчи билан маҳкамланади.

Маълумки, шартли рефлекс шартсиз рефлекс асосида ишлаб чиқарилади. Лекин олдин ишлаб чиқарилган шартли рефлекс асосида янги шартли рефлекс ишлаб чиқарилса бўлади. Бу рефлекслар олий даражадаги рефлекслар деб аталади (биринчи, иккинчи, учинчи). Уларни ишлаб чиқариш жуда қийин ва улар тез йўқолади.

Бунинг учун бошида “ўтир” деган буйруқга шартли рефлекс яратилади. Кейин “ўтир” деган буйруқнинг асосида ўтириш рефлекси ишорага ўргатилади. Бунда қўл билан ишора қилинади (кўриш қобилятига тегишли шартли қўзғатувчини келтирувчи ҳаракатлар) ва “ўтир” деган буйруқ билан тасдиқланади. Агарда “ўтир” деган ишора, оғзаки буйруқ билан “ўтир” деб ва ўргатувчи итнинг бўйнидаги тасмани тортса ёки итга озуқа берилса, бунда шартсиз қўзғатувчи қўлланилган бўлиб ҳисобланади, шу пайтда қўл ишорасига шартли рефлекс ишлаб чиқарилган бўлиб, бу рефлекс иккинчи эмас, балки биринчи тоифали рефлекс ҳисобланади.

5. Ижобий ва тормозли шартли рефлекслар.

Ҳар хил қўзғатувчилар таъсирида асаб марказини қўзғатиш ёки тормозланиш жараёни пайдо бўлади. Қўзғалиш жараёни итларнинг ушбу ҳаракатига асос бўлади. Тормозланиш жараёни эса тескарисига, ўша ҳаракатларни тўхтатади. Тормозланиш жараёни асосида шартли тормозланиш (манфий) рефлекслари ишлаб чиқарилади (“Фу” буйруғига шартли рефлекс ишлаб чиқариш ва бошқалар). Тормозланиш асосида бошқа шартли рефлекслар ишланади, улардан бири ҳар хил усулларни тузишда чидамлилиқ, бардошлиқ билан боғланган шартли рефлекслар (“ўтказиш”, “ётқизиш”, “турғизиш” ва бошқалар)дир. Тормозланиш асосида ҳар хил усуллар ишлаб чиқарилади, бу усуллардан бири ҳидларни ажратиш (дифференцировка-кийимларни ажратиш, кийимга асосан одамни ажратиш). Шартли рефлексларнинг асосида ётган қўзғалиш жараёни ижобий шартли рефлекслар ҳисобланади.

Ўрганиш давомида ҳар бир ишланган тажрибада бир неча ижобий ва тормозли рефлекслар бирга қўшилиб келади. Бу қўшилиш итдаги мураккаб

ҳаракати шаклида пайдо бўлади ва у **кўникма** дейилади. Масалан, ўргатувчи “олдимга” деб буйруқ берганда итда бир неча рефлекс пайдо бўлади. Биринчидан энг қийин рефлекс ишга тушади, бунда ит ўргатувчининг олдига яқинлашади, кейин ит ўргатувчининг олдига ўтиради ва ниҳоят шартли рефлекс пайдо бўлади, бунда ит ўтирган ҳолатни ушлаб туради.

Бирин-кетин ўзаро боғланган шартли рефлекслар тажрибага киради. Қанча тажриба мустаҳкам бўлса шунча ит ўз вазифаларини аниқ бажаради. Тажриба ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Масалан ит ўргатувчи ишида хато қилиб, ҳар бир дарсда ҳар хил буйруқларни белгили кетма-кетликда талаб қилганда итда салбий тажриба ривожланади. Кейинчалик ит биринчи буйруқни эшитгандан кейин уни тажрибали бажаради. Қолган тажрибаларини буйруқсиз кетма-кет бажаради.

Шунинг учун ит ўргатилганда буйруқларни кетма-кет эмас, балки аралаштириб бериш керак.

Тажрибани бажаришдан олдин амалда, масалан, ланж, кам кўзғаладиган итни 1-2 минутга ўтқизиб қўйиш керак, кейин “ҳидла” деб буйруқ бериш тавсия қилинади. Ит қизғин равишда ишлайди, чунки охириги буйруқни мия баланд кўзғалган ҳолатида бажаради. Шундай қилиб, мияда иккита жараён кечади: кўзғалиш ва тормозланиш. Улар бир-бирига ўтади, бу иккита жараён доимий ҳаракатда бўлиб, ҳайвоннинг олий асаб фаолиятига шарт қўйилади.

6. Мия қобигида тормозланиш жараёни.

Олдин ишлаб чиқарилган рефлекс, масалан “ёт”, ит уни бажармади, шу пайтда бегона одам ўтган бўлиши мумкин ёки мушук, бирор нарса портласа ва бошқалар. Буни сабаби шуки, янги кучли кўзғатувчи, янги кўзғалиш натижасида мияда тормоз жараёни пайдо бўлади. Қанча шартли рефлекс буйруқга мустаҳкам бўлса, шунча тормозланиш кучсиз ва кам вақт бўлади ва тескарисига. Бир кучли ғаройиб кўзғатувчининг оқибатида итга буйруқ берилганда шартли рефлекс юзага чиқмасдан тўхталиб қолса, унда бу ҳолат ташқи тормозланиш дейилади. Ит ўргатишнинг ташқи муҳит тинч,

чалғитувчи қўзғатувчилар йўқ жойда бошлаш керак, кейин секинлик билан шароитни оғирлаштириш керак, шунда ғаройиб қўзғатувчиларни таъсир кучи ташқи тормозланувчи маъносини йўқотади (сўнган тормоз).

Шуни эътиборга олиш керакки, агарда итлар ёшлигидан ҳар хил нарсалар ва ходисалардан доимо ва тўғри танишган бўлса, шунда итлар ғайритабиий қўзғатувчиларга тез ўрганиб ва енгиллик билан уларни “ҳазм” қилишади.

Кучли қўзғатувчилар таъсирида, масалан, урғочи итнинг ҳиди, итнинг бирор жойи оғриб турса, қовуғи тўлиб кетган бўлса, ташқи тормозланиш шартли рефлексларни тўхтатиб қўйиши мумкин.

Чегарадан чиққан ёки сақланадиган тормозланиш ниҳоятда кучли қўзғатувчилар ёки ўрта кучли қўзғатувчиларни узоқ муддат таъсир этиши натижасида сақланувчи тормозланиш вужудга келади. Бу қўзғатувчилар мия қобиғидаги асаб катакчаларининг иш фаолиятини чегарасидан чиқиб кетади ва улар қўзғалиш билан эмас, балки тормоз (тўхталиш) билан жавоб беради. Бу ҳаракат нерв (асаб) катакчаларини озғинланишдан сақлайди.

Шунинг учун ит ўргатиш амалиётида ҳаддан ташқари кучли қўзғатувчиларни ишлатиш мумкин эмас. Айниқса асаб системаси кучсиз итларга битта усулни қайта-қайта кўп қайтариш мумкин эмас. Масалан, ит ўргатувчи қайта-қайта битта машғулотни итдан талаб қилаверса ит ўша талабни умуман бажармайди.

Ташқи ва сақланувчи тормозларни асаб системасида доимо тегишли қўзғатувчиларнинг таъсирида ўзи пайдо бўлади. Уларни ишлаб чиқариш керак эмас. Шунинг учун уларни шартсиз ёки пассив тормозланиш деб аталади. Бундан ташқари бош мия қобиғида тормозланишнинг бошқа тури ҳам ўтади. У фақат белгили шароитларда пайдо бўлади. У аста-секинлик билан ишлаб чиқади. Баъзан узоқ сақланади, шунинг учун ҳам уни шартли ёки актив тормозланиш деб аталади.

Шартли тормозланишни ишлаб чиқаришнинг асосий шартларидан бири бу шартли қўзғатувчини шартсиз қўзғатувчи билан ҳеч ёки умуман мустақамламаслик керак.

Маълумки, шартли рефлекслар доимий эмас, улар вақтинчалик, уларни туғдирган шароитлар ўзгарса улар ғойиб бўлади. Рефлексларнинг ўтиши учун тормозланиш пайдо бўлиши сабаб бўлади. Кучсиз шартли рефлекслар кучли шартли рефлекслардан тезроқ эсдан чиқади. Қанча кучли шартсиз рефлекс базасида ишлаб чиқарилган шартли рефлекс бўлса, шунча у рефлекс секинлик билан эсдан чиқади. Асосан ўзини ҳимоя қилиш рефлекслари итларда секин кўчади.

Агарда шартли қўзғатувчини бир-икки марта шартсиз қўзғатувчи билан мустақамласа шунда эсдан чиққан рефлекслар яна эсга тушиши мумкин.

Ўргатилган итлар бир-бирига ўхшаш қўзғатувчиларни саралашга қодирлар. Масалан 3-4 одам ўзларини нарсаларини ташлашади, одамлардан биттаси ўзини қўлини ҳидлатади. Ҳидига қараб танланадиган нарсага мия қобиғида қўзғалиш жараёни ўтади, бошқа нарсаларни ҳидларига тормоз жараёни ўтади. Шу тормозланиш (дифференциал) ёрдамида ит керакли нарсани бошқалардан ажратиб олади.

Қанча қўзғатувчилар бир-биридан кам фарқ қилса, шунча дифференциал тормозланиш кейинроқ пайдо бўлади, шунга бу жараён асаб катакларининг ишида кўпроқ тиришишни талаб этади.

7. Итларнинг хулқини бошқарадиган реакциялар (тескари ҳаракатлар)

Ташқи муҳитдаги ва ит организмнинг ички муҳитдаги ғашликни келтирувчи ҳаракатларга пайдо бўлган рефлексларни итнинг хулқи юзага чиқади. Инстинкт реакциялари – туғма ҳис тескари ҳаракатлари наслдан-наслга ўтади, лекин уларнинг шакли ва даражаси ит организмнинг ҳолатига ва ташқи муҳитига боғлиқ. Инстинктлар ҳаёт давомида кўп шартли рефлекслар билан тўлдирилади, катта итда уларнинг юзага чиқиши

қийинлашади ва улар мураккаб реакцияларни ташкил этади (жавобан ҳаракатлар).

Итларда кейинги мураккаб реакциялар юзага чиқади: озиқ-овқат, ҳимоя, мўлжаллаш, жинсий.

Озиқ-овқат реакцияси: оч итларда юзага чиқади ва бу реакция овқатни топиш ва емоқга жўнатилади. Бу реакцияга бир неча ҳар хил озиқ-овқат рефлекслари киради (овқатни ушлаш, ғажиш, йиртиш, ютиш, сўлак ажралиши). Ҳимояланиш реакцияси итга хавф-хатардан қочишга имкониятини яратади. Бу реакция 2 та шаклга бўлинади: актив ҳимоя ва пассив ҳимоя.

Аниқлаш реакцияси янги қўзғатувчи таъсирида юзага чиқади. Бу рефлекслар тақиқловчи ёки “бу нима?” рефлекси деб аталади. “Бу нима?” рефлексда ит ўша курсантни ҳидлайди, кулоқ солади, бошини қўзғатувчи томонга буриб, эҳтиёт, сезгир бўлади. Ҳаёт давомида бу туғма рефлекс мураккаблашади ва шу рефлекс орқали ит нафақат янги шароит билан ёки нотаниш қўзғатувчи билан танишади. Балки у мураккаб ҳаракатлар қилади, масалан йўқолган эгасини топишга интилади.

Аниқлаш рефлекси билан бошқа рефлекслар пайдо бўлади. Агар аниқлаш оқибатида янги қўзғатувчи ҳимояланиш ҳаракатини қилса унда ит унга ташланади ёки қочади, бу дегани аниқланган рефлекс ҳимояланиш актив ёки пассив рефлекс формасига айланади. Агар аниқлаш рефлекси овқатга пайдо бўлса, у овқатланиш рефлексига ўзгаради.

Жинсий реакция жинсий қўзғалишда пайдо бўлади ва кўпайиш жараёнини таъминлайди. Жинсий ва ота-оналик рефлекслари ички ва ташқи ғашликни келтирувчи ҳаракатлар билан биргаликдаги таъсири оқибатида пайдо бўлади. Ит ўргатилганда бу рефлекслар ишлатилмайди. Лекин бу рефлексларни катта куч билан келиши бошқа рефлексларни тормозлантиради ва ўргатишга ҳалақит беради. Бирон мураккаб реакцияни пайдо бўлишининг асосида белгили инстинкт ётади, инстинктлар эса наслдан-наслга ўтади. Демак, белгили реакцияни юзага чиқишида насл муҳим аҳамиятга эга. Агар

итнинг ота-онасида актив ҳимояланиш реакцияси ривожланган бўлса, унда бу итда ҳам бундай реакциялар ривожланган бўлади. Лекин туғма реакциялар юзага чиқиши ҳаётнинг шароитларига ҳамда йиғилган одатларга (шартли рефлексларга) ҳам оғлиқ. Улар у ёки бу реакцияларни юзага чиқиш сифатини ўзгартириши мумкин. Насл хусусиятларига, физиологик ахволига ва ҳаёт шароитларига (тарбиясига) боғлиқ бўлган асосий мураккаб реакциялар итлар ҳулқида ҳар хил даражада кўринади.

Итларда юзага чиқадиган нисбатан доимий ва энг кучли даражадаги реакциялар **бошқарувчи реакциялар** деб аталади.

Итларни ўргатишда бошқарувчи реакциялари ҳаддан ташқари катта аҳамиятга эга. Актив ҳимоя реакцияси яхши ривожланган итларни излаш-қоровуллаш ва кўриқлаш хизматлари учун ўргатилади. Агар итни аниқлаш реакцияси яхши ривожланган бўлса уни наркотик моддалар, мина излаш хизматлари учун ўргатилади. Агар итда озиқ-овқат реакцияси ривожланган бўлса, унда бу итни ўргатиш давомида кўпроқ рағбатлантириш сифатида озуқали кўзғатувчиларни ишлатиш керак.

Бир неча асосий реакциялар итларда тенг даражада кўринади, бу ҳол аралаш устунлик қилувчи реакциялар дейилади. Масалан, жахлдор ва қўрқоқ итлар учрайди, уларнинг тенг даражада актив ҳимоя ва озиқ-овқат рефлекслари ёки мўлжаллаш ва пассив ҳимоя рефлекслари ривожланган.

8. Бошқарувчи реакцияларни аниқлаш.

Итда қайси реакция бошқарувчи реакциялигини аниқлаш учун итни ҳар хил кўзғатувчилар билан таъсир қилдириб, текширувдан ўтказиш керак. Шу мақсадда ит учун янги шароит таъминланади. Озиқ-овқат ва ҳимояланиш реакцияларини кўзғатиш учун овқат ва итларга бегона бўлган одамларни ишлатишади. Изланишни эрталаб овқатланиш олдидан ёки овқатлангандан 4 соатдан кейин олиб боришни тавсия этилади. Изланишда 2 та ёрдамчи, инструктор ва кинологлар қатнашадилар.

Изланишда қатнашаётган шахслар яширинишадилар ва боғланган итлар янги шароитда кузатишади (эгаси кетишига қандай реакция қилади). Кейин ёрдамчилардан бири шовқин қилиб бир оз вақтдан кейин яширинган жойдан чиқиб бемалол 5-6 метр наридан ўтиб бошқа жойга яширинади. Бу чиқишнинг мақсади итни бемалол аста-секин кетаётган одамга нисбатан бўлган реакциясини аниқлаш. Биринчи ёрдамчи кетиши билан қарама-қарши томондан инструктор сигналидан сўнг қўлида қамчи билан иккинчи ёрдамчи чиқиб келади ва тезлик билан итга яқинлашиб актив ҳужум қилади, кейин яна яширинади. Кейин ўргатувчи чиқиб келади (эгаси), ит олдига бирон овқат қўяди ва у ҳам яширинади. Ит овқатга уриниши билан қўлида қамчи билан иккинчи ёрдамчи чиқиб итга яна ҳужум қилади ва итнинг олдидан овқатни олишга ҳаракат қилади.

Шунақа икки ҳаракатдан сўнг иккинчи ёрдамчи яширинади. Шу билан устунлик қилувчи реакцияни аниқлаш тугатилади. Янги шароитда овқатга ва ёрдамчиларнинг ҳаракатига итнинг реакциясини кузатиш асосида солиштириш йўли билан хулоса чиқарилади, қайси реакция бошқарувчи, қайси рефлекслар энг кучли бўлди.

Бошқарувчи реакцияни аниқлашда навбатдаги асосий белгиларни қўллайди:

Ит актив ҳимоя реакцияси билан шароит ўзгаришига тез таъсирланади. Биринчи ёрдамчи чиққанда мўлжалли реакция ҳимоя реакциясига ўтади; у одамга ташланади, ҳуркийди. Иккинчи одам чиққанда итнинг ҳаракати янада фаоллашади. Овқат еганда ғашига текканда одамни топишга ҳаракат қилади ва овқатланишга дарров қайтмайди.

Ит пассив ҳимоя бошқарувчи реакцияси билан шароит ўзгариши билан қўрқув билан ҳар томонга қарайди, биринчи ёрдамчи пайдо бўлганда қарама-қарши тарафга қочишга ҳаракат қилади, овқат еганда ғашига тегса яна қарама-қарши тарафга қочишга ҳаракат қилади ва ерга ёпишади. Овқатни тўхтаб-тўхтаб ейди ёки умуман овқатланмайди.

Ит озиқ-овқатни бошқарувчи реакцияси билан шароит ўзгарганда биринчи ёрдамчига эркаланади, иккинчи ёрдамчига ташланади. Овқатни катта очкўзлик билан истеъмол қилади ва ғашига текканда эътибор бермайди.

Ит аниқлаш бошқарувчи реакцияси билан шароит ўзгарганда кулок солади, ерни ҳидлайди, ҳар томонларга қарайди. Биринчи ёрдамчи ўтганда олдига талпинади, ҳидлайди ва овқатни дарров емайди. Ғашига текканда ҳимоя реакциясини юзага чиқармайди.

Аниқлаш реакцияси бошқа нарсалардан олдин келади ва улар тез алмашади. Бошқарувчи реакцияси бўлиб бу реакция жуда кам учрайди.

Реакцияларни юзага чиқиш даражаси ҳисобга олиниб, ит ўргатувчи уларни ўргатиш жараёнида ишлатиши керак. Ўргатиш жараёнида бир хил реакцияларни кучайтириш йўли бошқаларни камайитириши мумкин. Масалан, “озуқани рад этиш” усулида овқатга талпиниш инстинкти йўқолади, бунинг учун ҳимоя реакцияси “ўз-ўзини ҳимоя қилиш инстинкти” ишлатилади.

Устунлик қилиш реакциясини аниқлашни ўргатилиш курсининг бошида ва охирида ўтказилиши тавсия қилинади.

10. Хизмат итларининг олий асаб фаолиятининг турлари

Тинимсиз (холерик) тури – бу тур ўзини-ўзи тўхтата олмайдиган, жуда жахлдор, нерв жараёни ҳаракатчан, бўлаётган ҳодисага ўзини тўхтатиб тура олмайди. Ҳидни сезиш қобилияти сезгир эмас, шарпани тез сезади, шунинг учун бундай итни қоровуллик жойларига қўйишга бўлади. Ўргатиш бу турдаги итлар учун кўп вақт керак бўлади, лекин яхши ўргатилса, бу итлар кўп ҳаракатчан бўлиб, чарчамайдиган яхши хизмат қиладиган итлар туркумига киритса бўлади. Бу туркумдаги итлар ўзига хос характерда бўлгани учун асаб системаси ёмонлиги сабабли кўпроқ асаб касаллигига дучор бўладилар.

Ҳаракатчан тури (сангвиник) – бу турдаги итларнинг асаб системалари кучли, мувозанатли, тез ҳаракатчан, атроф-муҳит

таъсироларини оддий даражада сезади, яхши муомалали, рефлекс ижобий, буйрукни бажаришга яхши ўрганади, хид сезиши яхши. Бу турдаги итларни ўргатиш осон.

Инертли (флегматик) – асаб системаси кучли, мувозанатли, лекин ҳаракатсиз ва ялқов итлар гуруҳидир. Ижобий ва тормоз рефлекслари аста-секин ишлаб чиқарилади, лекин кўп вақт йўқолмайди.

Юқорида кўрсатилган учта турдаги асаб системаси кучли ҳисобланади, шу турга кирувчи итлар кучли, чидамли, асаб системаси ва меҳнатсеварлиги билан бошқалардан фарқ қилади.

Таъсирчан туркум (меланхолик) – асаб системаси кучсиз, айниқса кўзғатиш ҳаракатга келиши, мувозанатсизлиги, шартли рефлекслари кечикиб ишлайди, қисман атроф-муҳитдан таъсирланиши туфайли тормозланиш ҳосил бўлади. Бу турдаги итлар кўпроқ кўрқоқликка дуч келади, бу итни ёшлигидан нотўғри тарбияланишидан келиб чиқади. Асаб системаси кучсиз бўлиб тарбияланган итларга бирон нарсани ўргатиш ярамайди. Улар тезда касаллик (невроз)га дучор бўладилар. Шартли тормозланиш рефлексларини ёки бошқа муҳим буйруқларни бажариш учун итларга жуда эҳтиёткорлик билан поғона-поғона секин-аста ўргатиб бориш керак. Жумладан, нарсани топиш, из ёки юкни, ҳиди орқали одамни топиш каби тажрибалар ўтказиб турилиши керак.

Масалан, бир кўникмани ўргатиш учун ит ҳар доим ўргатувчининг чап оёғи олдида то ўргатувчи “Апорт” деган буйруқни бергунга қадар туриши керак. Ўргатувчи бирор-бир предмети ирғитса, шуни кўриб ит буйруқга асосан шу предметни олиб келиб ўргатувчига бериши керак. Айниқса тажрибасиз ит ўргатувчидан итга нисбатан кўпол хатога йўл қўяди.

Масалан, ўргатувчи итга йўқолган нарсани ёки изи орқали ҳидлаб одамни топиб келишни буюради. Ит бир-икки марта тўғри топиб келади. Лекин яна уч-тўрт марта итга шу вазифани кетма-кет буюраверади. Ит кейинги сафардан биров хатога йўл қўйса ўз-ўзидан хафа бўлиши мумкин.

Итга бирданига кўп иш буюриш жуда хато иш, секин-аста оз-оздан чегараланган ҳолда иш тутиш лозим.

Бош миядаги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнларининг орасидаги муносабатлар олий асаб фаолияти турларининг бўлинишига асосдир (4-жадвал).

1. Ушбу жараёнларни кучи;
2. Босиқлик: $Q > T$; $Q \geq T$; $Q \leq T$; $Q < T$; $Q = T$
(Q - қўзғалиш жараёни, T – тормозланиш жараёни)
3. Ҳаракатчанлик (тезлик билан ёки секин бир жараён бошқа жараёнга ўтиши)

Жадвал № 4

ОАФ тури	Асаб жараёнларининг кучи	Босиқлик	Ҳаракатчанлик
Холерик	Кучли	Босиқ эмас, $Q > T$	Тинимсиз
Сангвиник	Кучли	Босиқ, $Q \geq T$	Ҳаракатчан
Флегматик	Кучли	Босиқ, $Q \leq T$	Инертли
Меланхолик	Кучсиз	Босиқ эмас, $Q < T$	Ҳаракатсиз

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳаракатчан итлар билан ишлашда аста-секин умумий чидамликка бардош қилиб, итни ўргатиб бориш керак. Масалан бир ҳолатда биринчи кун 3-5 секунд чидашни ўргатиш керак, бора-бора чидаш тормоз рефлексини оз-оздан ошириб режадаги чидаш нормасига етказиш керак. Тез ҳаракатчан итларни вақтида кўпроқ кучли механик усулда жиғига тегиш ҳаракатларини қўллаш лозим бўлади, бу ҳолда ит кераксиз ёмон қилиқларини камайтиради ва бора-бора йўқ қилади. Масалан “ёнида юриш”, “юриш тезлигини камайтириш”, “овқат ейишдан бош тортмоқ” каби буйруқларни оддий усулда жиғига тегиш ҳаракатида бу туркумдаги итлар бажармасликлари мумкин. Бу вақтларга ит бўйнига боғланган занжирни қаттиқ тортиб қўйиб юбориш керак ва бу усулни кўпроқ такрорлаб, шу буйруқни ит бажаришга ҳаракат қилиши керак.

Бу туркумдаги итлар электр ёруғлик нури, каттиқ овоз ва кутилмаган зарба каби ғашига таъсир этувчи овоз ва ҳаракатларга нисбатан чидамли ва кўп вақт давомида оғир ва қийин вазифаларни бажариш қобилиятига эгадир. Бундай итлар билан ишлашда ўргатиш жараёнида ниҳоятда эҳтиёткорлик ва кунт билан ишлаш лозим. Амалий машқларни жиддий, поғонама-поғона доимий равишда итга индивидуал ўткир малака билан ёндашиб ишласа ёки ўрганиб борилса энг яхши кутилган натижа беради. Агар ўргатувчи бу гуруҳдаги итларни бош асаб фаолиятларини назарга олмасдан катта куч талаб қилиб, тормоз жараёнига таъсир этаверса “невроз” хасталигига дуч бўлиб, ҳафта ва ой давомида бу хасталик зўрайиб кетиши мумкин. Бундай итлар фақат қидирув бўлимларида ишлатишга тавсия этилади. Ҳаддан ташқари ҳаракатчан итлар қидирув бўлим хизматига ҳам ўргатишга ярамайди. Асаб системаси жуда кучли, ҳаракатчан турдаги итлар кучли, мувозанатли ва яхши ҳаракатчан асаб системаси яхши ва тез ўрганувчан турдаги шартли рефлекс ижобий итлардир. Тормоз рефлекслари тез ишлаб чиқаради ва шу ҳолатда мустаҳкам сақланади.

Бу турдаги итлар ўргатилган вақтда ҳеч қандай қийинчиликсиз кўникма ҳосил қилади ва ҳар қандай кўнгилсиз, ўқувсиз қиликларни тезда йўқотадилар. Булар чидамли ҳидни сезувчан, ўргатиш жараёнида умумий қоиданинг бузилишида босқичма-босқич ўрганиш жараёнида қийинчиликлар юз берса итни ишлаш сифати пасаяди ва асаб системасида хасталик пайдо бўлади.

11. Асаб системаси жуда кучли, ўзи ялқов, ишёқмас (фаолиятсиз кам ҳаракат) турдаги итларни ўргатиш

Бу турдаги итларни ўргатишда уларни индивидуал хусусиятларини, кам ҳаракатчанлигини, асаб системаси кўтарилиши ва пасайиши, кескинлик билан тесқари ҳаракат сезгирлиги ва шу каби факторларини назарга олиб бу туркум итларга индивидуал ёндошиб ўргатиш керак.

Масалан бундай характердаги итларга ҳар бир буйруқ беришда орадаги интервал вақт кўпроқ бўлиши шарт, “фу” буйруғидан кейин бирданига “фас” ёки тескарисига, чунки бу буйруқлар бир-бирига тескари, бунда ит тезда буйруқни тушуниб олмайди. Ёки иккинчи “ўтир” буйруғи, сўнгра бирданига “ёт” ёки шуни тескарига берилган буйруқни бажара олмаслиги мумкин. Икки хил буйруқ ўртасида етарли даражада вақт бериш лозим. Бундай буйруқни секин бажарганлиги ёки бошқа камчиликлари учун итга яхши муносабатда бўлиш шарт, итга бақирмасдан, ўз асаб системасини бузмасдан оддий ҳолатда ўзини тутиши керак. Бу туркумдаги итлар буйруқни жуда секин бажарганликлари учун ўргатувчи ва унинг шогирди томонидан итга тазйиқ қилиб баданига уришлари оғир шикаст етказади. Натижада ит қўрқоқ ва пассивли бўлиб, ўргатувчиларга нисбатан ғазабланиб қарайди. Итлар хид сезиш қобилияти орқали жуда секин сезади. Бора-бора яхши сеза бошлагач шартли рефлекслар аниқ ва хатосиз ишлайди.

Флегматик турдаги итларни эпчил, чаққон, яхши малакали ўргатувчиларга бериш керак, шундагина итлар яхши ўрганиб, ўз вазифаларини тез ва хатосиз бажаришни мукамал ўрганади.

Асаб системаси кучли, кам ҳаракатли, кучиз, сезгиси паст итларни учратиш мумкин.

Бу турдаги итларни ўргатиш ҳаддан ташқари қийин. Бундай итлар одатдан ташқари ҳимоя қилиш учун, ички ишлар қидирув бўлим хизматлари, чегара бўлимлари ва қоровул постларида ишлаш учун кучсиз асаби бўш итлар бу вазифага нолойиқ ҳисобланади. Ҳар хил ёшдаги итлар ёшига, тарбияланиш шароитига ва тайёрланган даражасига асосан яшаш шароитлари тарбияланишлари тайёрланган даражасига қараб қабул қилиш мумкин. Шуларни ҳаммасини эътиборга олмасликнинг иложи йўқ. Аксинча уларни яхши даражада ўргатиб бўлмайди. Маълумки, қидирув (изидан ва ҳидидан излаб топиш) ва қоровуллик хизматларида малакаси яхши итларни ўргатиш учун мактабларда ва махсус йиғинларда аниқ ўқув услублари ва ўргатиш учун қоидалар бўлиши шарт. 10-12 та итлардан ташкил қилинган

кичик бир гуруҳда ҳам ҳар хил турдаги итлар учрайди. Булар орасида олий асаб фаолияти реакцияси ва бошқа бир қанча кўринишлари билан биридан фарқ қилади.

Уларни ёшлари ҳар хил бўлганлиги сабабли ўргатиш ҳам анча қийин, ёш итларни асаб системаси етарли тараққий этмаган, кўрқоқ бўлади 1-2 ёшли итлар кўпроқ ўргатишга олинади. Баъзан ёш ва катта ёшдаги итлар ҳам танлаб ўргатишга олинади. Ҳар хил ёшдаги итларга индивидуал ёндашиш керак, механик ҳаракатларни жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ишлатиш зарур. Баданини оғритиб, қўзғатувчи механик ҳаракатлар итларни пассив ҳимоя реакциясига ўтишга мажбур қилади. Ёш итлар тақлидий услубга тез ўрганадилар. Шунинг учун (тўсикдан ўтиш, жахлини чиқариш, аппортировка ва бошқалар) каби услубларни ўргатиш мумкин. Айниқса, ёш итларни кўп ҳаракатчанлигига кўпроқ эътибор бериш лозим. Ёш итларни чидамлилиқга ўргатиш ва малакасини оширишда жуда эҳтиёткорлик билан ўргатиб бориш керак. 2 ёшдан ошган итларни ўргатишда бир неча хусусиятларни ҳисобга олиш керак.

Бундай итларда ёмон, кераксиз, ёқимсиз рефлекслар маълум бир кўникмаларга ўргатишда қийинчиликлар келтириши мумкин.

12. Хизмат итларини ўргатишда қўлланиладиган

қўзғатувчиларни қўллаш.

Организм рецепторлари билан қабул қилинадиган ва олий асаб системаси билан жавоб қайтариш ҳаракатини чақирувчи ҳамма нарса қўзғатувчи деб аталади.

Ташқи қўзғатувчи атроф-муҳитдан пайдо бўлади, яъни ит организмнинг ташқи томонидан ва сезги аъзолари орқали таъсир қилади (қулоқ, кўз, бурун, сезиш ва таъм сезиш). Ҳар бир сезги аъзоси фақат белгили қўзғатувчиларни қабул қилади, масалан қулоқ товушли буйруқ, шовқин, шивирлаш, отилган товуш, кўзлар-ёруғлик, кўринадиган сигналлар (ишора, кийим, ёруғлик).

Ички қўзғатувчи ит организмида пайдо бўлади (асаб ихтиёрсиз ҳаракат, нервни импульс гормонлари) ва ички орган рецепторлари билан қабул қилинади.

Итлар ўргатилганда ички қўзғатувчини ҳисобга олган ҳолда ташқи қўзғатувчи ишлатилади.

Ўз табиати бўйича ва итларга таъсир этувчи усуллар бўйича қўзғатувчи қуйидагича бўлиши мумкин.

- механик (зарба, итни бўйнидан тортмоқ, укол)
- чироқ ёки кўринадиган (ишора, кийим шакли, хайвон кўриниши)
- товушли (буйруқ, хуштак, портлаш)
- электрли (электр токини ишлатиш)
- озиқ-овқат (овқат, ҳид, таъм)
- ҳидланувчи (одам изининг ҳиди, ҳаракат моддаларини ҳиди)

Машқлар давомида ўргатувчи итни асаб системасига шартли ва шартсиз қўзғатувчилар билан таъсир қилади. Ушбу қўзғатувчиларни тўғри ишлатиш учун уларнинг хуссиятларини ва қўлланилиш тартибини билиш керак.

Шартсиз рефлексни чақирадиган қўзғатувчи – ***шартсиз қўзғатувчи*** деб аталади. Шартли рефлексни чақирадиган қўзғатувчи эса – ***шартли қўзғатувчи*** деб аталади.

Буйруқ ва ишоралар асосий шартли қўзғатувчилар ва уларнинг асосида шартли рефлекслар ишлаб чиқарилади.

Буйруқ – мураккаб товушли шартли қўзғатувчи.

Механик қўзғатувчи

Булар навбатдаги турларда ишлатилади:

- итга тасма билан таъсир этиш (тортиш)
- яғрин (холка)га босиш, итнинг белига босиш
- итни қамчи билан уриш
- қаттиқ бўйинбоғ билан таъсир этиш
- итни силаш ва бошқалар

Ўргатувчининг механик қўзғатувчи ишлатишдан мақсади шуки, итни ишлар билан бутунлай ўзига бўйсундириш, ўргатувчи хоҳлаган амални итга қилдиради. Шунинг учун ўргатувчи итга таъсир қилганда ҳар доим ютувчи бўлиши шарт. Итдан талаб қилинадиган амални бажарилишига албатта эришиши шарт.

Ўргатувчининг ёрдамчиси ҳар доим “ютказувчи”, ит эса “ютувчи” бўлиши керак. Шундагина итда жасорат, агрессивлик уйғонади.

Озуқали қўзғатувчи

Ит ўргатишда озуқали қўзғатувчи билан таъсир этиш – гўшт, нон, қотган нон, шакар ва бошқаларни бериш ҳисобланади. Майда бўлинган гўшт, нон ва бошқа озуқалар ит учун мазали таом ҳисобланади ва рағбатлантириш мақсадида ишлатилади. Озуқали қўзғатувчини ишлатишда ит ўргатувчига итнинг овқатланиш рефлексини доим машқ давомида қўзғалган даражада ушлаб туришга ёрдам беради.

Шунинг учун бирон буйруққа итда мустаҳкам шартли рефлекс пайдо бўлиши учун овқат бўлаги ҳар замонда берилади. Озуқа рефлексини машғулот вақтида етарли даражада қўзғалиш ҳолида ушлаб туриш учун нафақат овқатни майда бўлақлар билан бериш керак, балки ит оч, ярим оч (чалатўқ) бўлиши керак. Шунинг учун машқларни овқатланишдан 3-4 соатдан кейин бошлаш керак.

Электр қўзғатувчи

Бу қўзғатувчилар айрим пайтларда, айниқса “бегоналардан озуқани рад этиш” ва “кераксиз ҳаракатларни ман этиш” кўникмаларини ишлаб чиқишда ишлатилади. Агар бошқа механик қўзғатувчилар (тасма ёки қамчи билан уриш) итга таъсир қилмаса, шунда электр қўзғатувчиларни машғулотларнинг бошлиғи (малакали инструктор) бошчилигида ишлатиш мумкин. Бунда электр ускунаси (дала телефон аппарати ёки шу аппаратнинг индуктори) ишлатилади.

13. Итларни ўргатишда қўлланиладиган шартли қўзғатувчилар

Ит ўргатишда шартли қўзғатувчилар деб, итда шартли рефлекс ишлаб чиқарадиган қўзғатувчига айтилади. Шартсиз қўзғатувчилар аксинча, шартли қўзғатувчилар узоқдан ва ит хизматдалигида бошқаришда фойдаланилади.

Ҳар битта шартли қўзғатувчилар итда белгили шартли рефлексни уйғотади, бу рефлекс ўргатувчи жараёнида ҳосил бўлади. Ит организмнинг рецепторлари билан қабул қилинадиган ҳар қандай қўзғатувчилар шартли қўзғатувчилар бўлиши мумкин.

Шартли қўзғатувчилар ҳар доим шартсиз қўзғатувчилар билан мустаҳкамланади, шунинг учун келажакда шартли қўзғатувчилар энди пайдо бўладиган шартсиз рефлексга сигнал бўлади.

Ит ўргатиш жараёнида шартли қўзғатувчилар пайдо бўлиб, узоқдан таъсир этувчи қўзғатувчилар ишлатилади (дистанцион қўзғатувчилар). Уларга буйруқлар, ишоралар, бошқа товушли ва нурли сигналлар ҳамда ҳидлар киради.

Буйруқ аниқ бир сўз товушли қўзғатувчиларга киради. У итни узоқдан бошқаришга ёрдам беради.

Ит ўргатишнинг бошида ит учун шартли рефлекс йўқлигида буйруқ ит учун шартли қўзғатувчилар эмас, балки бефарқ (индифферент) қўзғатувчилар бўлиб туради. Буйруқ товушли қўзғатувчилар бўлиб, итда фақат мўлжаллаш шартсиз рефлексини уйғотади (ит кулоқ солади, бошини буради, кулоғини қимирлатади ва бошқалар), лекин ўргатувчига керакли бошқа ҳаракатлар қилмайди. Шу пайтларда буйруқ фақат индифферент қўзғатувчилар бўлиб қолади.

Фақат белгили шароитларда буйруқ шартли қўзғатувчиларга айланади ва шундагина ит бу буйруқни аниқ ва белгили жавоб амалини қайтаради. Масалан, “ёнимга” буйруғи кўп маротаба айтилиб, ит бўйнидаги тасмасини тортганда ит ўргатувчининг ёнида юришга мажбур бўлгандагина шартли қўзғатувчига айланади. Кейинчалик итнинг бўйнидаги тасмани тортмаса ҳам

ит “ёнимга” деган буйруққа бўйсунди. Ўргатувчи бу масалани ит билан махсус машғулотда ўтайди.

Буйруқ бу мураккаб товушли қўзғатувчидир. Ҳар битта товушда учта қисм (элемент) ажратса бўлади:

- товушнинг баландлиги (паст товуш – бас, баланд товуш – тенор)
- товушнинг кучи (каттиқ, ўртача, кучсиз)
- товушнинг тембри (ҳар битта одамга ўзига хос товуш хусусиятлари)

Ит ўргатувчи битта буйруқни ҳар хил талаффуз билан бериши мумкин. Шунинг учун буйруқлар талаффуз бўйича бўлинади:

- оддий (буйруқли) етарли каттиқ даражада айтилади;
- кўрқитувчи (мажбурлайдиган) – кескин, жиддий оҳангда;
- мақтовли – эркалатиш оҳангида, сал чўзиб айтилади.

Ўргатиш жараёнида буйруқни ҳар хил талаффузда айтиш катта аҳамиятга эга. Маълумки, итларда таҳлил эшитиш қобилияти ҳаддан ташқари ривожланган, шунинг учун сўзларнинг талаффузи озгина ўзгарса ҳам ит уни сезади. Шунга ҳар хил талаффузга лойиқ итда шартли рефлекс пайдо бўлади ва ўргатувчига узоқдан итни аниқроқ бошқариш учун имкон яратади.

Буйруқлар калта бўлиши шарт, яъни бир неча ҳарфдан иборат бўлиши керак, масалан: “Изла” деб айтилади, “Излаб топ” эмас. Калта буйруқ аниқ ва кескин чиқади ва бу итда шартли рефлекс тезроқ пайдо бўлишига сабаб бўлади. Буйруқ аниқ, тушунарли ва ғайратли чиқиши керак, лекин бўш ва бир оҳангда эмас. Буйруқни бошқариш талаффузи билан итга мурожаат қилиш мумкин эмас, бу ҳолда итда кўрқув пайдо бўлади (пассив – ҳимояланиш рефлекси).

Ишора ит ўргатиш жараёнида кўрадиган қўзғатувчилар, ишора бу белгиланган қўл ҳаракатлари, баъзан ўргатувчининг бутун баданининг ҳаракати ҳисобланади.

Ишора билан итни бошқариш, ит хизмат қилиш вақтида шартли рефлексларни ишора билан уйғотиш учун керак. Ундан ташқари ишора

сигнал бўлиб, итга қайси жойни қидиришни кўрсатади, аппортировкани ва бошқа усулларни кўрсатади.

Ишора ва буйруқларни ҳамма мутахассислар бир хил (стандарт) ишлатиши керак.

14. Ит ўргатишда қўлланиладиган ҳид-шартли қўзғатувчилар

Итнинг энг ривожланган сезги аъзоларидан бири бу ҳид билиш бўлиб, у орқали ит ҳар хил ҳидларни ажрата олади.

Тирик организмлар (ўсимликлар, ҳайвонлар ва одам) ва ҳар хил минерал моддалар ҳид чиқарувчи моддалар деб ҳисобланади. Тирик организмлар ҳиди махсус турғунлик билан ажралиб туради (тер ҳиди ва ҳ.к.), ҳиднинг тарқалишига шамол катта таъсир қилади. Кийим изларида қоладиган одам ҳиди ит ўргатишда катта аҳамиятга эга. Ҳар битта одам фақат ўзига тегишли индивидуал ҳидга эга. Ўзига тегишли ҳиддан ташқари одамда вақтинча тасодифий ҳид бўлиши мумкин. Бу ҳидларга табак ҳиди, духи, совун, пойафзал кремлари ва касб ҳидлари (одам иш жараёнида қайси модда билан кўпроқ ишласа ўша модданинг ҳиди одамга уриб қолади) киради.

Шундай қилиб, одам ҳар хил ҳидлар йиғиндисининг намоёндаси бўлади. Бу ҳидларнинг йиғиндиси одамнинг умумий ҳидини ташкил этади.

Ўргатувчи – қўзғатувчилар комплекси (тўплами)

Ит ўргатиш жараёнида ит учун ўргатувчи атроф-муҳитдаги ҳамма қўзғатувчилар ичида энг асосий қўзғатувчи ҳисобланади. Хизмат итларини тайёрлашда шартли рефлекслар катта аҳамиятга эга. Ит ўргатувчи бир вақтда итнинг ҳамма сезги органларига таъсир этиши мумкин. Бу дегани ҳар хил шартли ва шартиз қўзғатувчилар ишлатиш демакдир.

Ит учун ўргатувчи – бу қўзғатувчилар тўпламидир. Комплекс қўзғатувчилар бир вақтда итнинг бир неча сезги органларига таъсир этиши мумкин

Ит ўргатувчи ўзининг ташқи кўриниши билан, бўйи билан, кийимининг шакли билан, ҳаракатларнинг сифати, товуши, чехраси ва ҳиди билан итга

таъсир этади. Ит ўргатиш жараёнида ит ўз ўргатувчисининг хусусиятларига ўрганиб қолади. Бу ўргатувчилар комплекси билан ит ўзининг эгасини бошқа бегона одамлардан ажрата олади. Бу қўзғатувчилар комплексига бир вақтда шартли рефлекслар итда пайдо бўлиши мумкин.

Лекин, қўзғатувчилар комплексига кираётган қўзғатувчиларнинг нисбий кучи катта аҳамиятга эга. Ит ўргатувчининг товуши, унинг ҳаракатлари ва индивидуал ҳиди катта аҳамиятга эга.

Ўргатувчи товушининг хусусиятларини (кучини, баландлигини, тембрини) ит тез ажрата олади (дифференсация), ит ўз ўргатувчиси билан яхши мулоқотда бўлса, фақат ўз эгасига бўйсунди. Ўргатувчининг хатти-ҳаракатлари шартсиз қўзғатувчиларни ишлатиш билан боғлиқ (тасмани тортиш, қамчи билан уриш, эркалаб сийпалаш, овқат бўлагини бериш ва бошқалар).

Ўргатувчи билан ит ўртасида алоқа ўрнатиш учун ўргатувчининг ҳиди катта аҳамиятга эга. Бу ҳидга итда мустаҳкам шартли рефлекс тарбияланади ва бу ҳидни бошқа ҳидларнинг ичида аниқ ажратади.

Шундай қилиб, ўргатувчи қўзғатувчилар комплекси (йиғиндиси) бўлиб, узоқдан ит устидан буйруқлар, ишоралар ва ўзини умумий ҳулқи билан бошқаришни таъминлайди.

Ўргатувчи ит учун бошқалар ичида энг кучли қўзғатувчи бўлиб қолиши керак. Ҳамма шароитларда ҳам ит ўргатувчи итдан ҳамма талабларни бажарилишига эришиш мажбур.

Ит ҳулқи устидан тўлиқ ҳокимликка, доим ит билан шуғулланадиган, итни парваришлаган ва овқатлантирган одам эришади.

Ит ўргатиш тажрибаси шуни кўрсатадики, шартли рефлекслар тезроқ ва мустаҳкамроқ комплекс қўзғатувчиларга пайдо бўлади. Ҳар битта ўргатувчи итга бир вақтда бир неча қўзғатувчилар билан таъсир этишга ҳаракат қилиши керак. Масалан, бир вақтда буйруқ билан ишора берилганда. Итлар талабни сигналлар алоҳида берилгандан кўра аниқ бажарадилар.

Ўргатувчининг ёрдамчиси ҳам комплекс қўзғатувчилар бўлиб, бошқа вазифани бажарса ҳам, ит ўргатишда катта аҳамиятга эга.

Ит ўргатишда комплекс қўзғатувчилар ҳам шартли, ҳам шартсиз қўзғатувчилар бўлиб ишлатилиши мумкин. Ҳам у, ҳам бу ҳоллардан алоҳида қўзғатувчиларга нисбатан комплекс қўзғатувчилар итга катта таъсир кўрсатади.

15. Ит ўргатишда ишлатиладиган қўзғатувчиларнинг нисбий кучларнинг аҳамияти

Ит ўргатишда ишлатиладиган шартли ва шартсиз қўзғатувчиларнинг нисбий кучини ҳисобга олиш бирдан бир шарт ҳисобланади.

Биринчидан, шартли ва шартсиз қўзғатувчилар етарли даражада кучли бўлиши керак. Ит ўргатиш тажрибаси шуни кўрсатадики, кучли қўзғатувчилар аниқ ва тез шартли рефлекслар барпо қилади, кучсиз қўзғатувчилар – секин ва ноаниқ бўлади.

Иккинчидан, шартсиз қўзғатувчиларнинг кучи шартли қўзғатувчиларнинг кучидан кўпроқ бўлиши керак. Шунинг учун ит ўргатишда шартсиз қўзғатувчилар қилиб кўпроқ ташқи қўзғатувчилар итнинг организмига таъсир этувчи қўзғатувчилар ишлатилади. Бу ҳолатда шартли рефлекслар тезроқ ишлаб чиқарилади ва тескарисига, қачонки шартли қўзғатувчиларнинг кучи шартсиз қўзғатувчиларнинг кучидан кўпроқ бўлса. Шартли рефлекс пайдо бўлиши жуда қийин бўлади. Қўзғатувчилардан фойдаланилаётганда ҳар доим итнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак: олий асаб фаолиятининг тури, устун реакцияси, ёши, тайёрланган даражаси ва бошқалар.

Ҳаддан ташқари кучли қўзғатувчилар исталмаган реакцияларни пайдо қилиши мумкин: қўрқоқлик, агрессивлик, умумий ёки қисман тормозланиш ва ҳатто асабнинг касалланиши (невроз).

Ўргатувчига қўйиладиган талаблар

Ит ўргатишнинг муваффақияти ўргатувчининг итга таъсир қила билишига боғлиқ, бу ўргатувчи сифатида тайёргарлик даражаси ва унга бириктирилган итга муносабатига боғлиқ.

Авваламбор ўргатувчи ўз ишини яхши кўриб, қизиқиши керак.

Ҳар қайси ўргатувчи оғир-босиқ, жасоратли, зийрак, журъатли, ўзига ва итга нисбатан талабчан, мақсадига етишда қайтмас ва чидамли бўлиши лозим.

Ўз ишини бошлашдан аввал ўргатувчи назарий жиҳатдан зарур билимларни мукаммал ўзлаштириши керак.

Методик ва техник тажрибаси ит билан амалий ишлар жараёнида эгалланади.

Ит ўргатишда ўргатувчи доим ўз итини хулқининг хусусиятларини ўрганиб бориши керак. Ўргатувчи ит билан бўладиган мулоқотда ўзининг ҳаракатларини олдиндан ўйлаб қўйиши керак ва ишида изчил бўлиши керак. Итда бирон шартли рефлексни ишлаб чиқариш учун таъсирни ўтказишни ва қайси изчилликда бу усулни кўришни режалаштириб қўйиши керак.

Бутун амалий машғулотлар давомида ўргатувчи итнинг ишга бўлган қизиқувчанлигини асраб қолиши керак, бу дегани ўргатувчининг ҳамма таъсирларига ит фаол жавоб қайтариши лозим бўлган бир ҳолат.

Ит ўргатиш пайтида ўргатувчи асабланмаслиги керак. Ўзининг шахсий хафагарчиликларини итга ўтказиш мумкин эмас. Ит ўргатишдаги камчиликларига ҳам хафа бўлиш керак эмас. Бу камчиликларни вақтида бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

16. Ит ўргатишда ёрдамчининг аҳамияти ва унга қўйиладиган талаблар.

Ит ўргатишда ўргатувчига ёрдамчи асосан итда жахлдорлик, из топиш ишларида бирон нарса орқали ўша нарсанинг эгасини топиш, бирон жойни излаб чиқиш усуллариини ўргатади, итга комплексли таъсирлар ўтказади ва шу билан итда хизмат учун керакли жавоб реакцияларини уйғотади.

Ёрдамчининг вазифасини бажараётган одам эпчил, жасур, зийрак бўлиши ва итдан қўрқмаслиги керак. Иложи бўлса ит ўргатиш ишини биладиган одамни ёрдамчи қилиб олиш керак.

Ит билан ишлашдан олдин ёрдамчи ит хулқининг хусусиятлари билан танишиб чиқиб ва шунга қараб ўз ҳаракатининг режаларини тузиб олиши керак ва ўз йўлида ўргатувчи ёрдамчига ёлланма бериши керак, унга аниқ топшириқларни навбати билан бериши ва шартли сигналлар ёрдамида итга билдирмаган ҳолда бошқариш керак. Ёрдамчи сифатида ҳар сафар янги, нотаниш одамни ёллаш керак.

Чалғитувчи қўзғатувчилар ва уларнинг характеристикаси.

Итни ҳар доимги нормал ишидан чалғитувчи меъёр хулқидан оғиштирувчи кучли ва ғайри табиий қўзғатувчилар **чалғитувчи қўзғатувчилар** деб аталади.

Бегона қўзғатувчиларнинг таъсирида итнинг бош мия қобиғида тегишли марказлар қўзғалади, шартли рефлексларнинг пайдо бўлишига жавобгар мускуллари тормозланади ҳамда ўргатувчисининг буйруғи ва ишораларига ҳаракат билдирмайди яъни бунда ит чалғийди.

Чалғитувчи қўзғатувчилар ўз келиб чиқиши билан ички ва ташқи бўлиши мумкин.

Ит организмнинг ўзида пайдо бўладиган ички чалғитувчи қўзғатувчилар шартли рефлексларни тормозланишга, буйруқ ва ишораларни бажаришга ҳалақит берадиган қўзғатувчилар ички чалғитувчи қўзғатувчилар деб ҳисобланади. Булардан ит организмида бирон касаллик бўлса, оч ёки чанқаган бўлса, қовуқ ёки йўғон ичак тўла бўлса, ит ўзи ёки унинг асаби чарчаган бўлса ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин.

Ташқи чалғитувчи қўзғатувчилар деб, ташқи муҳитдан таъсир этувчи ва итларда шартли рефлексларнинг пайдо бўлишига ҳалақит берувчи қўзғатувчиларга айтилади. Бу қўзғатувчиларга кўпроқ ёввойи ва уй ҳайвонлари, қушлар, ҳар хил баланд товушлар, шовқинлар, автомобиль ҳаракати ва бошқалар киради.

IX. Ит ўргатишда ташқи ва ички омилларнинг аҳамияти

Ит ўргатиш ва хизмат итларининг иши атроф-муҳит шароитларидан ажралмас ҳолда ўтади.

Хизмат итлари ишлайдиган шароит доим ўзгаради ва доим итларга ҳар хил ташқи қўзғатувчилар билан таъсир этади ва бу таъсир итнинг хулқини ўзгартиради.

Шу билан биргаликда организм хужайраларида, органларида ва умуман организмда ўтаётган физико-кимёвий жараёнлар бутун организм ҳолатини функционал ўзгарувчанлигига сабаб бўлади ва шу билан итнинг хулқига ҳам таъсир этади. Лекин, бу ташқи ва ички ўзгаришлар номаъқул оғирлашувчи омиллар ва итларнинг ишини қийинлаштирувчи омиллар дейиш шарт эмас. Тескарисига, ит ўргатишда ёрдам берувчи, итларнинг ишини енгиллаштирувчи факторлар ҳам бор. Шунинг учун қайси шароитлар қийинлаштиради ва қайсилари итларнинг ишини енгиллаштиришини билиш керак.

1. Устунлик қилувчи реакцияларнинг тавсифи.

Итларнинг индивидуал хусусиятлари уларда у ёки бу устунликларга эга бўлган реакцияларни ҳосил қилиш имкониятларини яратади.

Устунлик қилувчи реакциялар деганда, итларга у ёки бу қўзғатувчиларнинг таъсир қилишида ҳайвоннинг аниқ намоён бўлган ҳамда унинг жавоб ҳатти-ҳаракатларидаги устунликлар тушунилади.

Катта ёшли итларда устунлик қилувчи реакцияларнинг 5 та асосий шакллари қайд этилиши қабул қилинган:

1. Фаол шаклдаги ҳимояланувчи;
2. Сушт шаклдаги ҳимояланувчи;
3. Озуқавий;
4. Мўлжал олувчи;

5. Жинсий - унинг устунлик қилиши қанжиқларда куйикиш даврида, кўппакларда эса яқин орада куйикаётган қанжиқ бўлган пайтларда рўй беради.

Итларнинг индивидуал хусусиятларидан ташқари устунлик қилиш реакциясини ҳосил қилишда ҳайвон парвариш қилинаётган шарт-шароитлар катта аҳамият касб этади. Масалан, ит болалари дўқ уриш ва тепкилаш (хўрлаш) шароитларида тарбияланса, уларда суст шаклланувчи химояланувчи реакция ҳосил қилинади. Агарда тарбиялаш шароитлари ўзгартирилмаса, ит болаларига сингдирилган кўрқоқлик ҳисси бир умрга сақланиб қолади. Шароитларнинг ўзгартирилиши билан устунлик қилувчи реакциялар хусусиятлари ҳам ўзгариши мумкин.

Итлардаги устунлик қилувчи реакциялар характерини билган ҳолда ит ўргатувчисининг жониворларда у ёки бу шартли рефлексларни ҳосил қилиши осон кечади. Итлардаги устунлик қилувчи реакцияси тавсифини аниқлашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Энг кўп тарқалган усул қуйидаги: ит ўргатувчиси махсус хизмат бўлими бошлиғи билан синаш вақти (энг қулайи эрталаб) ва жойини белгилайди ҳамда иккита ёрдамчи тайинлайди. Тегишли йўриқнома берилганидан кейин махсус хизмат бўлими бошлиғи ўз ёрдамчилари билан биргаликда белгиланган тадқиқот синаш? ўтказиш жойига боради ва бирор пана ерга (пичан ғарами, тигиз буталар, тепалик ва бошқалар ортига) яшириниб олади. 10-12 дақиқалардан кейин ит ўргатувчиси ўргатилаётган ит билан келади ва ҳайвонни дарахт ёки ерга кўмилган тўсинга боғлаб қўяди ҳамда ит ёнига овқат солинган идишни қолдириб, ўзи пана жойга бориб яширинади.

Ит ўзини янги жойга мослашиб, овқат ейишга киришган пайтда ёрдамчилардан бири пана жойдан чиқади ва итга 4-6 метр яқин бўлган жойдан ўтиб, иккинчи бир пана жойга бориб туради. Сўнг қўлига хивич ушлаб олган иккинчи ёрдамчи пана жойдан чиқиб келади ва итга фаол ҳужум қилиб, овқат солинган идишни тортиб олиш ҳаракатига тушади. Бу каби уринишларни икки-уч маротаба қайтарган ёрдамчи пана жойга бориб туради.

Бу тадқиқот натижасида устунлик қилиш реакциясининг қуйидаги асосий белгиларни аниқлаш мумкин:

1. Ит ўргатувчисининг пана жойга яширинишидан сўнг ит ўзи учун бегона бўлган янги жой шароитига тез мослашиб, овқат ейишга киришади. Биринчи ёрдамчининг ит ёнидан ўтишини фаол равишда вовиллаш билан кузатиб қолади. Иккинчи ёрдамчининг ҳамла қилишига жавобан ит ҳам фаол хужумга ўтади ва дарғазаб ҳолда вовиллайди. Бу – фаол шаклдаги химояланиш реакциясидир.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, иккинчи ёрдамчи итга ҳамла қилганда, ҳайвон унга дарғазаб вовиллаб ташланиши ва бир вақтнинг ўзида овқатни ўқтин-ўқтин оғзига олиши ва ейиши мумкин. Бу эса – озуқавий билан биргаликда келган фаол химояланиш реакцияси.

2. Ит ўргатувчиси пана жойга кетиши билан ит атрофга ҳадиксираган ҳолда назар ташлай бошлайди ва ўқтин-ўқтин увлаб, овқатдан тановвул қилади. Биринчи ёрдамчининг ўтиши билан ит овқатланишдан тўхтаб, ҳадик аралаш теварак атрофга қарайди. Иккинчи ёрдамчи яқинлашганда эса, ўзини ён томонга ташлаб, думини оёқлари орасига қисган ҳолда жуфтакни ростлаб қолиш ҳаракатига тушади. Иккинчи ёрдамчи узоқлаша бошласада, ит ён атрофга кўрқинч аралаш назар ташлашда давом этади. Бу – суст шаклдаги химояланиш реакцияси.

3. Ўргатувчининг узоқлашиши ҳамон ҳайвон тезкорлик билан идишга яқинлашиб, овқатни қизғаниш аралаш ейишга тушади. Биринчи ёрдамчининг яқинлишиши билан овқатланиш суръати тезлашиб, ёнидан ўтгувчини нигоҳи орқали кузатиб қолади. Иккинчи ёрдамчининг ҳамлага жавобан ит кескин ириллаб, идишдан ажралмаган ҳолда овқатланишда қизғин давом этади. Ёрдамчи идишни тортиб олишга ҳаракат қилганда эса ит дарғазаб ириллаб панжалари билан овқат солинган идишни ҳамла қилувчидан узоқлаштиришга киришади. Иккинчи ёрдамчининг қораси ўчиши билан ит овқатланишда давом этади. Бу – озуқавий реакциянинг устунлик белгисидир.

Итларни ўргатишда ҳамда қоровуллик, соқчилик, кўриқчилик, чўпонлик ва қидирув хизматларини ўташи учун энг яхши ит сифатида фаол

шаклдаги ҳимояланиш реакциясига эга бўлган, яъни вазмин ва баджаҳл итлар ҳисобланишади.

Озуқавий реакция белгиларига эга бўлган итларни ўргатиш жараёнида озиқ-овқатлар билан таъсир этиб, шартли рефлексларни осонлик билан шакллантириш мумкин. Аммо бу каби итларда ердан ёки бегона кимсаларнинг қўлидан озуқа олишдан ўзини тийиш усулини ўргатиш жуда мушкул бўлади.

Суст ҳимояланиш реакциясига эга бўлган итлар ўзига алоҳида индивидуал ёндашишни талаб этади. Ўзида суст ҳимояланиш реакциясини намоён қиладиган итларни заиф типли нерв фаолиятига ажратиш қабул қилинган. Бундай итларни ўргатишнинг иложиси бўлмасдан улар айрим хизмат турларини ўташ учун ярамайди деб ҳисобланади. Аммо академик И.П. Павлов бу каби қарашларнинг нотўғри эканлигини лаборатория усулида исбот қилган.

Академик И.П. Павлов номидаги Эволюцион физиология ва патология институтида ўтказилган тадқиқотлар қуйидаги натижаларни берган: 35 нафар суст ҳимояланиш реакциясига эга бўлган итларнинг 16 таси заиф типлиларга, 19 нафари эса кучли типга мансуб эканлиги маълум бўлган. Бинобарин, суст ҳимояланиш реакцияси, бироқ кучли нерв системасига эга бўлган итлардан, уларга машқ вақтида тўғри ёндошилганда яхшигина хизмат итларини тарбиялаш мумкин бўлади. Бундай итларда нафақат умумий-инстинктив, даврий буйруқларга шартли рефлексларни ҳосил қилиш, балки машқ қилдириш йўли билан олий нерв фаолияти негизида ётган нерв системасининг асосий жараёнларини ва ҳайвоннинг типологик хусусиятларини яхшилаш назарда тутилади.

2. Ит ўргатувчининг роли ва унинг ҳатолари.

Хизмат турларининг кўп қирраллиги (қоровуллик, соқчилик, қидирув, санитар ва бошқ.) итлардан саломатлик ва муносиб тайёргарликни талаб этади. Бундан ташқари, ит ўргатувчиси берган оғзаки буйруқлар ва ўргатиш

узуллариинг тўғри тузилиши, тип хусусиятлариинг аҳамиятлари ва бошқаларга қаттиқ риоя қилиш лозим.

Ит ўргатувчилар томонидан йўл қўйиладиган хато ва нуқсонлар нафақат ўргатилаётган итларнинг хизмат кўрсатиш сифатини пасайтиради, балки уни бутунлай издан чиқариши ҳам мумкин.

Амалиётда ўргатувчи томонидан тез-тез йўл қўйиладиган нуқсонлар:

1. Ит ўргатувчининг “ўтир!” деган буйруғини ит бажаришдан бош тортиши мумкин қачонки, шартли қўзғатувчи (овоз билан бериладиган буйруқ, тест) га нисбатан шартсиз қўзғатувчи, яъни ўтириш вақтида итнинг белидан қўл билан пастга босиш ҳаракати олдинроқ юз берса ва шу кабилар.

2. Ўргатилаётган итларда у ёки бу усулни кўп маротаба ва узлуксиз такрорлаш.

3. Агарда итга бажариш мумкин бўлмаган талаблар қўйилса, ҳайвон иш жараёнидан бутунлай бош тартади.

4. Мажбурий ва тақиқловчи талабларни нотўғри қўлланганда итлар сусткаш ва камҳаракат бўлиб қолади.

5. Итларнинг тип хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, ит ўргатувчиси ҳайвонни мажбурлаш ва тақиқлаш жараёнида ит тизгинидан кучли тортиш, силташ ва бошқа қўзғатувчиларни қўллаши натижасида жониворда кўрқоқлик ҳисси ўйғонади ёки у иш жараёнидан бутунлай бош тартади.

6. Овоз ва кўриш қўзғатувчилари (овоз чиқариб ва қўл билан кўрсатиб бериладиган буйруқлар)нинг бир хиллиги бузилганлиги ва буйруқ бериш жараёни аниқ ижро этилмаганлиги ҳайвон томонидан буйруқнинг бажарилмаслигига олиб келинади.

7. Итнинг жисмоний имкониятлари ва саломатлигини ҳисобга олмаган ҳолда, жонивор мажбурланганда ва ёки унга нисбатан дағал муносабатда бўлинганда ҳайвон буйруқни бажаришдан бутунлай бош тартади.

8. Буйруқларнинг аниқ ижро этилмаслиги ёки уларни маънодош ва ҳамоҳанг сўзларга алмаштириш натижасида.

9. Итга нисбатан ғамхўр ва эътиборли бўлмаслик оқибатида ит ўргатувчиси жониворнинг панжаларини ноҳосдан босиб олса ёки машқ жараёнида усулларни бажариш вақтида ит тасмаси билан ҳайвоннинг бошига урса, унга кучли оғриқ етказиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ҳайвонда кўрқоқлик ёки ит ўргатувчисига нисбатан ишончсизлик ҳиссини уйғотади, яъни итни тўғри ўргатишга салбий таъсир этадиган ноўрин ҳаракатларнинг вужудга келишини чақиради.

10. Ит ҳали буйруқни бажармасидан туриб, уни рағбатлантириш мутлақо мумкин эмас! Масалан, “ёт!” деган буйруқ берилса-ю, аммо ит ўтирса, ит ўргатувчи ҳайвонга бирон-бир ширинлик ҳадя этмаслиги лозим. Агарда бу пайтда итга ширинлик берилса, у ҳолда бундай ҳаракат итда “ёт!” буйруғига нисбатан шартли рефлекснинг нотўғри шаклланишига олиб келади. Итдан берилган буйруққа нисбатан усулни бажаришни дўқ урган ҳолда қайта буйруқ бериб мустаҳкамлаб бориш лозим бўлади. Агар ит уни бажармаса, ит ўргатувчиси бевосита бошқа бир усулни қўллаши, яъни итнинг яғринидан пастга босган ҳолда, жониворни талаб этилган буйруқни ижро этишга мажбур этиш керак.

11. Аниқ, ишлаб чиқилган буйруқларни бошқа бир ўйлаб топилган буйруқларга алмаштирмаслик, масалан “ёт!” деган буйруқ ўрнига “узала туш!” ёки “ёнимга!” деган буйруқ ўрнига “бу ёққа кел!” буйруқларини қўллаш тавсия этилмайди.

Итларни ўргатиш жараёнида тажрибасиз ўргатувчилар томонидан йўл қўйиладиган хатолар услубий ёки техник турларга ажратилади.

Услубий хатолар:

а) итларни ўргатиш системасини ёки алоҳида усулларини нотўғри тузиш;

б) у ёки бу усуллар талабини ит томонидан бажармаслик сабабларини тўғри таҳлил қилмаслик ва уларни бартараф этиш учун муҳим қарор қабул қилинмаслиги;

в) итларнинг олий нерв фаолияти тип хусусиятларини билмаслик ва бундан келиб чиққан ҳолда, унинг ёқимсиз ҳаракатларини ўз вақтида бартараф этишни эплай олмаслик.

Ит ўргатувчисининг нотўғри хатти-ҳаракатлари итда ёқимсиз муносабатларнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкин. Масалан, ит бирон-бир молни тўдага қўшиш учун ҳайдаб бораётган бир пайтда анча кучлироқ бўлган қўзғатувчи, яъни буталар орасидан отилиб чиққан товушқон изидан қувлаб кетиши. Ит ўргатувчиси “фу!” буйруғини берар экан, бир вақтнинг ўзида “ёнимга!” деган буйруқни ҳам беҳосдан айтиб юборади. Ит ўргатувчининг олдига чопиб келади ва у жониворни рағбатлантиради. Бу пайтда тақиқловчи буйруқ “фу!” гўёки “ёнимга!” деган буйруқ билан уйғунлашиб кетгандай туюлади. Худди шу жуфтликда мазкур буйруқлар бир неча маротаба такрорланса, “фу!” буйруғи жонивор учун “ёнимга!” буйруғининг аҳамиятини касб этади ва бунинг натижасида тақиқловчи “фу!” буйруғи берилганда ит ўз хўжайини олдига югуриб келадиган бўлиб қолади. Ҳайвон у ёки бу буйруқни икки маротаба бажарганидан кейин учинчи марта айнан шу буйруқни бажаришдан бош тортиши каби ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

д) итларда ноўрин хатти-ҳаракатларни бартараф этишда уларни ҳаддан ташқари кучли силташ ҳамда “фу!” буйруғини ортиғидан кўпроқ қўллаш итларнинг чўчиб қолишига олиб келади.

Оғриқли қўзғатувчи билан уйғунлашмаган “фу!” буйруғи ҳайвонда шартли тормозланишнинг сўнишини вужудга келтиради. “Фу!” буйруғини ҳаддан зиёд кўп ишлатиш итларда реакциянинг сусайишига олиб келади. Бу буйруқ оғриқли қўзғатувчи билан ҳамоҳанг қўлланган ҳолда ва зарурат туғилган пайтлардагина қўлланиши мумкин.

е) итда “ёнимда” буйруғига нисбатан шартли рефлексни шакллантиришда жониворни узун арқонда етаклаб юриш тавсия этилмайди, чунки бу ҳол итда фақатгина узун арқонда юриш шартли рефлексини ҳосил бўлишига олиб келади. Биргаликда ёнма-ён ҳаракат қилинганда, итнинг

панжаларини ноҳосдан босиб олиш ҳайвонда оғриққа шартли алоқадорликнинг ҳосил бўлишини ва кейинчалик “ёнимда” деган буйруқ унда оғриқ ҳосил бўлишини кутишига ва ўргатувчининг ёнида юришга ҳадиксирашига олиб келади.

ж) “Эркин!” буйруғига нисбатан усулларни ишлаб чиқишда ит ўргатувчиси секинлик ва сусткашлик билан ҳаракат қилса, бу ҳам ўз навбатида ҳайвонда сусткашликни уйғотиб, унинг ўзини тутиши ва буйруқларни ижро этишида ўз аксини топмасдан қолмайди. Буйруқнинг аниқ ижро этилмаслиги эса, ҳайвонда шартли рефлексларнинг жадаллик билан шаклланишига тўсқинлик қилади ва шунингдек, ундаги интизомнинг пасайишига олиб келади.

Х. Итларни ўргатишнинг айрим усуллари

1. Итни ўтиришига ўргатиш.

Итларни ўтиртириш уларни махсус тайёрлаш учун ишлатиладиган усуллардан бири бўлиб ҳисобланади.

“Ўтир” деган буйруқ ит ўргатувчисининг ёнида ёки ундан ҳар хил узоқликда бўлганда ҳам бажарилиши мумкин. Узоқроқ масофада бўлганда “Ўтир” деган буйруқ ўнг қўлнинг ҳаракати билан бажарилади. Қўл билан ҳаракат қилиб итни ўтиртириш, овоз беришнинг иложиси бўлмаганда амалга оширилади, масалан: ҳарбий машқ пайтида, шамол ёки ёмғир ёғган пайтда.

Шартли қўзғатувчи: “Ўтир” буйруғи берилади ҳамда ўнг қўл пастдан юқорига ва олдинга, елкадан бироз юқорироқ кўтарилади, бунда кафт юзаси ит томонига қаратилади.

Шартсиз қўзғатувчи: бўйин тасмасини юқорига силташ билан итнинг бел ва думғаза қисмига босиш, ширинлик бериш.

“Ўтир” буйруғини бажариш ўргатишнинг 5-6 кунидан бошлаб бажариш керак.

Ўргатиш усули ва техникаси.

Ўтиртириш асосан контраст усул ёрдамида бажарилади, айрим пайтларда ширинлик билан сийлаш усули ҳам қўлланилиши мумкин. билан

амалга ошириладиган. “Ўтир” буйруғига бирламчи шартли рефлексни ишлаб чиқиш машғулотлари оsonлаштирилган шароитда ўтказилади. Контраст (карама-қарши) усулда у қуйидагича бажарилади. Ўргатувчи чап оёғи олдида турган итга бурилиб, ўнг қўли билан бўйнидаги тасмани ушлайди, чап қўлининг кафтини эса итнинг бел-сағрин қисмига қўйиб босишга тайёр туради. Шундан сўнг “Ўтир” деган буйруқни бериб тасмани юқорига ва орқага тортади ҳамда итнинг бел-сағри қисмига босади (27-расм). Ит ўтиргандан кейин ўргатувчи “Ўтир”, “яхши” деган буйруқни юмшоқ товуш билан бериб, уни ўтирган ҳолатда ушлаб туриб, сийпалаб ширинлик беради. Шундай ҳолатда итни 5-10 сония ушлаб туриб, сўнг эркин ҳаракатга ижозат берилади. 2-3 дақиқадан кейин бу ҳаракат яна қайтарилади.

Агарда ит “Ўтир” деган буйруққа асосан ўтириб, шу ҳолатда 10-15 сония қолса ва ўргатувчи ундан икки кадам узоқлашганда жойидан силжимаса, бирламчи шартли рефлекс ўзлаштирилган деб ҳисобланади.



27 – расм. Итни ўтқизиш.

Шундан сўнг қўл ҳаракати билан имо-ишора шартли рефлекси ишлаб чиқилади ва шу билан биргаликда буйруқ ва имо-ишора шартли рефлекси беркитилиши такомиллаштирилади.

Имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқиш машки итни ётқизиш билан параллел олиб борилади. Ит ётган ҳолатда жойлашган бўлади.

Ўргатувчи ит бўйинбоғининг ҳалқасини пастга қаратиб итнинг олдинги тарафидан икки қадам нарида туради, сўнг тасмани чап қўлга олиб секин тортади. Кейин ўнг қўлини пастдан юқорига ҳаракатлантириб тасмага уради ва шу пайт “ўтир” деган буйруқни беради. Ўнг қўлнинг ҳаракати ўргатувчининг боши билан баравар баландликда тўхтатилади. Бир дақиқа ушланиб қўл тирсакда букилади, пастга тушурилади ва кафт ўзига тортилади. Ўргатувчи ўнг қўлни тушириб олдинга бир қадам қўйиб ширинликни беради ва “яхши” деган сўзни айтади. Ит бир неча вақт ўтирган ҳолатда ушланиб, сўнгра сайр қилинади.

Ит ётган ҳолатидан ўтириш ҳолатига ўтишига тўғри эришмоқ зарур. Агар ит орқа оёқларини силжитмасдан ўтириб, олдинги оёқларини тагига тортса, итнинг ҳаракати тўғри деб ҳисобланади.

Имо-ишора шартли рефлeksi ишлаб чиқилгандан кейин, машқлар сифати мураккаблаштирилади:

- Итни ўтирган ҳолатда сақлаш вақти узайтиририлади;
- Ўргатувчи ва ит орасидаги масофа узоқлаштирилади;
- Итни ҳар хил ҳолатдан ўтиришга мажбур қилинади, яъни бу усулнинг бажарилиши бошқа усуллар билан биргаликда олиб борилади.

Ўргатувчи итда сабр-тоқатни тарбиялаш учун уни имо-ишора ёки буйруқ билан ўтиртириб, аста-секинлик билан узоқлашади ва ит жойидан қимирламаслиги учун унга “ўтир”, “яхши”, деган буйруқларни бериб туради. Агарда ит жойидан қимирласа, ўргатувчи “ўтир” деган буйруқни дўк оҳангида бериб уни яна олдинги жойига ўтқазади. Ўргатишнинг бошланиш даврида итнинг 15-20 сония сабр-тоқат қилиши етарли бўлади, шундан сўнг итга ширинлик бериб ҳаракатини тақдирлаб бошқа машқга ўтиш лозим (ётқизиш, апортировка, буюмни олиб келиш).

Сабр-тоқатликни тарбиялаш билан бир вақтда ўргатувчи ит билан орасидаги масофани узоқлаштириши керак. Бошида ўргатувчи итни кузатиб туриш учун ундан тисарилиб узоқлашиши лозим (юзи итга қаратилган

холда). Агарда ит жойидан қимирласа, уни дархол жойига қайтариб “жойинг” деган буйрукни дўқ оҳангида бериб яна ўтқизиш керак. Кейинчалик итдан узоқлашиш масофасини ўзгартириш лозим. Яъни ит ўргатувчининг ёнида ёки узоқ масофада бўлганда ҳам имо-ишора, буйрук билан уни ётган ёки турган ҳолатида ўтқизиш лозим.

Ўтқизиш машқи ит эркин сайр қилганда, ўргатувчининг ёнида турганда, ёки у чақирганда ва бошқа ҳолатларда бажарилади. Машқларнинг охириги даврида ит “ўтир” буйруғини ёки ишорани ҳар қандай вазиятда, бўйин товламасдан бажариши лозим. Кейинчалик ит ўтириш буйруғини махсус дрессировка (ўргатиш) пайтида, беками-куст ва бўйин товламасдан бажаришини таъминлаш лозим. Агар ит ҳар хил шароитда бўйин товламасдан бирламчи сигналдан ўтирса ёки ўргатувчидан 25-30 м масофада бўлганда ҳам буни бажарса ва шу ҳолатда 5 дақиқа турса, кўникма ҳосил бўлган деб ҳисобланади.

Ўргатиш жараёнида мумкин бўлган қониқарсиз ҳолатлар:

1. Шартсиз қитиқловчини ишлатмасдан кўп марта “ўтир” буйруғини такрорлаш, чунки бунинг натижасида итда шартли рефлекс кеч ҳосил бўлади.

2. Итни ўтирган ҳолатдан тез -тез чақириб туриш, шу ҳолатда кераклича ушлаб турмасдан эркинлик бериш натижасида ит кейинчалик жойидан рухсатсиз силжийдиган бўлади.

3. Чап қўл билан бел қисмига нотўғри босиш. Бундай ҳолатда ит бирданига ўтирмайди ва қаршилиқ кўрсатади.

4. Итга нисбатан талабчан бўлмаслик, ўргатувчи ит сағрисини бирор бир тарафга оғишини ёки орқа оёғини олдинга ўтқазишини тўғриламаслик.

2. Итни ётишига ўргатиш.

Ит ётқизиш усулини бажариши маскировка мақсадида ёки от устида махсус эгарда транспортировка қилиш учун керак.

Шартли қўзғатувчилар: “Ёт” деган оғзаки буйрук ва елка чизигидан озроқ юқориорқдан ва олдинга узатилган ўнг қўлнинг кескин туширилиши.

Шартсиз кўзғатувчилар: ит яғринига босиш, олдинги оёқларини олдинга тортиш билан биргаликда, тасмани силташ, ширинлик бериш.

Шартли рефлекслар пассив ҳимояланиш ва овқат реакциясига қарши ишлаб чиқилади. Ётқизишни, “ўтир” деган буйруқнинг шартли рефлексини ишлаб чиқилгандан кейин бажариш мумкин.

Ўргатиш усули ва техникаси.

Итни ётқизиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

а) “силташ”, “чалиш” – ит иккала олдинги оёғини олдинга чўзиши учун уларнинг орқа тарафидан секин олдинга қаратиб уриш билан бирга яғринга босиш;

б) иккала оёғини олдинга тортиб яғринга босиш.

в) бўйин тасмасини пастга ва олдинга тортиб яғринга босиш.

г) ширинликни қўллаш: ўнг қўлдаги ширинликни итга кўрсатиб, қўлни ширинлик билан олдинга ва пастга ҳаракатлантириб “ёт” деган буйруқни қайтариш.

Охирги иккита усулни, оёқларга қўлни тегизишга қўймайдиган, ҳаддан ташқари жахлдор итларни ўргатишда қўлланилади.

Биринчи ва иккинчи усулларда машқлар қуйидагича олиб борилади:

Ўргатувчи итни чап оёғи олдига ўтқизиб, унга қараб юзи билан бурилади ва ёнига ўтиради ёки чап тиззасига туради. Итнинг лақабини айтиб, “ёт” деган буйруқни беради, шундан сўнг чап қўли билан унинг яғринига босади ҳамда бир вақтнинг ўзида ўнг қўли билан итнинг олд оёқларини олдинга “чалади” ёки тортади. Ит ётгандан кейин, уни “яхши” деган сўз билан тақдирлаш, уни силаб ширинлик бериш лозим. Итни ётган ҳолатда 5-10 сония ушланади, кейин унга ширинлик берилади ва эркин қўйиб юборилади. Агарда ит ётгандан кейин бирданига туришга ҳаракат қилса, “ёт” деган буйруқ жиддий оҳангда берилади ва унинг яғринига босилади. Бир оз танаффусдан кейин машқ қайта такрорланади (28 -, 29 - расмлар).

Агарда ётқизиш тасма ёрдамида амалга оширилса, бўйинбоқнинг халқаси пастга қаратилиши лозим.



28 - расм. Итни ётқизиш. Биринчи ҳаракат.



29 – расм. Итни ётқизиш. Иккинчи ҳаракат.

Шартли рефлекс ишлаб чиқилиши билан итга нисбатан қўйиладиган талаблар оширилади: ётган ҳолатда кераклигича сақланилиши ва ўргатувчи билан ит орасидаги масофа узоқлаштирилади.

Агарда ит бирламчи “ёт” буйруғига асосан ётиб, шу ҳолатда ўргатувчи икки қадам узоқлашишига қарамасдан 15-20 сония сақланса, унда ишорали шартли рефлексини ишлаб чиқишга ўтилади. Бунинг учун итни ўтқазиб ва ундан бир-икки қадам узоқлашиб, ит тарафга ўгирилиш керак. Ўргатувчининг чап қўли билан тасма тортилади, ўнг қўли олдинга ва юқорига бош баландлигигача кўтарилади, кўтарилган ўнг қўл туширилиши

вақтида, бўйин тасмаси тортилиб “ёт” деган буйруқ айтилади ва ит ётишга мажбурланади (30 - расм).



30 - расм. Итни ётқизиш ишораси.

Бунда ўргатувчи бўйин тасмасини пастга тортиш учун аввал энкайиши керак. Ит ётиши билан унга ширинлик берилиб “яхши” деган буйруқ билан сийлаб, сийпалаш керак. Имо-ишора билан итни ётқизиш бир неча марта қайта бажарилади.

Имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқишда уни ўргатиш билан параллел ҳолда мураккаблаштириш зарур, яъни:

- а) Итнинг ётган ҳолатда ушлаб турилиши икки-уч дақиқага кўпайтирилади;
- б) Ўргатувчи ва ит орасидаги масофа узоқлаштирилади;
- в) Итни ҳар хил ҳолатдан ётқизишга интилинади.

Мураккаблаштириш тамойилинининг кетма-кетлигини сақлаган ҳолда, у дастлаб ўтқазिश буйруғидан бажарилади, лекин бунда албатта ит танасини тўғри ушлашига эътибор бериш лозим. Ит шу ҳолатда ушлаб турилгандан кейин, унга албатта ширинлик берилади. Ит ҳар хил кетма-кет бажариладиган ҳаракатдан кейин аввалги жойидан жилмасдан, ҳамма вақт тўғри ҳолатни сақлашини талаб қилиш керак. Итнинг масофадан бошқарилиши алоҳида буйруқ ва имо-ишора билан амалга оширилади.

Ўргатиш даврининг якунида барча керак бўлган кўникмаларни ит сўзсиз бажаришига эришмоқ лозим. Агар ит 25-30 м масофадан берилган буйрукка итоатлик билан ётса ва бу ҳолатда 5 дақиқа сақланса, кўникма ишлаб чиқилган бўлиб ҳисобланади.

3. Итни ўрнида тик туришга ўргатиш.

Итни тик туришга ўргатиш ташқарига чиқариш, тозалаш, махсус анжомларни кийгизиш ва экстерьерга тўғри баҳо қўйиш учун қўлланилади.

Шартли қўзғатувчилар: “Тик тур” буйруғи берилади ёки чап қўл кафти юқорига қаратилган ҳолда олдинга йўналтирилиб, елка баландлигида кўтарилади (31 – расм).



31 - расм. **Итни тик туришга қаратилган ишора.**

Шартсиз қўзғатувчилар: чап қўл билан итнинг қорнига таъсир қилиш, бўйин тасмасини тортиш, ширинлик бериш ва сийпалаш. Бу кўникма пассив ҳимоя ва озуқа реакциясида ишлаб чиқилади.

Итни тик туришга ўргатишни “ўтир”, “ёт” буйруқларга шартли рефлекслар ишлаб чиқилганидан кейин бошлаш лозим ва бошқа умумий ўргатиш усуллар билан бирга олиб борилади.

Ўргатиш усули ва техникаси.

“Тик тур” буйруғига шартли рефлекснинг ишлаб чиқилиши атроф-муҳит мураккаб бўлмаганда амалга оширилади. Бу кўникма қарама-карши усулда ишлаб чиқилади.

Ўргатувчи ўтирган итнинг ўнг тарафидан жойлашиб “тик тур” деган буйруқни беради ва 1-2 сония ўтгач ўнг қўли билан бўйнидаги тасмани олдинга қаратиб силтайди, шу билан бир вақтда чап қўли билан итнинг қорнига таъсир қилиб уни кўтаради. Ит тик тургандан ўргатувчи уни сийпалаб, “тик тур”, “яхши” деган буйруқни қайтариб ширинлик беради.

Агарда ит ўтиришга ҳаракат қилса, ўргатувчи яна чап қўлини ит қорнининг тагига ўтказиб, уни тик турган ҳолатда ушлаб туради ва “тик тур” деган буйруқни қайтариб туради. Ит 5-10 сония шундай ҳолатда ушлаб турилгандан кейин сайр қилинади. “Тик тур” буйруғига шартли рефлекс ишлаб чиқилишида, ит ўргатувчи ёнида қимирламай туриши ҳам параллел ҳолда ишлаб чиқилади.

Агарда ит “тик тур” буйруғига биноан ўрнидан турса ва шу ҳолатда 15-20 сония сақланса, унда имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқишга ўтиш мумкин. Имо-ишора шартли рефлексини ишлаб чиқиш мақсадида, ўргатувчи итни бир қадам нарига ўтказиб ва ўнг қўли билан “тик тур” имо-ишорасини кўрсатиб “тик тур” буйруғини айтиши лозим. Ит тургандан уни шу заҳотиёқ ширинлик билан сийлаш ва сийпалаш керак. Итга ўз мақсадини тўлиқроқ англатиш учун ўргатувчи “Тик тур” имо-ишора ва буйруқ билан бир вақтда ит бўйнидаги тасмани ўз тарафига силташ лозим.

Ўргатувчи итдан узоқ турганда унинг сабр-тоқатини ишлаб чиқиш учун машқ, ўтказиш ва ётқизиш машқларни ўргатиш тартибида олиб борилади. Тик турган ит жойидан ўргатувчи томонига интилишини эътиборга олиш керак, шунинг учун итдан масофани аста-секин узоқлаштириш лозим. Кейинчалик итни ҳар хил ҳолатда тик туришига эришиш керак. Бундан ташқари уни буйруқ ёки имо-ишора билан зинапоё ёки болорда ҳаракат қилган вақтда тўхтаб туришига ўргатиш керак бўлади.

Итни тик туришидаги ҳолатларини доимо тўғрилаб бориш керак. Тик туришнинг тўғри ҳолати - ит олдинги ва орқа оёқларини тўғри ва текис ушлайди, танасини яхши чўзади, бошини тик ушлайди

Агар ит ўргатувчининг буйруғини ва имо-ишорасини ташқи муҳитнинг ҳар хил шароитида бўйин товламасдан бажарса, танасини тўғри ушлаб, шу ҳолатда беш дақиқа турса, тик туриш кўникмаси ишлаб чиқилган бўлиб ҳисобланади.

Ўргатувчини мумкин бўлган хатолари.

1. Чап қўл билан қорнига ҳаддан ташқари кучли босиш ёки уриш натижасида итда бундай ҳолатга қарши ҳимоя реакциясининг пайдо бўлиши.

2. Бўйин тасмасини кучли силташда ит нафақат туриш, балки жойидан силжиши ҳам мумкин.

3. Тик турган итни тез-тез ёнига чорлаш, ундаги сабр-тоқатликнинг сусайишига олиб келади.

4. Итни эмаклашга ўргатиш.

Итнинг эмаклаши хизматни олиб бориш вақтида қўлланилади. Хизматчи ит ўргатувчининг имоси бўйича у билан биргаликда ёки ўзи эмаклаб келиши лозим.

Шартли қўзғатувчилар: “Эмакла” буйруғи, ўнг қўл билан бажариладиган имо-ишора ва ўргатувчининг эмаклаш ҳаракати.

Шартсиз қўзғатувчилар: итнинг бўйин тасмасини олдинга тортиб, яғрин қисмига босиш, ширинлик бериш ва сийпалаш.

Бу кўникма пассив ҳимоя ва озуқа реакциясида ишлаб чиқилади.

Ўргатиш усули ва техникаси.

“Эмакла” деган буйруққа шартли рефлексни ишлаб чиқиш учун текис, бегона нарсалардан ҳоли майдонча топилади. Ўргатувчи “ёт” деган буйруқни бериб, итни ўзига нисбатан чап тарафига ётқизади. Шундан сўнг у итнинг тасмасини ўнг қўли билан бўйинбоғига яқинроқ жойидан ушлаб ва чап қўлини итнинг яғринига секин қўйиб, “эмакла” буйруғини беради ҳамда ўзи

олдинга ҳаракат қилишни бошлайди ва итни тасмаси билан тортади (32 - расм).



32 - расм. Ўргатувчининг ит билан биргаликда эмаклаши.

Бошида ит туришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолларда ўргатувчи “эмакла” деган буйрукни бериб, итни яғринига секин босади ва кўтарилишига қўймайди. Агарда ит кўтарилмасдан эмаклашни давом эттирса, ўргатувчи “эмакла”, “яхши” деган буйрукни айтиб, ширинлик беради ва сийпалайди. Эмаклаш итни тез чарчатади, шунинг учун биринчи дарсларда бир-икки метрдан зиёд эмаклатиш мақсадга мувофиқ эмас. Итда “эмакла” деган буйруққа шартли рефлекс ишлаб чиқилса, у 10-12 метргача масофани эмаклаб, шартсиз рефлексларнинг таъсирисиз усулни бажаради.

Имо-ишорага шартли рефлексни ишлаб чиқиш қуйидагича амалга оширилади. Ўргатувчи итга қараган ҳолда ундан орқаси билан тисарилади, ўнг қўлини тиззадан пастга туширади ва панжани силкитиб “эмакла” деган буйрукни қайта-қайта такрорлайди. Агар ит бир неча қадам эмакласа, унга бирданига ширинлик бериб тақдирлаш лозим. Ёки қуйидаги усулдан ҳам фойдаланиш мумкин: панжани силкитиш билан биргаликда чап қўлидаги бўйин тасмасини ўзига қаратиб тортиш. Бу машқни ширинлик бериш билан ҳам амалга ошириш мумкин, бунинг учун қўл панжасида ширинликни ушлаб, уни силкитиш лозим. Кейинчалик аста-секин эмаклаш масофасини узайтириш мумкин.

Шартли рефлекс ишлаб чиқилгандан кейин ўргатувчи ит билан биргаликда эмаклаб уни буйруқ ёки имо-ишора билан бошқаради. Шу билан

биргаликда итни ётган, ўтирган, ҳаракат қилган вақтида ҳам уни эмаклашга мажбур қилиб туриш керак.

Ўргатувчи ётган ҳолатда итни буйруқ ёки имо-ишора билан бошқаришни пухта эгаллашлиги катта аҳамиятга эга. Агар ит ўргатувчининг биринчи сигнали бўйича ёки у сиз 15-20 м масофани вақти-вақтида дам олиб яна эмаклашни бошласа, унда эмаклаш кўникмаси ишлаб чиқилган деб ҳисобланади.

Ўргатувчининг мумкин бўлган хатолари.

1. Машғулотлар ўтказиладиган жойда ўткир санчувчи жисмларнинг бўлиши, бундай ҳолда ит эмаклашдан бош тортади.

2. Итни барвақт эмаклашга ўргатиш, яъни ит ётгандан кейин тоқат қилиб қимирламай ётишни яхши ишлаб чиқмаслик. Бундай ҳолларда ит бир жойда ётмасдан, эмаклашга ҳаракат қилади.

5. Итни нарсани олиб келишга ўргатиш (апортировка) .

Итни апортировкага ўргатиш умумий дрессировканинг асосий усули бўлиб у махсус дрессировкага тайёрлаш босқичи бўлиб ҳисобланади. Ўргатувчининг бирламчи сигнали бўйича ит бош тортмасдан нарсаларни излаб топиб келтириб бериши лозим.

Шартли кўзғатувчилар: буйруқлар – “апорт”, “олиб кел”, “бер”, “изла” ва имо-ишора сифатида ўнг қўлни ташланган нарса тарафга йўналтириш.

Шартсиз кўзғатувчилар: апортировка буюми, ширинлик, силаш.

Итларда ҳаракат қилувчи нарсаларни ушлаб олиш туғма реакциясининг мавжудлиги апортировкани ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Бу реакция озуқа реакцияларининг бири бўлиб, у итлардаги қочиб кетадиган ҳайвонни қувиб ушлашга интилишнинг ифодаси бўлиб ҳисобланади. Итларни апортировкага ўргатишни бошлашдан олдин, у билан алоқани тиклаш ва “сайр қил”, “менга”, “ўтир” буйруқларига шартли рефлекслар ишлаб чиқилиши керак. Апортировка машқи кейинчалик ўргатишнинг бутун даври мобайнида ҳам давом этилади.

Ўргатиш усули ва техникаси.

Итни апортировкага ўргатишдан олдин апортировка буюмини тайёрлаш керак. Уни узунлиги 20-25 см ва диаметри 6-7 см келадиган дарахт шохи ёки ёғочдан тайёрлаш мумкин. Унинг ўрта қисми 3-4 см гача йунилиб, гантель шакли берилади. Бундай буюмнинг ўрта қисмини ит яхши ушлайди. Иложи борича апортировка буюмларини темир ёки юмшоқ материаллардан ясамаслик керак, чунки биринчиси жағларга оғриқ келтирса, иккинчисини ит тишлари билан йиртиб ташлайди. Итнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни апортировка буюмига жавоб бериш даражасини эътиборга олиб, ҳар хил ўргатиш усулларини қўллаш мумкин.



33 - расм. Итда апортировка буюмини олишга қизиқишни чақириш.

Кўпгина итларда ширинлик билан сийлаш усули қўлланилади. Бу машқни икки хил усулда олиб бориш мумкин:

а) нарсани “жонлантормоқ”;

б) итнинг озуқавий қитиқланишга қўзғалиши (суяк, латтага ўралган гўшт ва бошқалар). Бу усул апортировка буюмига жавоб бермайдиган итларда қўлланилади.

Биринчи усулда ўргатиш қуйидагича олиб борилади: ит калта тасмада туради. Ўнг қўлида нарсани ушлаб ўргатувчи ит кўзининг олдида у билан ҳар хил ҳаракатлар қилиб “апорт” деган буйруқни беради (33 – расм). Нарсанинг ҳаракати кўпчилик итларда уни ушлаб олиш реакциясини туғдиради. Ит нарсани ушлаб олиши билан ургатувчи “апорт”, “яхши” буйруқларни беради ва нарсани ўзига қараб тортади, бунинг билан у ит буюмни кучлироқ ушлашини таъминлайди. 5-6 сониядан сўнг ўргатувчи “бер” деган буйруқни бериб ўнг қўли билан нарсани тортиб олади, чап қўли билан эса итга ширинлик беради (34 - расм).



34- расм. Ўргатувчининг итдан апортировка буюмини олиш.

Агар ит нарсани қўлдан яхши ушлаб оладиган бўлса, унда ўргатувчи нарсани ўзидан 2-3 м узоқроққа ташлаб, “апорт” буйруғини беради ва у билан бирга нарса томонига қараб ҳаракатланади ва “апорт” деган буйруқни бериб боради. Ит нарсани ушлаши билан ўргатувчи “яхши”, “апорт” буйруғини бериб яна орқасига қайтади. Агар ит нарсани (буюмни) унинг олдида олиб келса, у “бер” деган буйруқни бериб, уни тортиб олади ва итга ширинлик беради.

Ит ўргатувчининг олдида яқинлашганда нарсани ерга ташлашига йўл қўймаслик керак. Ўргатувчи ҳар доим нарсани ўз қўли билан олишга улгуриши керак, шунинг учун ўргатувчи итни ўтқазиб қўшимча “Бер” оғзаки буйруғини беради (35 – расм).



35 - расм. Итни апортировка буюми билан ўтқизиш.

Айрим итлар ташланган ёки ётган нарсани олмаслиги мумкин. Бундай вақтда нарсани “жонлантириш” лозим, яъни қўли ёки оёғи билан нарсани четга ташлаш керак, бундай ҳаракат итда нарса орқасидан чопишга ва уни ушлаб олишга ундайди.

Айрим итлар ёғочдан ясалган нарсага эътибор бермайди. Бундай пайтда апортировка буюми итни қизиқтирадиган нарсдан тайёрланади. Масалан, латта, резин, чармдан ясалган ёки ялтироқ нарсани қўллаш мумкин.

Керак бўлганда қитиқловчи сифатида озуқанинг ҳиди бор нарсалар: латтага ўралган гўшт, суяк, гўшт ёки гўштга тўлдирилган картон найча ишлатилади. Гўштнинг ҳиди озуқа реакциясини чақиради ва апортировка буюмини ушлашга ундайди.

Агарда ит “апорт” (олиб кел) буйруғига жавоб берса ва 3-4 қадам нарига ташланган нарса орқасидан далиллик билан югурса ҳамда уни ўргатувчига олиб келса, бирламчи шартли рефлекс ишлаб чиқилган деб ҳисобласа бўлади.

Кейинчалик қуйидаги машқлар бажарилади:

- а) имо-ишорага шартли рефлексни ишлаб чиқиш;
- б) нарсани ташлаш масофасини узоқлаштириш;
- в) ҳар хил нарсаларга итни апортировка қилишга ўргатиш;
- г) апортировкадан олдин итда тоқатлилиқ бўлишини ишлаб чиқиш;

д) нарсани ушлаб ўргатувчининг олдида ўтириш кўникмасини ишлаб чиқиш;

е) буйруқ ёки имо-ишорага жавобан излаш кўникмасини ишлаб чиқиш.

Барча машқлар параллел олиб борилади. Фақат улар мураккаблигига караб кетма-кет кўшилиб туради. Энг аввало имо-ишорага шартли рефлекс ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг учун нарсани улоқтириб, ит ушлаб турилади, шундан сўнг имо-ишора берилади ва уни “апорт” буйруғи билан тасдиқлаб, ит нарса тарафига йўналтирилади.

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Гавлин И. Разведение домашних животных. Алма-Ата. 1985.
2. Зиядиннов Ф. Кинология асослари. Тошкент 2004.
3. Зубко В.Н., Укроженко В.А. Дрессировка служебных собак. М. ДОСААФ, 1977.
4. Зубко В.Н. Служебное собаководство. М., ДОСААФ, 1987.
5. Корнеев Л.А. Слово о собаке. М., Мысль, 1989.
6. Корнеев Л.А. Спортивная дрессировка собак служебных пород. – М., 1994.
7. Наймонова Д. Атлас пород собак. Прага, 1985.
8. Нарзиев Д.Х. Ҳайвонлар анатомияси. Тошкент. Мехнат. 1986.
9. Чистяков. Воспитание и дрессировка служебной собаки. Санкт-Петербург. 2005.
10. Хасанова Р.А. Декоративное собаководство: Необычное и обычное о собаках. – Т.: Мехнат, 1990.

